

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСТЕТИ

**Кул ёзма ҳукукида
УДК 821.111. (+73)**

JURAYEVA NARGIZA

**АҚШ ёзувчилари ижодида аболиционизм ғоялари
(Х.Б.Стоунинг ”Том тоғанинг кулбаси“, Майн Риднинг “Квартеронка”
асарлари мисолида.)**

**5A120101 Адабиётшунослик (инглиз тили)
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар:

prof. А.Е.Маматов

Илмий маслахатчи:

доцент М.И.Гадоева

Мундарижа

Кириш	3
I боб. АҚШ да аболиционизм ҳаракати ва унинг адабиётда таъсири	
1. АҚШда аболиционизм ҳаракатининг дастлабки босқичлари, ривожланиш ва якуний даврлари.....	6
2. АҚШ адабиётида аболиционист ёзувчилар ижоди.....	22
3. I Боб бўйича хулоса	39
II боб. Х.Б.Стоу романларида аболиционизм ғояларининг ёритилиши	
1. Х.Б.Стоунинг “Том тоғанинг кулбаси” романида аболиционизм ғояларининг тараннум этилиши.....	40
2. Х.Б.Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романидаги кулдорларнинг ички ва ташқи дунёси.....	48
3. II Боб бўйича хулоса	53
III боб. М.Рид романларида аболиционизм ғояларининг ёритилиши	
1. М.Риднинг «Квартеронка» романида аболиционизм ғояларининг тараннум этилиши.....	54
2. М.Риднинг “Квартеронка: романи воқеалари ривожининг ёритилиши.....	62
3. III Боб бўйича хулоса	69
Хулоса.....	70
Адабиётлар руйхати.	72

КИРИШ

Миллий истиқлол давридаги шарт-шароит, маънавий-маданий, илмий тафаккур тараққиёти адабиётшунослик фанига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Янги замон ва у яратиб берган имкониятлар нафақат миллий адабиёт, балки жаҳон адабиёти тарихини, сўз санъаткорлари бадиий меросини холис, замонавий илмий-методологик усуллар асосида ўрганишни тақозо этмоқда.

Давр тарққиёти, ижтимоий, маданий, илмий онг ҳаракати бадиий адабиёт тарихига ҳам, айрим бадиий матнлар оламига ҳам янги, чуқурроқ нигоҳ билан қарашни тақозо этмоқда. Айниқса, адабиёт тарихида у ёки бу даражада из қолдирган бадиий матнлар бадиий оламнинг мустақиллик даври адабиётшунослиги қўлга киритган ютуқ, тажрибалар, замонавий методлар асосида ўрганиш зарурияти кун тартибида турибди.

Миллий адабиёт жаҳон сўз санъатининг бир қисми, унинг таркибий бир бўлаги ҳисобланади. Ҳеч бир нарса адабиёт тараққиётини, ундаги адабий турлар ва жанрлар генезисини, тадрижи, адабий қаҳрамон типлари, адабиёт-бадиий усуллар, ижодий метод, бадиий дунёқараш кабиларни бир адабиёт материали доирасида англаб бўлмайди. Улар умумжаҳон адабиёти ёки унинг муайн ҳудуди доирасида ўрганилиши ва баҳоланиши лозим. Чунки давр тараққиёти адабиётшунослик тараққиёти демакдир.

Миллий мустақиллик даври ҳамма соҳалар каби адабиётшуносликда ҳам янги имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берди. Адабиёт илмига янги усуллар кириб келмоқда, бадиий матнни жаҳон илмий-назарий тафаккури мезонлари асосида таҳлил этишга интилиш, ҳаракатлар кучайиб борапти.

Юқорида, адабиёт ҳақидаги баъзи бир фикр мулоҳазаларимизни баён қилганимизнинг боиси шундаки, бизнинг магистрлик диссертациямизда олиб борилган тадқиқотлар адабиёт билан, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, XIX аср Америка Қўшма Штатлари адабиёти билан чамбарчас боғлиқ. Чунки бизнинг магистрлик диссертациямизнинг мавзуси “АҚШ ёзувчилари ижодида аболиционизм ғоялари (Х.Б. Стоунинг “Том тоғанинг кулбаси”-Uncle Tom’s Cabin” ва М.Риднинг “Квартеронка” асарлари мисолида)” бўлиб, ишимиз кириш қисми, уч боб, олти параграф, хулоса қисми ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик диссертациясининг мавзусига асосланиб, биз бобларни қуйидагича номладик:

I боб. АҚШда аболиционизм ҳаракати ва унинг адабиётга таъсири.

II боб. Х.Б.Стоун романларида аболиционизм ғояларининг ёритилиши.

III боб. М.Рид романларида аболиционизм ғояларининг ёритилиши.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, у бугунги кунда ҳам долзарб муаммолардан бири-қуллик ва одам савдосига қарши яъни аболиционизм ҳаракати ва аболиционизм ғояларини ўз ижод намуналарида тартиб қилган ёзувчи ва адибларнинг адабий фаолиятларини ўрганишга бағишланган. Мазкур тадқиқот устида изланишлар олиб бориш жараёнида биз инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва ҳақ-ҳуқуқлари ва одам савдоси нафақат XIX асрда балки замонавий XXI асрда ҳам дунёдаги энг глобал муаммолардан биридир. Тараққий этмаган ва цивилизацияси орқада қолган камбағал мамлакатларнинг фуқаролари хорижга ишлаш мақсадида боришяпти, бироқ бахтга қарши улар бойликка хирс қўйган инсонлар қўлида қулларга айланишяпти. XIX асрда АҚШдаги аболиционизм ҳаракатини ўрганиш жараёнида биз қулларнинг нақадар аянчли ва машшақатларга тўла ҳаёт йўлларини кўриб чиқдик. Замонавий қуллар ва ўтмишдаги Америка Қўшма Штатлардаги қора танли қуллар ўртасидаги ўхшашлик шундаки, уларнинг ҳар иккаласида ҳам ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ бўлмай, улар арзон ёхуд текин ишчи кучидир. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, биз магистрлик диссертацияси мавзусининг нақадар долзарблигини кўришимиз мумкин, чунки биз тадқиқотимизда аболиционизм ҳаракатининг тарихий босқичлари, уларнинг етакчилари фаолиятларини ўргандик ва улар илгари сурган аболиционизм ғояларининг америкалик сўз санъаткорлари асарларида нақадар моҳирлик билан акс эттирилганлигини таҳлилларимиз жараёнида аниқладик.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Магистрлик диссертациясининг мавзусини ўрганиш ва уни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ҳамда очиб бериш мақсадида биз аболиционизм ҳаракати ва Х.Б.Стоу ҳамда М.Риднинг адабий фаолиятларини тадқиқ қилган бир қатор олимларнинг илмий ишлари ва шу мавзуга бағишланган мақолаларни ўрганиб чиқдик. Бундай олимлар ва адабиётшунослар сирасига Парингтон, Осипова, Чертков, Конрад, Рейнолдс, Клод Мак Кей, Стери, Ермалаева, Чуковский, Шариф Ризо ва бошқалар киради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг мавзусига асосланиб, биз АҚШда аболиционизм ҳаракатининг тарихини ва аболиционизм ғояларининг Х.Б.Стоунинг “Том тоғанинг қулбаси” ва М.Риднинг “Квартеронка” асарларида ёритилишини, романлардан олинган парчалар мисолида ўрганишни мақсад қилдик.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, биз қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга қўйишини жоиз деб билдик:

1. XIX асрда АҚШда аболиционизм ҳаракатининг вужудга келиши ривожланиш давлари ва якуний босқичларини ўрганиш;

2. АҚШ адабиётида аболиционизм ёзувчиларнинг ижоди билан танишиш;
3. Х.Б.Стоу ва М.Риднинг аболиционизм оқими тараққиётига қўшган ҳиссалари очиб бериш;
4. Х.Б.Стоуннинг “Том тоғанинг кулбаси” ва М.Риднинг “Квартеронка” романларида ифодаланган аболиционизм ғояларини асарлардан олинган мисоллар ёрдамида очиб бериш ва уларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Биз магистрлик диссертациясининг мавзусини атрофлича очиб бериш мақсадида кўплаб муаллифларнинг китоблари ва асарларини мутолаа қилдик. Шулардан К.Ванспенкернинг “Америка адабиётининг асослари”, Ю.Б. Голицинскийнинг “Америка Қўшма Штатларининг тарихи”, Г.Кларк “Амрика Қўшма Штатлари”, Елизарованинг “История зарубежной литературы XIX века”, Шукуровнинг “Адабиётшуносликка кириш” кабилар тадқиқотнинг методологик асоси бўлди.

Тадқиқотнинг асосий манбаларига Х.Б.Стоуннинг “Том тоғанинг кулбаси” ва М.Риднинг “Квартеронка” романларининг инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги вариантлари киради.

Тадқиқотнинг янгилиги. Магистрлик диссертациясининг янгилиги шундан иборатки, унда аболиционизм ғояларининг Х.Б.Стоуннинг “Том тоғанинг кулбаси” ва М.Риднинг “Квартеронка” романларида ифодаланиши асарлардан олинган мисолларни таҳлил қилиш орқали ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур магистрлик диссертациясидан ўрин олган изланишлар ва маълумотлар келажакда АҚШ адабиётига доир тадқиқотлар олиб боришда, маърузалар матнларини тузишда ва чет эл ёзувлари адабий меросини ўрганишда қимматли манбаа сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I BOB. AQSHda aboliционизм харақати ва унинг адабиётга таъсири

1. AQSHda aboliционизм харақатининг дастлабки босқичлари, ривожланиш ва якуний даври

Аболиционизм (инглиз тилида «abolitionism» латинча «abolitio» сўзидан олинган бўлиб «бекор қилиш» деган маънони англатади) – бирор бир қонунни бекор қилишни йўқлаб чиқувчи ижтимоий ҳаракат. Шу ном остида XVIII аср охири ва XIX асрда Америка ва Ғарбий Европада қулларни озод қилишга, қулдорлик ва қул савдосини бекор қилишга ҳамда тўхтатишга қаратилган сиёсий ҳаракат сифатида тарих саҳифаларидан жой олган. Бу ҳаракатнинг биринчи ташаббускорларидан бири XVI асрнинг олими ва испан зиёратчиси Бартоломе де Лас Касас бўлган. Унинг ташаббуси билан Испания биринчилардан бўлиб, Европа давлатлари орасида америкалик ҳиндуларни қулларга айлантиришга қарши 1542 йилда қонун қабул қилган, аммо тез орада мазкур қонун бекор қилинган. Аммо шунга қарамай, бу қонун Африкадан Америкага қулларни оммавий тарзда экспорт қилишга тўртки бўлган сабаблардан биридир.¹ XVIII асрда квакерлар деб номланган инглиз сектаси қулдорликка қарши ғояларни тарғиб қилган бўлса, шу асрнинг сўнггида қуллар ва қулдорлик мавзуси Европа Маърифатпарварлик оқимида алоҳида ўринга эга бўлган ва бу масала адиб ва ёзувчилар томонидан уларнинг ижод намуналарида кенг ёритилган. Ўша даврда қуликка қарши бўлганларни абoliционистлар эмас, балки филантроплар деб аташган. Бунинг сабаби шундаки, улар сиёсий партияларнинг фаолиятида бевосита иштирок этишмаган, улар қуликка қарши фикрларини ва қарашларини шунчаки оммавий ваъзларда тарғиб қилишган. XIX асрнинг бошида эса кўпгина Европа давлатларининг ҳукуматлари, қуликни бекор қилиш лозимлигини ва бу соҳада ислоҳотлар қилиш кераклигини англашади ва буни тан олишади.

1807-1808 йилларда AQSH ва Британия мустамлакаларига Африкадан қулларни олиб келиш ва мамлакатга киритишга қарши қонун қабул қилинган ва бундай ҳатти-ҳаракатлар ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари томонидан ман қилинган. 1833 йилга келиб эса, қулдорлик тузуми Британия Империясида, шунингдек Вест-Индиядаги британ қисмларида асрлар

¹ Паррингтон В.Л. Основные течения американской мысли. Том II. М., Изд. ин. лит. 1962. стр. 24.

давомида бу ерлардаги иқтисод кулдорликка асосланган ва бундан кўплаб фойда кўрилган бўлишига қарамай, бутунлай бекор қилинади ва ман қилинади. Аммо АҚШда кулдорлик фақатгина 1865 йилда бекор қилинган ва АҚШ Конституциясининг ўн учинчи бобига ўзгартиришлар киритилган.

Кулдорликка қарши Европа ҳаракати 1861 йилда рус деҳқонларининг крепостной тузумидан озод бўлишларида ҳам катта роль ўйнаган. Бугунги кунда кулдорлик ва кул савдоси халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар томонидан ман қилинган.

Ана энди аболиционизм ҳаракатининг маълум бир давлатларда пайдо бўлиши ва бу ҳаракатнинг оммалашиб боришида ҳамда тараққий топишида ўз ҳиссасини қўшган етакчилар фаолияти ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, биринчи навбатда бу ижтимоий ҳаракатнинг тарихий босқичлари тўғрисида маълумот беришни жоиз деб топдик.

Буюк Британияда ҳали XVII асрнинг бошларида ва ҳаттоки маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалган XVIII асрда ҳам Африка, Осиё ва Америкадан келтирилган куллар ҳали ҳануз Лондон ва Эдинбургнинг бой-бадавлат хонадонларида уй хизматкорлари сифатида хизмат қилишган. Инглизлар Америка қитъасидаги мустамлакаларга кўчганларида ўзлари билан доимо, ўз хизматкорлари ва Ҳиндистондан олиб келган куллари билан кўчишган. Улар Буюк Британия ҳудудида кулликка сотилмаганликлари учун ҳам, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрни 1772 йилгача ноаниқлигича қолган.¹

XVIII асрнинг охирида Буюк Британияда кулликнинг қонунийлиги масаласига путур етказган, бир нечта жанжалли ва можароли суд жараёнлари бўлиб ўтди ва улар аболиционистларнинг суд органларидаги кейинги курашларига замин яратди. Бунда 1772 йилда Чарльз Стюарт қочоқ кул Джеймс Сомерсетни тутиб, уни Ямайкадаги шакар плантацияларига меҳнат қилиш учун мажбуран юбормоқчи бўлади. Лондонда туғилиб, ўсгани учун Сомерсетни чўқинтирган ота-она кулдорнинг қарорига қарши чиқишади ва уни судга беришади ҳамда Британия қонунчилигининг Хабеас корпусга амал қилишларини сўрайди. Мазкур суд ишини олиб борган Судья Мюррей 1772 йил 22 июнда шундай қарор чиқаради:

«Бугунги кунда мамлакатимизда кулдорлик шундай аҳволдаки, уни у ёки бу инсоннинг хоҳиш-истакларига қараб ҳал қилиб бўлмайди, шунинг учун ҳам бу масалани ечиш учун қонуний замин бўлиши керак... бу ерда ҳеч ким қулни унинг ўз мажбуриятларидан бўйин товлагани учун, уни куч

¹ Ванспэнкерэн К. Америка адабиёти асослари. Т., 2004, 42-бет.

билан мажбуран чет элга сота олмайди, бу нарса кироликнинг ҳеч бир қонунига мос келмайди, шунинг учун ҳам бу кул озод бўлиши керак».¹

Бу ҳолат ўша пайтлар барчани лол қолдирган эди. Шундан сўнг 1729-1780 йилларда Игнатиус Санчо – «ғайриоддий қора танли» лақаби билан танилган, бу кул XVIII асрда британиялик аболиционистлар учун – африкаликлар ҳам инсон, кул савдоси эса ўта ахлоқсизлик рамзи сифатида кулларга нисбатан бошқача кўз билан қарашга ундаган.

Юқоридаги ҳолатлар қонун нуқтаи назаридан ўта ноаниқ ҳисобланса-да, ўша давр замондошлари инсоннинг куллик ҳолатида бўлиши масаласига ўта танқидий фикр-мулоҳазаларни билдиришган, бу эса ўз навбатида Буюк Британияда ўн мингдан зиёд кулларнинг озод бўлишига олиб келган ва бу ҳолат натижасида кулдорлик британиянинг мустамлакаларида (асосан Шимолий Америкада) ўз кучида қолса ҳам, Британ ороллари ҳудудида ўз кучини йўқотди. Шунингдек, Сомерсетнинг иши бутун дунёда инглиз тилида сўзлашувчи ерларда аболиционизм ҳаракатининг вужудга келишига замин яратган. Куллар бирин-кетин ўз хўжайинларидан кетишни бошлаб, судларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, озодликлари учун курашишган. Аммо шунга қарамай, Шотландияда кулларнинг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтиши ҳақидаги қонун мавжуд бўлган, ва фақатгина 1799 йилда Британия парламентининг махсус қонуни билан бекор қилинган.²

1787 йилда Британия Парламентида кулдорлик ва кул савдосининг ман этилиш ҳатти-ҳаракатларини машҳур британиялик филантроп Уильям Уилберфорс етакчилик қилди. 1807 йилда унинг саъий-ҳаракатлари натижасида кул савдосини ман қилиш ҳақидаги Низом қабул қилинишига ва 1833 йилда эса Буюк Британия Империясида бутунлай кулдорликни йўқ бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган тарихий далил ва маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, аболиционизм ҳаракати 1800 йилларда айниқса Қўшма Штатлар ва Буюк Британияда бошқа ерларга нисбатан кенг қулоқ ёйиб, кулдорликни тўхтатиш ва умуман йўқ қилишга қаратилган ҳам ижтимоий ва ҳам сиёсий ҳатти-ҳаракатлар мажмуидир. Бу мамлакатларда аболиционизм ҳаракатининг тез суръатлар билан ривожланганлигининг сабаби шундаки, бу ерларда плантациялар ва пахта далаларида тер тукиб ишлайдиган куллар сони анча кўпроқ бўлган. Америка Қўшма Штатларида кулдорликка қарши саъий-ҳаракатлар ҳали бу давлат Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган даврлардан бошлаб куртак ёя бошлаган. Америка Мустамлакачилик Жамияти (The American Colonization Society)нинг 1817 йилда асос

¹ General Evening Post. Рўзнома. 1772 й. 21-23 июнь.

² www.altavista.com

солиниши натижасида Америка Қўшма Штатларида қулдорликка қарши чиқишлар 1800 йилларнинг боши давомида узлуксиз равишда содир бўла бошлаган. Бу қулдорликка қарши чиқишларнинг мақсади озод этилган қулларни Африка ва Либерияга юборишдан иборат бўлган.¹ Бу воқеалардан сўнг аболиционизм ҳаракати секин-аста Қўшма Штатларнинг шимолий штатлари бўйлаб ёйилишига замин яратади, аммо жанубий штатлар бу воқеаларга қарамай, бу ҳаракат содир бўлишини хохламас эди.

Аммо барча тўсиқларга қарамай, XIX асрнинг 30 йилларига келиб, аболиционизм ҳаракати Қўшма Штатларда «Либерейтор» («Liberator») газетасининг нашр этилиши ва Қулдорликка қарши Америка Жамияти (Antislavery American Society) ташкил этилиши билан оммавий тус ола бошлади. 1840 йилларга келиб, аболиционизм ҳаракати тарафдорлари икки оқимга бўлинишди. Кўпгина аболиционистлар Уильям Гаррисон бошчилигида қулдорликка қарши курашишда куч ишлатмаслик керак деб ҳисоблашган бўлса, Ф.Дуглас раҳнамолигидаги нисбатан кам сонли аболиционистлар қурол ишлатиш лозим деб таъкидлашар эди. Бундай қуролли ҳатти-ҳаракатлар 1859 йилда Джон Браун исмли аболиционист томонидан қулларни озод қилиш учун амалга оширилган, аммо афсуски бу воқеа омадсизлик билан ўз ниҳоясига етган.²

Аболиционизм ҳаракати 1840 йилда икки оқимга бўлинишидан ташқари, мазкур йилда ўзининг янги ривожланиш даврига ўтди, чунки унинг баъзи тарафдорлари сиёсат билан шуғулланиб, Озодлик Партиясининг (Liberty Party) тузилишига асос солишди. Айнан шу партиядан бўлган Жеймс Бирни (James G. Birney) исмли кимса, 1840 ва 1844 йилларда президентлик сайловларида ўз номзодини кўрсатган ва сайловларда иштирок этган. Аболиционистлар 1848 йилда асос солинган. Озод Ер Партиясида (Free Soil Party) кўпчилиқни ташкил этган бўлса, 1854 йилдан сўнг эса аболиционистларнинг катта қисми Республикачилар Партиясини (Republican Party) қўллаб қувватлашган.

Аболиционистлар сиёсат соҳасига кирган бўлишларига қарамай, сиёсий идораларда кунларини ўтказмай, ўз олдиларига қўйган мақсад сари интилган ўз даврининг илғор кишилари бўлишган. Улар сиёсий норозиликни бевосита ҳатти ҳаракатлар билан чамбарчас боғлашган. Баъзан уларнинг бошпаналари темир йўл станциялари ва ҳаттоки ертўлалар бўлган.

¹ Клод Мак Кэй. Негры в Америке. Москва. Гос. изд. 1923. стр. 5-6.

² Паррингтон В.Л. Основные течения американской мысли. Том II, М., Изд. ин. лит. 1962. стр. 25.

Улар кулларга озод бўлишга ва уларга Канада ёки Эркин Штатларга кўчиб ўтишга ёрдам беришган.¹

Ана энди аболиционизм ҳаракатининг кўзга кўринган етакчи намоёндалари ва вакиллари ҳақида бирин-кетин тўхталадиган бўлсак, уларнинг етакчиларидан бири Уильям Гаррисон (William Lloyd Garrison) бўлиб, у 1805 йилнинг 12 декабрида Массачусетс штатидаги Ньюберипорт деган жойда камбағал ирландиялик мухожирлар оиласида дунёга келган. Унинг отаси денгизчи бўлган. У расмий ўрта таълимни ҳеч қаерда олмаган. Ўн уч ёшида босмахонага шогирд тушиб, у ерда ҳарф терувчи ва босмахоначи хунарларини ўрганиб эгаллаган. 20 ёшида эга «Озод пресса» («Free Press») газетасининг муҳаррири бўлган ва бу газетада Дж.Г.Уиттёрнинг дастлабки шеърлари чоп этилган. Сўнгра бир оз муддат у ичкиликни қораловчи газетанинг ҳам муҳаррири бўлиб, бунга қарши ташвиқот ишларини ҳам олиб борган.

У.Гаррисон Бенжамин Ланди исмли квакер таъсирида кулдорликни бекор қилувчи ҳатти-ҳаракатнинг фаол иштирокчисига айланган. Бунга Бенжамин Ландининг Балтимор (Мэриленд) нашр қилган кулдорликка қарши руҳдаги «Оммавий озодлик руҳи» номли газетаси туртки бўлган. Гаррисон бу газетанинг муҳаррир ёрдамчиси бўлгандан сўнг, янги саҳифа очиб, уни «Қора рўйхат» деб атаган. Гаррисоннинг ушбу саҳифа ўлдирилган, шафқатсизларча калтакланган ва ўғирланган ҳамда кўплаб адолатсизликлар қурбонлари бўлган кулларга бағишланган бўлиб, улар ҳақида узлуксиз маълумот бериб турган. 1830 йилда эса бир кул савдогари ҳақида ёзилган фош қилувчи мақолаларидан бири учун Гаррисон етти ҳафта қамоқда ўтиришга ҳам мажбур бўлган. 1832 йилда у Янги инглиз (кейинроқ эса Массачусетс) аболиционизм жамиятига асос солган, 1833 йилда эса Филадельфияда «Кулдорликка қарши курашувчи Америка ташкилоти»нинг вужудга келишида ўзининг алоҳида ҳиссасини қўшиб, бу ташкилотнинг Низом дастурини тузган. Айнан шу йилда Гаррисон Буюк Британияга қисқа сафар уюштириб, у ердаги инглиз ҳамфикрлари билан алоқалар ўрнатади. Бундан ташқари, яъни кулдорликка қарши ҳаракатлар билан бирга, у аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишларини қўллаб-қувватлаган, чунки у аёллар ҳам жамиятда эркаклар сингари тенг ҳуқуқларга эга бўлиши лозим деган қарашларларнинг тарафдори бўлган. Ўз навбатида эса, кўплаб феминистлар Гаррисон томонидан тузилган кулдорликка қарши жамиятга аъзо бўлишган.

Гаррисон, гарчи, кулдорликка қарши ашадий курашчи сифатида бутун мамлакатда донг чиқарган бўлишига қарамай, у куч ва қурол ишлатиб эмас,

¹ www.google.com

балки ташвиқот ҳамда тарғибот ишлари билан ўзи кўзлаган мақсадларига эришмоқчи бўлган. Айнан шу буюк мақсадларини амалга ошириш учун Гаррисон 1831 йилдан 1865 йилгача, Бостонда ҳафталик газета «Либерейтор» («Озодлик берувчи») орқали аболиционистларни ўз атрофига тўшлаб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини унда чоп эттиради. Мамлакат жанубида ҳукм сурган жисмоний шафқатсизликка қарши у ўткир сўз ва қаламни – бундай адолатсизликка қарши қурол сифатида ишлатади. Унинг ўта фош қилувчи нутқлари ҳеч кимни бефарқ қолдира олмас эди. Гаррисоннинг қулдорликка қарши қаратилган чиқишлари қулдорларни ва уларнинг Шимолдаги тарафдорларини ғзабини келтирар эди. Джоржия штатининг ҳукумат расмийлари унинг ҳибсга олиниши учун 5000 доллар таклиф қилишар эди. 1835 йилда У.Л. Гаррисоннинг Британиялик аболиционист Дж.Томпсон билан ҳамкорликдаги чиқишидан сўнг улар зўрға таъқибчилар ва қулдорларнинг дўқ-кўписаларидан қутулиб қолишади ва ўз жонларини асраб қолишади. У.Л.Гаррисонни ўлимдан фақатгина Бостон ҳокимининг уни ҳибсга олиши ва шаҳардан ҳеч кимга билдирмай чиқартириб юбориши сабаб бўлади. Аммо Гаррисон ўз қарашларининг фидоийси эди, шунинг учун ҳам уни на шафқатсиз ва тинимсиз таъқиблар ва на ўлим ҳақидаги дўқ-пуписалар тўхтата олар эди. «Бостонлик бу фидоий инсоннинг овози бу масалада жамоатчилик фикрининг уйғонишига замин бўлди. У кўпчилик шимолликларни қулдорликка бўлган муносабатини ўзгартиришга мажбур қилган. Бунга нафақат унинг «Либерейтор» да чоп этган мақолалари, балки мамлакатнинг турли шаҳарларида уюштирган аболиционистларнинг мажлисларида сўзлаган фош қилувчи чиқишлари муҳим роль ўйнаган. Унинг энг машҳур нутқларидан бири 1838 йил май ойида Филадельфияда айтилган бўлиб, унда Гаррисон: «Бизга ахлоқий зилзила керак» деган фикрини баралла эълон қилади, бу гапи орқали у қулларга бўлган муносабатни аллақачон ўзгартириш вақти келди деб яна ва яна уқтирмоқчи бўлади. Гаррисон ҳаттоки, бутун дунёга энг демократик Конституция деб донг таратган, АҚШ Қомусини инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилувчи ва қулдорликни тан олгани учун, энг бўмағур Конституция деб атаб, уни ўлим ва жаҳаннам билан тузилган шартнома» деб атайди. Массачусетс штатининг Фрамингам шаҳарчасида 1854 йил мустақиллик куни байрами муносабати билан қилган чиқишида у Конгресс томонидан қочоқ қуллар ҳақидаги қонунни ва АҚШ Конституциясининг қулдорлик билан боғлиқ бандини қаттиқ қоралаб, танқид қилгач, барчанинг олдида бу ҳужжатларни оловга ташлайди. 1834 йилда унинг «Соннетлар ва бошқа шеърлар» деб номланган тўплами нашр этилади ва 1852 йилда эса унинг энг

сара танланган асарлари ва ишлари «Selections» номи билан чоп этилади.¹ Бу ўринда, шуни айтиб ўтиш керакки, барча аболиционистлар ҳам унинг радикал қарашларини ва сиёсий курашда қатнашмаслик фикрларини қўллаб-қувватлашмаган. Кўпчиликка унинг черковларни қулдорликни бекор қилиш учун ҳеч нарса қилмаганликда айблаб ва қоралаб чиққан чиқишлари-ю нутқлари ёқмас эди. Ишчилар томонидан чоп этилган нашрларда эса у Шимолда ҳукм сураётган «Оқ танлилар қуллиги»ни пайқамгани ва касаба уюшмаларига қарши чиққанлиги учун танқид қилинар эди. Айнан юқорида санаб ўтилган омиллар туфайли, Гаррисондан кўплаб аболиционизм тарафдорлари узоқлашишади ва бу ўз навбатида аболиционизм ҳаракатининг бўлинишига олиб келади.

Фуқаролар Уруши арафасида Гаррисон бу курашда куч ишлатиш масаласини қайта кўриб чиқиб, Авраам Линкольнни қўллаб қувватлайди. Фуқаролар Урушидан сўнг, у яна сиёсий фаолиятдан четлашиб, сенатор бўлиш таклифини рад этади, аммо у кўплаб ислохлотларнинг проектларини қўллаб қувватловчи мунозарали муҳокамаларда қатнашиб, аёллар ва қора танлиларнинг барча фуқаролар каби тенг ҳуқуқли бўлишини йўқлаб чиқади. Бутун мамлакат бўйлаб маърузалар ўқиган, журналларда мақолаларини чоп эттирган ва умрининг сўнгги йилларида аёлларнинг овоз бериш ҳақ-ҳуқуқларини йўқлаб чиқган Америка Ассоциациясининг фаолиятида қатнашган. 1877 йилда Гаррисон яна бир бор Буюк Британияга сафар уюштириб, у ердаги аболиционизм ҳаракати фахрийлари шу жумладан Дж.Томпсон билан учрашади. Гаррисон 1879 йил 24 майда Нью-Йоркда вафот этган.²

Гаррисоннинг куч ва қурол ишлатмай туриб ҳам, қулдорликни тинч йўл билан бекор қилиш мумкин деган қарашлари реал ҳаётда ўзининг тўлиқ исботини топмаган бўлса-да, бутун инсоният унинг қулдорликка қарши ва барчанинг тенг-ҳуқуқлиги учун олиб борган курашдаги матонати учун миннатдор бўлса арзийди. Жумладан буюк рус ёзувчиси Л.Н. Толстой Гаррисоннинг куч ишлатмай туриб кураш олиб бориш назарияси ва амалиётини юксак баҳолаган. Толстой уни «энг буюк инсонлардан бири деб атаб, унинг ишлари ўз даврида яхши қабул қилинмай, тўғри баҳоланмаган чунки у нафақат Америкадаги қулдорликка қарши курашган жангчи, балки Гаррисон бутун инсониятнинг буюк пайғамбари деб таърифлаган.

¹ Mayer Henry. All on Fire: W.L.Garrison and the Abolition of Havery. New York 1999.

² Осипова Э. Гаррисон У.Л. // Писатели США. Краткие творческие биографии. М., Радуга. 1990, стр. 51.

Аболиционизм ҳаракати вакиллари орасида Фредерик Дуглас ҳам ўзининг кулдорликка қарши фаолияти билан алоҳида ўринга эга. Фредерик Дуглас (Frederick Douglass) 1818 йил февралда кул бўлиб дунёга келган америкалик ёзувчи, маърифатпарвар, аболиционист, муҳаррир ва нотик Америкадаги қоратаниш аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган энг кўзга кўринган арбоб бўлиб, қора танлиларни озод қилиш ҳаракати раҳнамоси. Фредерик Дуглас аслида кул бўлган, аммо 1838 йилда Шимолга қочган ва у ерда кулдорликка қарши курашган. 1847 йилдан Фредерик «Шимолий Юлдуз» («The North Star») номли газетани чоп эттира бошлаган ва кейинчалик бу нашриёт кулдорлик ва кул савдосига қарши йўналтирилган энг етакчи органларнинг бирига айланади. Америка Қўшма Штатларидаги 1861-1865 йиллардаги Фуқаролар Уруши даврида кулларни зудлик билан озод қилиш шиорини олға суради, шунингдек у биринчи қора танлилар ҳарбий бўлинмаларини шакллантиришда ҳам иштирок этади. Кулларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам йўқлаб чиққан. 1848 йилда Сенека-Фоллзда Аёллар ҳақ-ҳуқуқларига бағишланган Конгрессда бу масалага оид Декларацияни имзолаганлар қаторида у ҳам бор эди. 1845 йилда у «Америкалик кул, Фредерик Дугласнинг ҳаёти қиссаси» номли автобиографик асарни яратади.

Аболиционизм ҳаракатининг яна бир кўзга кўринган вакили Гарриет Табмен (Harriet Tubman) кул оиласида 1913 йил 10 мартда Нью-Йорк штати Обурнда дунёга келган. 1849 йилда Мэриленд штатидан кулликдан Шимолга қочган ва аболиционизм ҳаракатига қўшилган, Джон Браун билан алоқада бўлган. 1840-1850 йиллар давомида жанубий штатлардан қочок кулларни Шимол ва Канадага юбориш учун ер ости темир йўли ташкилоти фаолиятининг етакчи иштирокчиларидан бўлган. 1840-1850 йилларда у мамлакат жанубига 19 марта сафар уюштириб, ўзи шахсан 300 га яқин кулни озод қилган ва минглаб кулларни қочишга ундаб, руҳлантирган. 1861-1865 йилларда Фуқаролар Уруши даврида Шимолликлар армиясида Жанубликларнинг кулдорларига қарши курашади. У бу даврда ҳам ҳамшира, ҳам айғоқчи бўлган. 1863 йилнинг ёзида у 750 та кулни озод қилган қора танлиларнинг партизан отрядида иштирок этган. Уруш тугагандан сўнг ҳам қора танлиларнинг эзилиши ва топталишига қарши курашни давом эттирган ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун ҳам кўлидан келганча ҳаракат қилган.¹

Юқорида биз аболиционизм ҳаракати 1840 йилларда икки оқимга бўлингани ва уларнинг бирига Гарриет Табмен етакчилиги қилганлигини ва иккинчисига Джон Браун исмли аболиционист раҳнамолик қилганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Джоун Брауннинг кулдорликка қарши қаратилган

фаолияти Гаррисоннинг тинч йўл билан олиб борган курашидан тубдан фарқ қилган.

Джон Браун кулдорликни йўқ қилишда биринчилардан бўлиб, партизанларнинг кураш усулини йўқлаб чиққан ва унда фаол иштирок этган оқ танли аболиционистдир.²

Джон Браун 1800 йилнинг 9 майида Коннектикут штатининг Торрингтон шаҳарчасида дунёга келади. У Оуэн Брауннинг ва Рут Миллеларнинг иккинчи ўғли бўлиб, Джон Браун исмли капитаннинг набирасидир. 1805 йилда оила Огайо штатига кўчиб боради ва Хадсон деган жойда жойлашиб олишади. Оила бу ерда қорамол боқиш ва кўпайтириш билан шуғулланиб, Джон подани кўриклаган. Браунлар ҳиндулар билан дўстона муносабатда бўлишган ва улар Оуэн Браунга тери савдоси билан шуғулланишни маслаҳат беришган, бу эса охир-оқибат жуда катта фойда олиб келган. Джон Браун эндигина 12-13 ёшида бўлганда, отаси уни ўз ўрнига ўша даврда мавжуд бўлган армияга хизмат қилишга юборган. 1812-1815 йилларда Инглиз-Америка жанги тугагач, Джон Браун уйга қайтиб, мактабда ўқишга қарор қилган. 16 ёшлик Джон Браун Массачусетс штатининг Плейнфилд шаҳарчасига бориб, бу ерда мактабга ўқиш учун қабул қилинади. Кейинчалик у Коннектикут штатининг Личфилд академиясида ўқишини давом эттиради. У конгрегационалист руҳоний бўлишга умид қилар эди, бироқ унинг пули тугаб қолади ва бундан ташқари унинг кўзлари шамоллаб, кўриш қобилияти пасайиб боради. Айнан юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли Джон Браун академиядаги ўқишини ташлаб, Огайога қайтишга мажбур бўлади. Бу ерда Джон акаси Леви билан ўзларининг шахсий терига ишлов бериш устахонасини очишади ва бошида у анчагина фойда олиб келади.

1820 йил 20 июнда Браун Дайэнти Ласк исмли қизга уйланади ва 1825 йил баҳорда Браун ва унинг оиласи Кроунфордга кўчиб ўтишади. Бу ер Пенсильвания штатининг Ричмонд шаҳарчасига яқин эди.³ Бу ерда Джон 200 гектар ер сотиб олади. Ерларни тартибга солиб оиласи учун уй, омбор ва терига ишлов бериш устахонасини куради. Бундан ташқари ўн беш кишини ишга йўллаб, қора-мол етштира бошлайди. Аммо ишлар у ўйлагандек яхши фойда олиб келмайди, ва Браун почтачи бўлишга мажбур бўлади. Аммо барча қийинчиликларга қарамай Джон Браун қора танли болалар учун маҳаллий ҳукумат вакилларининг қаршиликларига қарамай, мактаб очишга ҳаракат қилади. 1831 йилда унинг ўғилларидан бири вафот

¹ Conrad E. Harriet Tubman Negro soldier and abolitionist. New York. 1942.

² David S. Reynolds. John Brown, Abolitionist. New York., 1984, page 24.

³ Дэвид Рейнолдс. Джон Браун, аболиционист. М., Выс. школа, 1955 год. стр. 10.

этади ва Браун оғир касал бўлб қолади ва натижада унинг қарзлари тобора ўсиб боради. 1832 йилда кейинги фарзандини дунёга келтириш вақтида Дайғити мия шамоллашидан вафот этади. Айнан шу даврда Джон Брауннинг уйи қочоқ қора танли куллар учун нажот жойи бўлиб қолади, бу даврда қочоқ кулларнинг кўпайиб кетишига Натт Тёрнер қаршилиги ва норозилик ҳаракати сабаб бўлган эди 1833 йилда у ўн олти ёшли Мэри Энн Дей исмли қизга уйланиб, уларнинг охир-оқибат ўн учта боласи ва биринчи никоҳидан еттита фарзандини кўшсак 20 та зурриёди бўлади. 1836 йилда Браунлар оиласи Огайога Дэрэнклин Милас олдига кўчиб боришади. У ерда у ер сотиб олиш учун қарз кўтаради. У 1837 йилда иқтисодий инқироз туфайли катта талафотлар ва йўқотишлар қилади ва ҳаттоки бир марта қарзлари учун қамокда ҳам ўтириб чиққан. Браунга нафақат қарзларини тўлаш, балки катта оиласини боқиш ҳам керак эди. Шунинг учун ҳам у ўз ҳаёти давомида кўп хунарларни ва касбларни алмаштиришга мажбур бўлган.¹ Аммо барча сабъ-ҳаракатларига қарамай, Джон Браун 1842 йил 28 сентябрда инқирозга юз тутди. 1843 йилда эса унинг тўрт нафар боласи қандайдир номаълум касалликдан оламдан ўтишади.

1855 йилда канзасда фермерлар ва кулдорликка қарши курашувчилар ҳамда кулдорлар тарафдорлари ўртасида қуроли тўқнашув содир бўлади. Браун қурол тўплаб, беш ўғли билан ўша ерга шошилади. У жуда тезкор ва аниқ қарорлар қабул қилиб, тинч ва ҳеч кимга зарари тегмайдиган фермерларга қарши зулм қилган тартиб бузарлар гуруҳини тор-мор қилади. Джон Браун аболиционистларнинг курашлари ва қора танлиларнинг норозиликларига қарамай, кулдорлик тузуми давом этар эди. У қуроли курашларсиз кулдорлар билан ҳеч қандай келишув ва муроасага келиш мумкин эмаслигини яхши тушунган. натижада эса у кулларнинг оммавий кўзғолонини уюштириш лозим деган қарорга келган. Шунинг учун ҳам у ўзининг тарафдорлари ва ўғиллари билан кулдорлар ерларига рейд уюштириб, кулларни кўзғолон кўтаришга ундаган.

Браун жамият эътиборини биринчи марта Канзасдаги жанубликларга қарши курашган ҳарбий-қуроли гуруҳларни бошқариб, уларнинг командири сифатида жалб қилади. Джон Браун 1856 йилда таркибида уч ўғли бўлган кичкина гуруҳ билан Потавати Крик шаҳарчасига қуроли хужум уюштиради. Бунинг сабаби шундаки, бу ернинг аҳолиси аболиционизм тарғиботчиларига хужум қилиб, уларни шафқатсизларча калтаклаб, бир қанчасини ўлдиришган. Браун ва унинг одамлари шаҳарча аҳолисининг уйларини йўлларидан адашган йўлловчилар сифатида тақиллатишиб, уларга эшикни очишганларида эса эркакларни кўчага

¹ Клод Мак-Кей. Негры в Америке. Москва. 1923. стр. 12.

чиқариб, уларни бурда-бурда қилиб ташлашар эди. 1856 йил 24 майда улар Миссури штатида 11 та қулни озод қилишади.

Джон Брауннинг фаолиятидаги энг машҳур воқеа унинг 1859 йил 16 октябрда ҳозирги Ғарбий Виргиния ҳудудидаги Харперс Ферри шаҳарчасининг эгаллаши бўлган. Браун бир нечта жасур ва мард тарафдорлари билан 10000 га яқин қурол-яроғ сақланадиган ҳукумат биноси жойлашган мазкур шаҳарчага ҳужум уюштириб, уни куч билан эгаллаган. Браун икки кун давомида шаҳарчани ўз қўлида сақлаб турган. Унинг қўл остида 22 та оқ танли, ва қора танли кишилар бўлган. Бироқ бу уриниш баъзи бир сабабларга кўра муваффақиятсизликка юз тутди. Шаҳарча федерал ҳарбий кучлар ва бўлинмалар билан ўраб олинган. Джон Браун, унинг бундай қуролли чиқиши қулларнинг оммавий тарзда кўзғолон кўтаришига бир тўртки бўлади деб умид қилган эди, бироқ бу юриш пухта тайёрланмаганлиги учун ҳам омадсизлик билан тугайди. Кўп ҳолларда қуллар бундай юршилар ва чиқишлардан беҳабар қолишар эди. Ҳеч қандай кўмаксиз қолган Браун ва унинг тарафдорлари қурол-яроғ омборхонасидаги ўт ўчириш бўлинмасига чекинмади. У қулдорлар томонидан юборилган мингдан ортиқ аскардан ташкил топган ҳарбий бўлинмалар томонидан қуршаб олинади ва ҳужум қилинади. Бир неча сутка давомида ҳужумларни мардонавор қайтарган Браун ва унинг одамларининг жасоратига барча лол қолади. Браун томонидан асир олинган қулдор ва катта ер эгаси шундай воқеанинг гувоҳи бўлади: Браун шундай матонатли инсон эдики, уни ўз олдига қўйган мақсаддан ҳаттоки ўғлиларининг ўлими ҳам қайтара олмас эди. Бир ўғлининг мурдаси олдида турган, бир ўғлининг жароҳатлардан ўлим талвасасида турганида ҳам қўлида қурол билан одамларига буйруқ бериб, уларни жанг қилишга руҳлантирар эди. Жангда Брауннинг ўғилларидан бири вафот этади, ўзи эса икки марта ярадор бўлиб, ҳибсга олинади. Кўзғолон кўтарганлар орасидан фақатгина бир неча киши омон қолади.¹

Браун ҳибсга олинишидан бир неча ҳафтадан сўнг Чарльстонда суд бўлиб ўтади. Джон Браунни суд залига у қаттиқ ярадорланганлиги ва юра омаслиги туфайли опичлаб олб киришади. Суд Браунни айбдор деб топиб, уни осишга ҳукм қилади. Суддаги энг охирги нутқида Браун: «Меннинг айтадиган гапларим бор. Биринчидан, мен қора-танлиларни озод қилиш ниятимдан бошқа ҳеч қандай айбловни тан олмайман. Мен шу сафар ҳам ўз ниятимни ўтган йили Миссуридаги қулларни қуролсиз озод қилиб, уларни Канадага жўнатганим сингари қуролсиз, тинч йўл билан амалга оширмақчи эдим. Мен айнан шу воқеани фақат каттароқ ҳажмда уюштирмақчи эдим. Бу

мен режалаштирганларимнинг ҳаммаси эди. мен ҳеч қачон қотиллик, хоинлик ва бировнинг мулкини талон-тарож қилишни режалаштирмаганман. Библия мени инсонлар менга қилишни хохламаган ҳатти-ҳаракатларни мен ҳам уларга қарши қилмаслигимни ўргатади. Яна бу муқаддас китоб, менга асирлик ва бандликда озор чекаётганлар ҳақида ҳар доим эслаб туришни уқтиради. Мен ҳам шу ақидага амал қилиб, шундай йўл тутдим. Мен танлаган йўл тўғри деб ўйлайман.» деб эълон қилади. Джон Браун 42 кун давомида Чарльстон қамокхонасида сақланади. Қамокдалигида у оиласига: «Мен ўлимимни хурсандчилик билан миллионлаб кишиларнинг озодлиги учун қурбон қилиб, қарши оламан» деб ёзади. 1859 йил 2 декабрда у қатл қилинади. Браун ўлимни мардларча жасорат билан қарши олади.

Брауннинг судда ўзини мардларча тутиши, ва ўлим ҳукмини ғурур билан кутиб олиши Америка халқида катта таассурот қолдиради. Брауннинг энг сўнгги сўзлари: «Мен, Джон Браун, ана энди юз фоиз ишонч билан шунга айта оламанки, бу гуноҳкор мамлакатнинг энг буюк жиноятини фақат қон тўкиш билан ювиш мумкин. Мен авваллари буни қон тўкишларсиз амалга ошириш мумкин деб ўйлаб адашган эканман» кенг омма орасида машҳур бўлиб кетади. Джон Брауннинг қатл этилгани ҳақидаги хабар, Миссурида қулларни кўзғолон кўтаришига сабаб бўлган, бироқ бу кўзғолон шафақатсизларча бостирилган.

Джон Браун илгари сурган мафкура ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак унингча, Худо олдида барча инсонлар тенг бўлиши лозим. Джон Браун эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларга эга бўлишнинг ҳақиқий, чин маънодаги тарафдори эди, шунинг учун ҳам у қизларининг ўғиллари каби бир хил таълим тарбия олиши учун қўлидан келган барча нарсани қилди. У америкалик қора танлилар маданиятининг шайдоси бўлиб, қора танлиларнинг инсоний фазилатларию-сифатларига ишонар эди. Джон Браун қулдорлик ўз-ўзидан тўхтаб қолмаслигига ишончи комил эди, у билан фақат қурол ишлатиб, уни йўқотиш мумкин деб қаттиқ ишонар эди. Унинг режаси кўйидагилардан иборат эди. Биринчидан, қулларни қочишга ундаш, қочоқ қуллардан тоғларда қуролли гуруҳлар тузиб, улар ёрдамида доимий равишда қулдор-плантаторларга қарши уруш олиб бориш эди.

Браун халқ орасида Браун Осатомский, Қария Браун, Капитан Браун ва Канзаслик қария Браун каби лақаблар билан, Нельсон Хокинс, Шубель Морган ва Айзек Смит каби тахаллуслар билан халқ орасида машҳур бўлган.

¹ www.google.com

Джон Брауннинг исми ва унинг азобли қатл этиш жараёни америкалик халқларнинг оғзаки ижодида катта ўрин эгаллаган. «Джон Брауннинг танаси» («John Brown's Body») номли кўшиқ Америкадаги Фуқаролар Уруши даврида шималлик аскарларнинг юриш кўшиғи бўлган. Қуйида, биз кўшиқ матнини ҳавола этишни лозим деб топдик, чунки бу аболиционистларнинг мадҳиясига айланган эди:

John Brown's body lies a mouldering in the grave (3 марта)

His soul's marching on'.

Нақарот:

Glory, glory, hallelujah! Glory, glory, hallelujah!

Glory, glory, hallelujah! His soul's marching on!

He's gone to be a soldier in the army of the Lord (3 марта)

His soul's marching on!

Нақарот:

John Brown's knapsack is strapped upon his back (3 марта)

His soul's marching on!

Нақарот:

His pet lambs will meet him on the way (3 марта)

They go marching on!

Нақарот:

They will hang Jeft Davis to sour apple tree (3 марта)

As they march along!

Нақарот:

Now, three rousing cheers for the Union (3 марта)

As we are marching on!¹

Кейинчалик эса бу кўшиқнинг мусиқаси Республиканинг Жанговар мадҳиясининг асосий мусиқасига айланган («The Battle Hymn of the Republic»)

Джон Браун Америка халқи орасида ўзининг мардлиги, адолатпарварлиги, ўз жонини бошқалар эрки ва озодлиги учун фидо қилган жасур инсон сифатида мангу яшайди.

1928 йилда Стивен Венсент Бене “Джон Брауннинг Танаси” (“John Brown's Body”) деб номланган эпик достони учун ўзининг дастлабки “Пулитцер Мукофотини” олади. 1969 йилда эса бу достонни рус тилига таржима қилган И.В. Елагина Нью-Йорк Университетида докторлик даражасини олади.

¹ Alfred Whital Stern. Collection of Lincolniana. We'll Sing to be Our Song: Sheet Music About Lincoln, Emancipation and the Civil War.

Аболиционизм ҳаракати ўзининг энг юқори чўққиси – 1860 йилда унинг ашаддий тарафдори Абраам Линкольннинг АҚШ президенти бўлиши билан белгиланади. Абраам Линкольн кўплаб аболиционистлар қўллаб-қувватловчи Республикачилар Партиясининг вакили эди. У жуда машхур инсон бўлиб, мутахассислиги бўйича ҳуқуқшунос эди ва у ўзининг кулдорликка қарши жўшқин нутқлари билан Америкаликларнинг эътиборини қозонган эди. У кулдорлик тузумини Линколн замонавий ва демократик жамиятга хос бўлмаган, ўта салбий ҳодиса деб ҳисоблар эди. Шимолий Штатлар Линкольнни қўллаб-қувватлаб, унинг Президент бўлиб сайланишини хоклар эди. Бироқ Жанубий Штатлар бунга қарши эдилар, бироқ Линкольн сайловларда ғолиб чиқади ва мамлакат президенти бўлади. Бу воқеа миллат ва юртнинг иккига бўлинишига олиб келади. Жанубий Каролина штати биринчилардан бўлиб, 1860 йилнинг 20 декабрида АҚШ таркибидан чиқиш ҳақида овоз беради. 1861 йил 1 феввалида эса Миссисипи, Флорида, Алабама, Джорджия, Луизиана ва Техас штатларининг аҳолиси ҳам Жанубий Каролина аҳолиси тутган йўлни танлаб, унинг сафига қўшилишади. АҚШ таркибидан чиққан штатлар ўз миллатларини тузишга қарор қилинади. 1861 йил 4 февралда Жанубий Штатлар Америка Штатларининг Конфедерациясини (The Confederate State of America) тузиб, Жефферсон Девис унинг президенти этиб тайинланади.

1861 йил март ойидаги давлат аҳамиятига молик йиғилишида Линкольн АҚШнинг бўлинишига норозилик билдиради. Линкольн мазкур йиғилишида мамлакат ва миллатни яқдил тутиш унинг Конституциявий бурчи эканли тинч таъкидлайди. Гарчи, шундай бўлса-да Линкольн уруш бошлашни истамайди, бироқ энди у бундан бошқа чора қолмаганлигини тушуниб етади. Конфедерация жанубий штатлардаги федерал қалъаларнинг бир нечасини эгаллайди. 1861 йил 12 апрелда Конфедерация кўшинлари Жанубий Каролинадаги Чарльстонда жойлашган Шимолликларга тегишли Самтер қалъасига ҳужум бошлайди. Шимол кўшинлари қалъани ўраб олишга мажбур бўлинади. Айнан шу воқеа бир миллат вакиллари ўртасидаги Фуқаролар Уруши бошланишига сабаб бўлади.

Апрел ва июн ойилари ўртасида Арканзас, Теннеси, Шимолий Каролина ва Виржиния Конфедерация таркибига киради. Конфедерация шундан сўнг ўн бир штатдан иборат бўлади.

Ҳар иккала томон ҳам ўз ғалабасига қаттиқ ишонар эди. Шимол Жанубликларга нисбатан кўпроқ аскарлари, таъминоти ва замонавий транспортга ишонса, жануб энг яхши генераллар уларнинг томонида эканлигига ва қолаверса ўз ерларида жанг қилишларига ишонар эди.

Фуқаролар Уруши давридаги энг яхши жангчилардан бири жанубликлар кўшинларини бошқарган Роберт Ли (Robert E.Lee) Виржиниядан бўлиб, Уруш бошланишида Президент Линкольн ундан Шимол яъни Бирлашган (Union) кўшинларини бошқаришни сўраган. Гарчи Ли кўшма Штатларни жуда севсада ва қўлдорликка ишонмаса-да, у Виржиниядаги кўшинларига қарши кураша олмаслигини сезган ва президент таклифини рад этиб, Конфедерация кўшинларини урушга бошлаган.

Жанубликларнинг Урушнинг дастлабки паллаларида эришган ғалабаларининг асосий сабаблари шундан иборат эдики, оқ танли жанубликлар ўз ҳаёт тарзларини сақлаб қолиш учун жон жаҳдлари билан жанг қилишган. Улар бу урушга иккинчи мустақиллик уруши сифатида қарашган. Улар бу урушга иккинчи мустақиллик уруши сифатида қарашган. Улар Кўшма Штатлардан худдики муштамлакалар Буюк Британиядан озод бўлганидек чиқишларига қаттиқ ишонишган.

Бундан ташқари, уруш жанубда содир бўлаётганлиги ва жанубликлар Шимол кўшинларига нисбатан бу ерларни яхшироқ билганлари ва таъминотни узоқ муддат кутишга мажбур эмасликлари уларнинг қадар қозонишларига замин яратган.¹

Бироқ, Урушнинг ўрталарига келиб, Шимолликларнинг қўли баланд кела бошлади, чунки уларнинг кўшини сон жиҳатдан жанубликларникига қараганда анча кўп эди. Шимолликлар кўшини таркибида 23 миллион, жанубликлар таркибида эса 9 миллион аскар бор эди. Бундан ташқари, Шимол кўшинлари армия учун зарур бўладиган қурол-яроғ, кийим-бош ва озиқ-овқат таъминотини етказиб берувчи фабрикалари ҳам жанубликларга нисбатан кўп эди. Шунинг учун, урушнинг узоқ муддатга чўзилиши жанубликлар учун армияни таъминлаш тобора қийинлашиб борар эди.

Геттисбергдаги жанг Фуқаролар Урушида ҳал қилувчи жанг бўлди. 1863 йилда Конфедерация бошлиқлари, агарда улар Шимолдаги жангда ғолиб чиқсалар, Бирлашган (Union) кўшинлар орқага чекинади деб ўйлашади. Улар Линкольн Роберт Лини енга оладиган генерал топа оласлигини яхши билинар эди. Жануб бу уларнинг Бутунлай Шимолликлар устидан ғалаба қозона олиши учун зўр имконият эканлигига қаттиқ ишонишар эди.

1863 йилнинг июнь ойида Роберт Ли Пенсильванияга кўшинни бошлаб боради. Бирлашган (Union) кўшинлар Ли аскарларини 1 июльда қарши олишади. Иккин кун давомида кўшинлар қаттиқ жанг олиб

¹ Ю.Б. Галицинский. Страноведение. Соединенные Штаты Америки. Издательство Каро. Санкт Петербург – 2003, 139 стр.

боришади. Учинчи июльда Ли Генерал Джорж Пиккеттни катта бўлинма билан Бирлашган Қўшиннинг асосий таркибига ҳужум қилиш учун юборади. Бироқ Бирлашган қўшни бу ҳужумни қайтариб, жанубликларни ортга чекинишга мажбур қилади.¹ Пиккеттнинг мағлубияти жанубликларнинг урушдаги энг катта мағлубияти бўлиб, шундан сўнг Конфедерация қўшини бирорта ҳам ғалабага эриша олмайди.

1864 йилга келиб, президент Линкольн Шимол қўшинларини ғалаба сари одимлай оладиган генерални топади. Бу 1863 йилда Миссисипи дарёси яқинидаги Виксберг жангида муҳим ғалабани қўлга киритган Улисс Грант (Ulysses S. Grant) исмли моҳир саркарда эди. Айнан шу ғалаба туфайли бутун Миссисипи водийси Шимолликлар ихтиёрига ўтади.

Бир йил давомида Ли ва Грант жуда муҳим жанглари олиб боришади. Грантнинг Ли устидан ғалаба қозонишлининг ягона устунлиги унда эдики, Грантнинг аскарлари ва уларнинг таъминоти яхши ҳолатда эди.

1864 йил ёзида Бирлашган (Union) қўшин генерали Уильям Шерман (William T. Sherman) Джорджия штатида жойлашган Атланта шаҳрини босиб олади. 1864 йил ноябрдан Шерман Джорджия бўйлаб Атлантадан шарқий қирғоқдаги Саваннагача ҳарбий юриш бошлайди. Шерман қўшинлари ўз йўлларидаги барча шаҳарлар, фермалар ва плантацияларни вайрон қилади. 1865 йил январидан бошлаб, Жанубдан Шимолий Каролинагача ҳарбий юришида ҳам ўз йўлида учраган барча ферма, шаҳар ва плантацияларни ўт ёқиб, уларни вайрон қилади.

Айнан шу даврда 1865 йилнинг 5 апрелида Виржинияда Грант Ричмондни босиб олади. 7 апрелда эса Конфедерация қўшинлари жанубликларни енгиб, 9 апрелда Генерал Лининг Апоматокс (Appomattox) яқинидаги фермасида тор-мор этилиши билан Америка Қўшма Штатлардаги Фуқаролар Урушига яқун ясалади. Бироқ Уруш яқунланиши билан 1865 йил 14 апрелда қулларнинг озодлиги ва мамлакатнинг ҳам жиҳатлиги учун курашган президент Абраам Линкольн Вашингтондаги Форд Театрида отиб ўлдирилади.¹ Аммо унинг халқи ва Ватани олдидаги хизмати буюк бўлиб, ҳамиша ватандошлари қалбида абадий яшайди. Шу билан Америка Қўшма Штатларида барча қора танлилар расман озод деб эълон қилиниб, қулдорлик тузумига барҳам берилади. Гарчи қора танлилар озод бўлган бўлсалар-да, бир неча йиллар давомида уларни хўрлашлар тугамайди. Бироқ, энг муҳими уларнинг ҳам инсон эканлиги ва оқ танлилар каби тенг ҳуқуқли бўлишлари кўпчилик томонидан эътироф этилади.

¹ Там же, стр. 41.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XVI асрдан XIX асргача Америкага 12 миллиондан ортиқ қора танлилар қул сифатида Африкадан олиб келинган ва уларнинг аҳволи жуда ачинарли бўлиб келган. Бироқ қулдорлик 1861-1865 йиллар ўртасида шимолий ва жанубий штатлар ўртасидаги Фуқаролар Урушидан сўнг бутунлай бекор қилинган. 1865 йил январидида АҚШ конституциясига ўн учинчи ўзгартириш киритилиши билан АҚШда қулдорлик бутунлай ноқонуний ва конституцияга қарши деб эълон қилинади. Бугунги кунда қулдорлик АҚШ тарихидаги энг шармандали саҳифалардан ҳисобланади. Шу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, қулдорлик тузумининг бутунлай ман этилишида Гаррисон, Дуглас, Браун, Линкольн каби аболиционистларнинг хизматлари ва қўшган ҳиссалари улкандир.

2. АҚШда аболиционист ёзувчилар ижоди

АҚШда аболиционист ёзувчилар ижоди ҳақида сўз бошлашдан олдин, уларни қалам тебратишга ундаган ва уларнинг ижод намуналарида тасвирланган воқеа-ҳодисалар нималардан иборат эканлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

1800 йилларда Америка Қўшма Штатларида ҳукм сураётган демократик тузум мамлакатнинг қора танли одамлари учун мутлақо бегона эди, чунки уларнинг кўпчилиги қулар эди ва улар ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқлардан ҳоли эди. Қулдорлик тузуми бу шундай давр эдики, инсонлар худди буюмлардек сотиб олиниб, сотилар эди.

1800 йилларнинг дастлабки босқичида яъни нимчорагида қулдорлик кўпгина Шимолий Штатларда ноқонуний деб эълон қилинган эди. Лекин шунга қарамай, жанубда қулдорлик ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаган эди, чунки мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган кенг пахта плантациялари жанубий штатларда жойлашган бўлиб, қуларнинг тинимсиз қилаётган меҳнатлари катта ер эгаларига улкан даромад келтирар эди.²

Қора танлиларнинг кўпчилиги Қўшма Штатларга Ғарбий Африкадан келтирилган. Биринчи Европаликлар Африкага Кристофор Колумб давридан бошлаб саёҳат қилишган 1600 йилларнинг бошига келиб эса баъзи бир европаликлар Янги дунёга африкаликларни келтириш ва уларни қул

¹ Ю.Б. Галицинский. Страноведение. Соединенные Штаты Америки. Издательство Каро. Санкт Петербург – 2003, 142 стр.

² Ю.Б. Галицинский. Страноведение. Соединенные Штаты Америки. Издательство Каро. Санкт - Петербург 2003, стр. 133.

сифатида сотиш билан шуғуллана бошлашган ва бундан мўмайгина пул ишлашган.

Африкадан Янги дунёгача бўлган денгиз саёҳати қўлга олинган Африкалик қора танлилар учун дахшатли ва ўта аянчли кечган. Уларнинг барчалари бирга қанжир-банд қилиниб, келгача ташланиб олиб кетилган. Африкалик қора танлиларнинг кўпчилиги океанларни кесиб ўтганда вафот этишган. Ўн миллионга яқин африкаликлар Янги дунёга кул сифатида келтирилган.

Уларни Қўшма Штатларга олиб келгандан сўнг, улар оммавий ким очди савдоларида (аукционларда) сотилган. Кўп ҳолларда оилалар турли хўжайинларга сотилиб, ажралиб кетишган. Кичкина болалар ҳам ҳаттоки оналаридан ажратилган.

Куллар ўзларининг хўжайинларига тегишли бўлган. Уларнинг қонун бўйича ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаган. Ер эгалари ва плантаторларнинг ўрнатган тартиб-қоидаларига биноан куллар жамоат жойида бир-бири билан учраша олмаган. Улар хўжайинларининг рухсатларисиз саёҳат у ерда турсин, ҳаттоки кўчага чиқиша олмаган. Кулларга ўқиш ва ёзишни ўргатиш ҳам ноқонуний ҳисобланган. Хўжайинларига буйсунмаган ва кулларни савалаш ва калтаклаш табиий ҳол бўлган.

1808 йилда Америка Қўшма Штатларининг Конгресси кул савдосини тўхтатишга қарши қонун қабул қилган. Аммо кулдорлик тизими бундан қарийиб олтмиш йил сўнг ҳам давом этган.

Америка Қўшма Штатларидаги кулларнинг оғир ва машақатли ҳаётига тўхталадиган бўлсак, куллар далаларда ва плантацияларда ер эгалари билан бирга меҳнат қилишган. Бироқ бу номигагина бўлиб, куллар ер эгаларини деярли кўришмаган. Кўпгина қулолар дала куллари бўлишган. Улар эрта тонгдан кеч тунгача ва баъзан эса ҳаттоки тунда ҳам ишлашган. Улар кулларни бошқарувчи ва уларнинг ишини кузатувчи назоратчилар томонидан қаралган. Кулларнинг кичик бир гуруҳи уй яъни хонадон куллари бўлиб, улар хўжайиннинг ҳовли жойи ва оиласига ғамхўрлик қилиб хизмат қилишган. Улар таомлар тайёрлаб, уйни тозалаб, хўжайиннинг болаларига энагалик қилиб, уларни парвариш қилишган.

Куллар шунча хизматлари ва меҳнатлари эвазига сарикчақа ҳам олмаганлар ва бундан ташқари доимо топталиб, хўжайинлар ва назоратчилар томонидан жазоланишган.

1830 йилларда Шимолий Штатларнинг барчасида кулдорлик бекор қилинган. Бироқ Жанубий Штатларда бой ер эгалари ва плантациялар хўжайинлари ўзларининг улкан плантацияларида куллар меҳнатига ўта

мухтож бўлганликлари учун ҳам бу қонунга қарши эдилар ва шунинг учун у ерларда қулдорлик давом этаверган.

Аммо вақт ўтган сайин Америкадаги одамларнинг кўпчилиги қулдорлик тузуми жуда шармандали ҳолат эканлиги ва демократик жамиятда қулдорлик тузумига ўрин бўлмаслигини тушуна бошлашган. У ерда яъни мамлакатда қулдорликни бекор қилишни талаб қилиб чиқувчи одамлар пайдо бўла бошлади. Улар қулдорликка қарши бўлган турли хил учрашувлар ўтказиб, нутқлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини бутун мамлакат бўйлаб олиб боришган. Улар қулдорлик тузумининг салбий оқибатлари ҳақида мақолаларида ёзишган ва чоп этиришган. Уларнинг баъзилари қулларга Жанубдан қочишга ёрдам беришган. Бундай инсонлар аболиционистлар (яъни қулдорликка қарши бўлган кишилар) деб номланган ва Америка Қўшма Штатларида қулдорлик тузумини бутунлай бекор қилиш ва уларни озод қилишда бундай инсонларнинг хизматлари юксакдир.

АҚШда аболиционист ёзувчилар асосан XIX аср давомида ижод қилиб, ўз асарларида улар асосан қулларнинг оғир ва машшақатли ҳаёт тарзларини, уларни эрк ва озодлик сари қилган курашларини тасвирлашган. Аболиционист ёзувчиларнинг асарлари ва ижод намуналари орқали нафақат Қўшма Штатлар балки бутун дунё халқлари қулларнинг аянчли ва умидсиз тақдирларидан огоҳ бўлиб, қулларнинг ҳам инсон эканликлари, уларнинг ҳам барча оқ танлалардек ҳақ-ҳуқуқлари бўлишлари лозимлигини англаб етишган.

АҚШда ижод қилган аболиционист ёзувчиларга Джейм Фортен (James Forten), Хэрриэт Бичер Стоу (H.B.Stowe), Стефен Саймондс Фостер (Stephen Symonds Foster), Мартин Конвей (Martin F. Conevay), Джон Антони Копленд (John Anthony Copeland), Мария Чэпмен (Maria Weston Chapman), Орен Чини (Oren V.Cheney), Лидия Мэри Чайльд (Lydia Marie Child), Эллен Крафт (Ellen Craft), Эллиот Крессон (Elliot Cresson), Джозеф Брукс (Joseph Brooks), Генри Браун (Henry Brown), Арон Дэггет (Aaron S.Daggett), Генри Боудич (Henry Ingersoll Bowditch), Энтони Бэнезет (Anthony Benezet), Джейн Джонсон (Jane Johnson), Чарльз Бастиль (Charles Bustill), Питер Кларк (Peter H.Clark), Самуэль Корниш (Samuel Cornish), Бэтси Микс Коульз (Betsy Mix Cowles), Лэви Коффин (Levi Coffin), Паулина Дэвис (Paulina Kellogg Wright Davis), Кассиус Глу (Kassius Marsellus Glue), Элизабет Чандлэр (Elizabeth M.Chandler), Александр Круммель (Alexander Crummel), Элизабет Чейс (Elizabeth Chase), Самуэль Баррис (Samuel Burris), Майн Рид (Meine Reid), Соджэрнер Трут (Sojourner Truth) кабилар киради.

Юқорида санаб ўтилган аболиционист ижодкорлар орасида аёл адибалар ва ислохотчилар катта ўринни эгаллайди. Улар қуллар ва

аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун катта тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борганлар. Бунинг сабаби шундаки, америкалик аёллар XIX асрда кўплаб тенгсизликларга бардош бериб келди; улар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум эди; профессионал мактаблардан ва аксарияти олий таълимдан ташқарида эди; жамоатчилик олдида нутқ сўзлашлари ва ҳатто ижтимоий йиғинларда иштирок этишлари ман этилганди, ўз мулкига эгалик қила олмас эдилар. Мазкур хўрликларга қарамай, иродаси кучли аёллар юзага чиқа бошлади. Мактуб, шахсий ўртоқлик ришталари, расмий йиғинлар, аёлларнинг газеталари, китоблар ёрдамида улар ижтимоий ўзгаришни илгари суришди. Ақли расо аёллар ўзлари ва куллар орасида ўхшашлик борлигини уқтиришди. Ижтимоий қаршилик ва баъзан молиявий фалокатга қарамай кулликни бекор этиш ва аёлларга овоз бериш ҳуқуқини бериш каби асоскор ислохотлар ўтказишни қатъий равишда талаб этишди. Уларнинг асарлари сентиментал романни қамраб олган аёллар адабий анъанасининг авангарди эди. Хэрриет Бичер Стоуннинг «Том тоғанинг кулбаси» каби сентиментал романлар ўта машҳур эди. Улар эҳтиросларга мурожаат этиб, кўпинчалик мунозарали ижтимоий масалаларни диққат марказига олган. Оила ва аёлларнинг ўрни ҳамда масъулияти алоҳида эътибор қозонган.¹

Аболиционист **Лидия Чайлд (Lydia Child)** (1802-1880) бу силсиланинг етакчиси бўлиб, Маргарет Фуллерга (Margaret Fuller) катта таъсир ўтказган. 1824 йили нашр этилган «Хобомок» («Нобомок») романи муваффақият қозониб, ақлий ва диний бағрикенглик кераклигини кўрсатган. Унда тасвирланган Массачусетсдаги пуританлар Салеми Натаниел Хоторн (Nathaniel Hawthorne) ижодига йўл очиб берди. Фаол жамоатчи бўлган Чайлд кизлар учун хусусий мактаб таъсис этиб, Қўшма Штатларда болалар учун биринчи журнал барпо этган ва унга муҳаррир бўлган. 1833 йили «Африкаликлар деб аталувчи америкаликлар ҳимоясига даъват» («An Appeal in Favor of that class of Americans Called Africans») деб номланган кулдорликка қарши дастлабки рисола нашр этди. Бу жасур асар адибани машҳур этса-да, молиявий жиҳатдан хароб қилди. «Турли даврларда ва турли давлатларда Аёллар мавқеининг тарихи» («History of the Condition of Women in Various Ages and Nations, 1855») деган асари аёлларнинг тарихий ютуқларини таъкидлаш орқали уларга тенглик беришга чақирди.

Ангелина Гримке (Angelina Grimke, 1805-1879) ва **Сара Гримке (Sarah Grimke, 1792-1873)** Жанубий Каролинадаги кўркем Чарлстоунда бадавлат кулдорлар оиласида таваллуд топган. Бу опа-сингиллар қора танлилар ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш учун Шимол томон силжийди. Нью-Йоркдаги Кулликка қарши Жамият нотиклари сифатида

¹ К. Ванспэнкерин. Америка адабиётининг асослари. Т. 1994. 43-бет.

улар жамоатчилик, шу жумладан эркаклар олдида нутқ сўзлаган дастлабки аёллар бўлди. Мактублар, эсселар ва таҳлилларда улар расизм ва жинсиятчилик орасида ўхшатиш ўтказган.

Элизабет Кэди Стентон (Elizabeth Cady Stanton, 1815-1902) аболиционист ва аёллар ҳуқуқлари ҳаракатининг фаоли- муайян вақт Бостонда яшаб, Лидия Чайлд билан ўртоқлашган. Лукреция Мотт (Lucretia Mott) билан биргаликда 1848 йили Аёллар ҳуқуқлари учун Сенек Фоллз Конвентини ташкил этган, шунингдек бу йиғининг «Раёйлар Декларацияси» («Declaration of Sentiments») лойиҳасини ишлаб чиққан. Унинг «Аёллар Мустақиллиги Декларацияси» («Woman's Declaration of Independence») – «Эркаклар ва аёллар тенг этиб яратилган» («Men and women are created equal») сўзлари билан бошланиб, аёлларга овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш қарорини қамраб олади.

Сюзан Б.Энтони (Susan B. Anthony) билан биргаликда Элизабет Кэди Стентон 1860-1870 йиллар мобайнида қора танли қулларнинг озодлиги ва аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи учун курашди. Бу соҳада улар қулликка қарши Аёлларнинг миллий садоқат лигаси (anti-slavery Women's Loyal National League) ва овоз бериш учун аёлларнинг миллий уюшмасини (The National Woman Suffrage Association) ташкил этиб, «Инқилоб» («Revolution») ҳафталик газетасига биргаликда муҳаррирлик қилишган. Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи уюшмасининг 21 йил давомидаги Президенти бўлган Стентон аёллар ҳуқуқлари учун курашган. У қатор штатларда ижтимоий маърузалар ўқиб, етти фарзандининг таълимини таъминлаган.

Эри вафот этгач, Стентон жинслар орасидаги нотенгсизлик таҳлилинини чуқурлаштиради. «Аёллар Библияси» («The Woman's Bible», 1895) номли асари яҳудий-насоний анъанада чуқур ўрнашиб олган аёлларга қарши нотўғри тушунчани кўра билди. У ажралиш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва дин бобида 86 ёшида аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқларини қўллаб, президент Теодор Рузвельтга хат ёзганидан кейин оламдан ўтгунга қадар маърузалар ўқиди. Аввалига таҳаллус, кейин эса ўз номи остида кўп асарлари орасида ҳаммуаллифликда ёзилган «Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқлари тарихи» («History of Woman Suffrage», 1881-1886) нинг уч жилди ва юмористик холисона автобиографияси ўрин олган.

Сожоурнер Труз (Sojourner Truth, 1797-1883) аёллар гуруҳига хос матонат ва ички дунёсининг латофатини ўзида мужассамлаштирган эди. Бу аёл Нью-Йоркда қул бўлиб туғилган. Унинг онаси уни Изабелла деб номлаган ва унга Худога ишонишни, хўжайинга итоаткор бўлишни ва ҳақиқатгўй бўлишни ўргатган. Труз голландиялик америкаликлар

хонадонида хизмат қилгани учун ҳам голланд тилида сўзлашиб катта бўлган. 1828 йилда кулликдан озод этилган, чунки 1827-йилда куллик Нью-Йорк штатида бекор қилинган ва у озод аёлга айланган. Бироқ бошқа штатларда ҳали ҳам кулдорлик давом этган ва шунинг учун ҳам у куллибда бўлган қора танлиларга ёрдам беришга қарор қилган. Ўғли ва қизи голландиялик америкаликлар Ван Вагенер оиласига ўтиб, уларга хизматкор бўлган. Ўғлининг озодлиги учун ҳуқуқий курашда ғолиб чиқишига ёрдам берган мададкорлари Вагенерларнинг исми-шарифини олган. Фоҳишаларни Христиан динига ўтказиш учун тарғибот этган ва прогрессив жамоа уйида яшади.

1843 йилда Изабелла ўз исмини Сожоурнер Труз-га алмаштирди. Ғаройиб товушлар ва кўришилар ҳис эта бошлагани туфайли «Сожоурнер Труз» – «Узлатдаги ҳақиқат» деб номланди. Мазкур кўринишлар таълимотини тардатиш учун, у ўттиз йил мобайнида узлатга берилиб, маърузалар ўқиган, илоҳий мавзудаги кўшиқлар куйлаган ва кўп штатларда аболиционизм ояларини тарғиб этган. Элизабет Кэди Стентон томонидан рағбатлантирилган Труз аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини ҳимоялаган. Унинг ҳаёти автобиографик «Сожоурнер Труз қиссаси» («Narrative of Sojourner Truth», 1850) баён этилган. Бу асар Олив Жилберт (Olive Gilbert) томонидан ёзиб олиниб, таҳрир этилган. Умр бўйи саводсиз ўтган Труз голландиялик акцент аралаш инглиз тилида сўзлаган. Айтишларича, аёллар ҳуқуқлари бўйича йиғинда Сожоурнер Труз аслида эркак деб айбланганида, кўкракларии очиб кўрсатган экан. Аёллар занар жинс деб айтган эркакка берган жавоби афсонага айланган:

«I have ploughed and planted, and gathered into bars, and no man cold head me'. And ain't I a woman? I could work as much- and eat as much as a man – when I could get it – and bear the lash as well! And ain't I a woman? I have borne thirteen children, and seen them most all sold off to slavery, and when I cried out with my mother's grief none but Jesus heard me! And ain't I a woman?»

«Мен ер ҳайдаб, экин экканимда ва ҳосилни йиғиб олганимда ҳеч бир эркак менга бошчилик қилмаган! Ёки худди эркак каби кўп ишлашим ва топганимда, овқат ёйишим ҳамда қамчи ёйишим мумкин эди!!! Ўшанда мен аёл эмасмидим, ахир? Мен ўн учта фарзанд туғдим ва уларнинг аксари кулликка сотилганини кўрдим ва онамнинг оламига ҳамроҳ бўлиб бақирганимда, Иисусдан бошқа ҳеч зоғ дод-вайимни эшитмади. Ўшанда Мен аёл эмасмидим ахир?»¹

Ҳаздастлабкиаш ва шарт кесар Турз блюз кўшиқчиларига ўхшатилади. Хэрриет Бичер Стоу ва ўзга кўплаб одамлар «Эгам! Эгам!!

Мен ҳатто бу оқ танлиларни ҳам сева оламан! – «Lord, Lord, I can love even de white folk!»² деб айта олган қора танли аёлда донолик аломатини кўра билишган.

Сожоурнер Труз 1883 йилда вафот этган. Бугунги кунда, брадан бир асрдан зиёд вақт ўтган бўлишига қарамай, бу собиқ қул аёл кулдорлик тузумига қарши ғоялари ва аёллар ҳақ-ҳуқуқлари учун қилган куроши орқали ўз исмини абадиятга муҳрлаб қўйди. У мағрур бўлишига қарамай, ҳақиқат учун жон жаҳди билан курашиб, Труз яъни «truth» («ҳақиқат») деган тахаллусини чин маънода оқлади.³

Бироқ аболиционист адибалар орасида бутун дунёга машҳур бўлганлари орасида **Хэрриет Бичер Стоу** ўзининг «Том тоғанинг кулбаси» романи билан алоҳида аҳамият касб этади. Хэрриет Бичер Стоуннинг «Том тоғанинг кулбаси» («Uncle Tom's Cabin») ёки «Олийлар орасидаги ҳаёт» («Life among the Lowly») асарлари XIX аср Америкасининг энг оммабоп китоблари саналган. Биринчиси «Миллий эра» («National Era») журналида 1851-1852 йиллар оралиғида силсила бўлиб нашр этилганида дарҳол муваффақият қозонди. Англиянинг ўзида уни 40 турли ноширлар чоп этиб, тез орада 20 тилларга таржима этилди. Францияда Жорж Санд (George Sand), Германияда Генрих Гейне (Heinrich Heine) ва Россияда Иван Тургенев каби адибларнинг олқишига сазовор бўлди. Америка Қўшма Штатларида кулликка барҳам бериш борасида ўн йил мобайнида мунозарани аланглатиб, АҚШ Фкуаролар Урушига (1861-1865) тақалди. 1862 йилда Х.Б. Стоуни Оқ уйда қабул қилган Абраам Линкольн АҚШ президенти, унга шундай дейди: «Шундай қилиб, шундай буюк урушни кўзғатган кичкина аёл сиз бўласизми?» – «So, you are the little woman that provoked the great war».⁴

“Том тоғанинг кулбаси”нинг шу қадар муваффақият қозонишининг сабаблари аён. Барчага демократия ва тенгликни раво кўрган давлат сифатидаги Америка Қўшма Штатларида куллик ўта адолатсиз мақом эканлиги ғоясини акс эттирган.

Стоунинг ўзи Янги Англиялик қадимги пуритан оиласидан келиб чиқади. Унинг отаси, акаси ва турмуш ўртоғи барчага танилган ўқимишли Протестант руонийлари ва ислохотчилари бўлган. Стоу бу асар ғоясини калтакланган ва хўрланган қари кулнинг ҳаёлотини – черковда ибодат пайти

¹ К. Васпенкерен. Америка адабиётининг асослари. Т. 1994, 45 бет.

² Ю.Б. Голицинский. The outline of American literature. Санкт-Петербург. Каро 2003, 312 стр.

³ Ю.Б.Голицинский. The outline of American literature. Санкт-Петербург. Каро 2003,313 стр.

⁴ К.Ванспенкерен Америка адабиётининг асослари. Т. 1994. 46-бет.

англайди. Кейинчалик бу роман “Худо томонидан ёзилган” (“Written by God”) ва илоҳомлантирилган деб айтади. Унинг мавзуи – ҳаётни янада тақводорлаштириш орқали уни ислоҳ этиш борасидаги диний эҳтирос. Романтизм даври ҳис-туйғулар пайти кириб келишидан дарак беради: оила қадриятлари ва меҳр-оқибат олий мақом касб этди. Стоунинг романи кулдорлик оила қадриятларини поймол этгани учун унга қарши чиқди.

Том тоға – асардаги қул ва марказий образ бўлиб, ўзининг хушфёъл хўжайини Клэрни адолат йўлига қайтаришга уринаётган том маънодаги насроний жафокашдир. Клэр вафотидан сўнг унинг жойи жаннатда бўлиш учун ибодат қилади ва қул аёлни ҳимоя этаётганида ўлдирилади. Қулдорлик сиёсий ёки фалсафий сабабларга кўра эмас. Балки асосан оила аъзоларини бир-биридан ажратиши, ота-оналарча меҳр-оқибатни орадан кўтариш ва туб моҳияти билан христиан динига зид бўлгани учунгина ёвузлик сифатида қораланади. Энг таъсирчан сахналарда ўз чинқираётган фарзандига ёрдам беришга ожиз қул онанинг жон талвасаси ва ўз оиласидан ажратилган отанинг сотиб юборилишини тасвирлайди. Бунинг барчаси оилавий меҳр-оқибат муқаддаслигига қарши жинойт бўлган.

Стоу романи жанубга қарши ҳужум сифатида мўлжалланганди; аслида Стоу Жанубга зиёрат этиб, жанубликларга дил қўйган ва уларни хушфёъл этиб тасвирлаганди. Жанублик кулдорлар романда яхши хўжайин сифатида кўрсатилиб, Томга яхши муомала қилинади. Клэрнинг шахсан ўзи кулдорликдан нафратланади ва ўзининг барча қулларини озод этишга уринади. Ўзга томондан ёмон хўжайин Симон Легри шимоллик ёвуздир. Роман ўн йил мобайнида фуқаролар уруши ёқасига келаётган Шимол ва Жанубликларни яраштиришга қаратилган эди. Аслида эса аболиционистлар ва бошқалар томонидан Жанубга қарши баҳсда ишлатилади.

Хэрриет Жэкобс (Harriet Jacobs 1818-1896) Шимолий Каролинада қул бўлиб туғилган Хэрриет Жэкобс ўз бекасидан ўқиш ва ёзишни ўрганайди. Бекасининг вафотидан сўнг Жэкобс оқ танли хўжайинга сотилиб, жинсий алоқага ундалади. Унга қаршилиқ кўрсатиб, ўзга оқ танли маҳбуб топади ва ундан икки фарзанд кўради. Болалари бувисиникида тарбияланади. “Зўрлаш оқибатида бировга қарам бўлишдан кўра ўз хоҳишимга кўра бошқага рози бўлиш мен учун камроқ камситилиш бўлиб туюлди”.

“It seems less degrading to give one’s self than to submit to compulsion” деб холисона ёзади Жэкобс. “Ўз хўжайинидан қочиб, Шимол томон кетди” деган гаплар тарқатади.

Қўлга тушиш ва қуллик ҳамда жазога мубтало бўлиш кўркуви остида у хўжайини яшовчи шаҳарда салкам етти йил бувисининг кичиккина қоронғи болохонасида яшириниб юради. Суюкли фарзандларини шипда

қилган тешиқлар ортидан пинхона кўриб, дийдорига тўйшига мажбур бўлган. Охир оқибатда Шимолга қочади ва Нью-Йоркнинг Рочестерида ўтроқ бўлади. Айнан шу ерда Фредерик Дуглас (Frederick Douglass) кулдорликка қарши “Шимолий юлдуз” (“North Star”) газетасини нашр қилар эди ва яқин орада Сенека Фоллда аёлларнинг ҳуқуқлари бўйича йиғин ўтказилган эди. Шу ерда Жэкобс квакер филинист аболиционисти Эми Пост (Amy Post) билан дугоналашади ва унинг рағбати билан ўз автобиографиясини ёзади “Кул қиз ҳаётининг ҳодисалари” (“Incidents in the Life of a Slave Girl”) деб номланган бу асар 1861 йилда “Линда Brent” (“Linda Brent”) тахаллуси остида чоп этилади. Унга Лидия Чайлд муҳаррирлик қилади. Асарнинг қора танли кул аёлларнинг жинсий эксплуатацияси кескин қораланади. Дуглас китоби сингари Жэкобснинг асари ҳам куллар ҳикоя жанрининг бир қисми бўлиб, колониал пайтлардаги Олауда Икуиано (Olaudah Equiano) ижодига бориб тақалади.

Хэрриет Уилсон (Harriet Wilson) (1807-1870) Америка Қўшма Штатларида «Бизнинг негр: ёки Шимолдаги икки қаватли оқлар яшайдиган уйдаги эркин қора танлилар ҳаётидан лавҳалар. Кулдорлик сояси ҳатто шу ерга ҳам тушганини кўрсатиш» («Our Nig: or sketcher form the life of a Free Black, in a two-storey white house, North showing that Slavery’s Shadows Fall Even there”, 1859») номли роман нашр этган дастлабки африкалик америкаликдир. Роман реалистик чизгиларда оқ танли аёл ва қора танли эркакнинг турмуш қуришини тасвирлаб, бадавлат насроний уйда қора танли хизматкорнинг оғир ҳаётини тасвирлайди. Аввалига автобиография сифатида кўрилган бу асар эндиликда бадий адабиёт намунаси сифатида кадрланади.¹

Жэкобс сингари Уилсон ҳам асарларини ўз номи билан шар этмаган ва унинг асарлари яқин кунларгача назардан четда қолиб келган. Айнан шу тақдир ўша даврининг аксарият адиблари ижодига ҳам тааллуқлидир. Қора танли адиблар бадий адабиётини диққат марказига олгани билан таниқли африкалик америкалик олим Генри Луис Гэйтс (Henry Louis Gates, Jr) 1983 йили «Бизнинг негр ...» («Our Nig...»)ни қайта ўрганиб чикди.

Фредерик Дуглас (Frederick Douglass) (1817-1895) ўз замонасида кулдорликка қарши қаратанли америкаликлар ҳаракатининг етакчиси ва нотик бўлган бу улуғ инсон Мэриленд плантациясида кул бўлиб туғилган. Тақдир унга кулиб боқади ва ёшлигида нисбатан либерал руҳли Балтимор шахрига юборилиб, у ерда ўқиш ва ёзишни ўрганади. 1838 йили 21 ёшлигида Массачусетсга қочган Дуглас аболиционист муҳаррир Уильям

¹ www.google.com. Abolition movement and its representatives.

Ллойд Гаррисондан мадад олади ва қулдорликка қарши жамоаларда маърузалар ўқий бошлайди.

1845 йили у «Америкалик қул Фредерик Дуглас ҳаётининг қиссаси» («Narrative of the Life of Frederick Douglass, An American Slave») ни нашр этади. (Иккинчи таҳрири 1855 йил, қайта ишлаб чиқилган нашри 1892 йил). Бу асар кўплаб «қуллик қиссалари» орасида энг оммабопидир. Кўпинчалик саводсиз қора танлилар томонидан оқ танли аболиционистларга оғзаки гапириб берилган ва ташвиқот тарзида ишлатилган қуллар қиссалари Фукарлар Урушидан олдинги йилларда барчага маълум эди. Дуглас қиссаси жонли ва ўта адабий тилда ёзилиб, қулдорлик жамияти ички руҳий дунёсининг антиқа кўринишларини ифодалаган ва бу қурилманинг қоратанлиларга қанчалар азоб-укубат келтиришини тасвирлаган.

Қуллар қиссалари Америка Қўшма Штатларида қора танли адибларнинг дастлабки проза жанри бўлган. Оқ танлилар Америкасида африкалик америкаликларга ўзлигини касб этишга ёрдам берган ва XX аср узра ҳам қора танли адибларнинг бадиий воситалари ва мавзуларига чуқур таъсир ўтказган. Ўзликни англаш, дискриминацияга қарши ғазаб ҳамда оқ танли кўпчилик томонидан саводсиз қолдирилиб, кўримсиз, махфий ва таъқиб остида ҳаёт кечириш мавзуси Ричард Райт, Жеймс Болдуин, Ральф Эллисон ва Тони Моррисон каби XX аср Америка қора танли адиблари ижодида қайта кўтарилди.

Фортен Жеймс (Forten, James, 1766-1842) Жеймс Фортен 1766 йилнинг 2 сентябрида Америка демократиясининг ўчоғи ва АҚШ Конституциясининг қабул қилинган жойи Филадельфияда озод қора танлилар Томас ва Маргаретлар оиласида дунёга келади. У ёшлигида бошланғич таълимни олиб, хат саводини чиқаради, сўнгра кун кечириш учун кемасозлик иши билан шуғулланиб, моддий жиҳатдан ўз даврининг таъминланган қора танлиларидан бўлади, бироқ ишдан бўш бўлган вақтларда у қора танлилар ва оқ танлиларнинг тенгҳуқуқли бўлиши учун курашади. Унинг бунга ишончи Фортенни памфлетлар ёзишга ундайди ва "«Қора танли Одамдан Хатлар» («Letters From a Man of Colour») туркумида ўзининг аболиционистик ғояларини қамраб олган ижод намуналарини нашр қилдиради. Кейинчалик у Уильям Ллойд Гаррисон билан дўстлашгач, умрининг охиригача унинг "Либерейтор" ("Liberator") газетасини моддий жиҳатдан таъминлаб, ўз фикр мулоҳазаларини памфлетлар ёхуд хатлар тариқасида газетада чоп эттиради ва уларга "Қора танли Филадельфиялик" ("A Coloured Philadelphian") томонидан юборилган деб изоҳ ёзади. Унинг хатларида асосан ирқий камситилиш, бидъат, аболиционизм харақтаининг ғояллари ҳақида маълумот берилади. Фортен бундан ташқари Американинг

Мустамлакачилик сиёсатини ҳам танқид остига олади. Фортен “Либерейтор” газетасига мунтазам равишда хатлар ёзиб туради ва уларда даврининг энг долзарб муаммоларидан бири кулдорлик тузуми ҳақида маълумот бериб, уни қоралайди, чунки унингча демократик жамият учун кулдорлик умуман тўғри келмаслигини ва бу шармандали ҳамда аянчли ҳол эканлиги уқтирилади. У умрининг сўнгги кунларигача яъни 1842 йилнинг 4 мартигача рафиқаси ва саккиз нафар фарзанди билан Филадельфияда яшайди.¹

Мартин Конвей (Martin F.Conway, 1829-1882) АҚШ Конгрессмени, Франциядаги АҚШнинг элчиси, аболиционист ва Канзас штатидаги Озод давлат ҳаракатининг адвокати бўлган. У Мэрилендда йирик кулдор оиласида дунёга келган. Мартин мактабни ўн тўрт ёшида тугатгач, босмачилик хунарини ўрганади. Сўнгра қонун ва ҳуқуқшуносликни ўрганиб, мамлакатдаги энг машхур ҳуқуқшунослардан бирига айланади. 1854 йил Канзасга кўчган Мартин Конвей Балтимор маҳаллий газеталаридан бирида муҳбир бўлиб ишлайди ва айнан шу даврда у кулдорлик тузумини қораловчи ва қора танлиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояловчи қатор мақолалар ёзади ва элга аболиционист сифатида танилади. 1861 йилда АҚШ Конгрессининг аъзосига айланади ва унинг “Озодлик учун миллионлаб маблағ ва кулдорлик учун сариқ чақа ҳам сарфланмасин” (“Millions for freedom, but not one cent for slavery”) деб номланган сиёсий дастури туфайли кулдорликка қарши бўлган инсонлар сафи янада кенгаяди.

Джон Энтони Коупленд (John Anthony Copeland, Gr, 1834-1859) Шимолий Каролина штатида озод қора танли сифатида дунёга келган. 1842 йил Коупленд Огайо штатидаги Оберлингга кўчади ва у ердаги маҳаллий коллежлардан бирида таҳсил олади ва айнан шу ерда кулдорликка қарши ҳаракатларда фаол қатнашади. У Джон Брауннинг тарафдори ва кулларни қуролли озод қилиш ҳаракатини фаол иштирокчиси бўлиш билан бирга кулдорлик тузумини қораловчи мақолалари билан ҳам бутун мамлакатда шуҳрат қозонган. 1859 йил 16 декабрида Джон Брауннинг Ҳарнер Феррига кулларни озод қилиш учун уюштирилган қуролли рейдида қатнашиб, қўлга тушади ва 1859 йил 16 декбарда дорга осилади. Унинг оиласига юборган сўнгги мактуби унинг ҳақиқий аболиционист эканлигидан далолат беради:

“Why should you sorrow? Why should your hearts be racked with grief? Have I not everything to gain and nothing to lose by the change? I fully believe that not only myself but also all three of my poor comrades who are to ascend the same scaffold – (a scaffold already made sacred to the cause of freedom, by the

¹ Outline of US.History <http://wsinfo.stage.gov/> 2005. pages 200-202.

death of that great champion of human freedom, Capt. John Brown) are prepared to meet our God.”

Мария Уэстон Чэпмен (1806-1885. Maria Weston Chapman) 1806 йилда Массачусетсда унчалик бой бўлмаган, аммо яхши алоқалари бор оиалада дунёга келади. У амакисининг Англиядаги дўстлари туфайли у ерда таълим олиб қайтади ва 1828 йилда Бостонга қайтгач, қизлар мактабида ишлай бошлайди. Икки йилдан сўнг таълим соҳасини тарк этиб, бой савдогар Генри Гарафтсон Чэпменга турмушга чиқади. Айнан бу оиладаги мухит туфайли Мария Чэпмен аболиционистга айланиб, қулдорлик тузумини зудлик билан бекор қилиш тарафдори бўлади. Мария ва унинг турмуш ўртоғи машхур аболиционистлар етакчиси Гаррисон томонида бўлиб, уни маблағ билан таъминлаб туришар эди. 1835 йилда Чэпмен Бостондаги Қул савдосига қарши ҳаракатга Лидия Чайльд ва Луиза Лоурингдек қўшилиб, унинг фаол иштирокчисига айланади. Бундан ташқари 1835 ва 1865 йиллар мобайнида Чэпмен Массачусетсдаги Қулликка қарши Жамият (Massachusetts Anti-Slavery Society) (MASS), Янги Англиядаги Қулликка қарши Жамият (The New England Anti-Slavery Society- NEASS) ва Америка Қулликка қарши Жамият (The American Anti-Slavery Society - AAS)ларининг фаолларидан бири бўлиб, Бостондаги Аёллар Қулликка қарши Жамиятида (The Boston Female Anti-Slavery Society BFASS) ўзининг мақолалари ва нутқлари билан чиқиб, қулликни қораловчи трактатлар нашр қилади. У Гаррисоннинг «Либерейтор» газетасида муҳаррир ёрдамчиси бўлиб ҳам ишлайди. 1839 йилда унинг «Мен қулликни бекор қилишга қандай ёрдам беришим мумкин?» («How Can I Help to Abolish Slavery?») номли китобида у ўзининг энг сара шеърларини тўплаган. Унинг ойномаларда қулликнинг салбий оқибатлари ҳақида ёзилган қатор мақолалари мунтазам чоп этилиб борган. Унинг Бостондаги қулликка қарши ҳаракатнинг оммалашувида қўшган ҳиссаси улкандир.

Орен Чини (Oren V.Cheney, 1816-1903) асосан онасининг таъсирида аболиционизм ва миллатлар ҳамда ирқлар ўртасидаги дингий бағрикенглик руҳида тарбияланган бўлиб, бутун ҳаёти давомида бу ғояларга содиқ олади ва бу ғояларни аболиционист ўқитувчи, давлат вазири ҳамда «Тонгги Юлдуз» («The Morning Star») аболиционистик газетасининг муҳаррири, Бейтс Коллежининг асосчиси ва президенти бўлган даврларда кенг оммага тарғиб қилади. Чинининг отаси «Тонгги Юлдуз» газетасининг босмачиси бўлиб, у Фредерик Дугласнинг ўртоғи эди.¹

Чини қулларни озод қилиш ҳаракатининг фаол иштирокчиси сифатида, уларнинг оғир ва машшақатли ҳаётларини тасвирловчи

мақолалар ва эсселар яратади ва уларни тўплаб «Faith by their Works» номли китоб чиқаради.

Чини 1865 йилда АҚШдаги куллар озод қилинганлиги эълон қилинган, ҳам ўзининг фаолиятини тўхтатмайди ва 1867 йилда эркин бўлган куллар учун Ғарбий Виржинида қатор мактаблар очиб, уларнинг хат-саводли ҳамда маърифатли қилишда тинмай ҳаракатланади. Чинининг вафотидан сўнг унинг учинчи рафиқаси Эмелина Чини унинг кундаликлари ва «Тонгги Юлдуз»да нашр қилинган автобиографик мақолалардан фойдаланиб, Орен Чини ҳаётининг биографиясини ёзади. Орен Чини қора танлилар учун дастлабки мактаблар очиш билан уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун шарт-шароитлар яратгани учун ҳам аболиционистлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Эллен Крафт (Ellen Graft 1826-1897) АҚШнинг Джоржия штатидаги Мекон шаҳарчасида дунёга келган. Унинг онаси кул ва отаси унинг хўжайини бўлган. Эллен ўзини оқ танли эркак қилиб кўрсатиб, турмуш ўртоғи Уильям билан мекондан Саваннага поездда қочиб кетишган ва улар 1848 йилнинг 25 декабрида Филадельфияга етиб келишган. Уларнинг бу хатарли ва хавfli қочишлари уларнинг «Озодлик учун минглаб қақирим ерларга қочиш» («Running a Thousand Miles for Freedom») деб номланган. Уларнинг Филадельфияга етиб келишларидан сўнг, Уильям Ллойд Гаррисон ва Уильям Уэллс Браун каби аболиционистлар Эллен ва унинг турмуш ўртоғи Уильямдан уларнинг қочишлари тарихини аболиционистик гуруҳларга ҳам айтиб беришга руҳлантиришган ва кейинги икки йил мобайнида улар оммавий йиғинларда ўзларининг тақдирларини айтиб бериб, оммавий чиқишлар уюштирилган. Лекин шунга қарамай, 1850 йилда қочоқ кулларни хўжайинларига қайтариш ҳақидаги қонун эълон қилинган, Уильям ва Эллен Крафтлар Англияга кўчиб кетишади, чунки улар уларнинг эркинлиги барҳам топишидан қаттиқ кўрқишади. Крафтлар у ерда ҳам оммавий чиқишлару йиғинларда иштирок этиб, умрларининг сўнгги давригача ҳаққоний аболиционистлар бўлиб қолишади.²

Генри Бокс Браун (Henry “Box” Brown, 1815-1879) кул бўлиб туғилган 1830 йилда тамаки ишлаб чиқариш фабрикасига Ричмондга юборилган. У ерда у Нэнси исмли бошқа қуга уйланади ва уларнинг учта фарзанди бўлади. Браун Нэнсининг хўжайинига хотини болаларига қарагани учун маошларини тўлаган. Бироқ бунга қарамай, унинг хотини ва болалари кул савдогарига сотилади ва Шимолий Каролинага жўнатилади.

¹ www.yahoo.com/Abolition/movement/

² www.altavista.com/Abolition/movement/

Браун бунинг олдини олишга ожиз эканлигини кейинчалик ўз асарларида тасвирлайди.

1849 йилнинг 29 мартда у кулликдан қочади. Унинг қочиш усули антиқа бўлиб, у қуруқ маҳсулотлар жойлайдиган қутида 27 соат мобайнида юриб, озод штатлардан бири Филадельфияга етиб келади. У ерда Браун кўплаб аболиционистлар билан танишади ва кулликка қарши жамиятнинг машҳур нотиқларидан бирига айланади. 1849 йил майда кулликка қарши конвенцияда Бостон «Бокс» яъни «Қути» деган тахаллусни олади ва шундан сўнг Генри Бокс Браун деб атала бошлайди. У ўз автобиографиясини 2 хил вариантда нашр қилдиради. Биринчиси 1849 йилда Бостонда «Генри Бокс Брауннинг ҳаёт йўли қиссаси» («Narrative of the Life of Henry Box Brown») деб номланиб чоп этирилган ва иккинчи варианты 1851 йил Англиянинг Манчестер шаҳрида нашр қилинган. Браун 1850 йилгача яъни АҚШда қочоқ кулларни тутиб, эгаларига қайтариш ҳақидаги қонун қабул қилингунига қадар Қўшма Штатларнинг шимоли-шарқий штатларида «Қуллик Ойнаси» («Mirror of Slavery») деб номланган кўчиб юрувчи кўрғазма билан саёҳат қилиб, кулликнинг шафқатсиз ва аянчли томонларини қораловчи кўрғазмали суратларни кўрсатиб, аболиционизм ғояларини тарғиб қилган. Браун Британияга кўчиб ўтгач ҳам ўзининг кулликча қарши панорамасини ўн йил давомида ҳар бир шаҳар ва шаҳарчаларда кўрсатиб юрган.

Браун 1875 йилгача Британия оролларида қолади ва у ерда Африкалик Шаҳзода деб атала бошлайди. 1875 йилда АҚШга қайтиб келади ва кулликдан озод қилинган кулларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун курашни давом эттиради. Унинг ўлими сабаблари маълум эмас.

Генри Ингерсолл Боудич (Henry Ingersoll Bowditch, 1808-1892) Натаниэль Боудич яъни таниқли математик оиласида туғилган. Генри илм ўрганиш учун отасининг изидан бориб, европага тиббиётни ўрганиш учун боради. У ерда Генри кейинчалик «кулликни йўқотиш тарафдори бўлган буюк ҳуқуқшунос» Уильям Уилберфорс (William Wilberforce)нинг дафн маросимида, қатнашганидан сўнг, у шак-шубҳасиз Уилберфорс изидан бориб кулликка қарши ҳаракат тарғиб этган ғоялар билан таъсирланади. Европадан Бостонга қайтиш билан, у ўзини аболиционист деб эълон қилади. Боудич ўзини аболиционист сифатида эълон қилгандан сўнг унинг дўстлари уни учратганларида унга сўз ҳам айтмай, ундан юз ўгиришган. Бироқ шунга қарамай, у аболиционистик ғояларга содиқ қолган. Аболиционистик фаолияти давомида Боудич илм-фан тараққиёти ва жамиятдаги инсонлар соғлигини сақлаш соҳаларида улкан ишларни амалга оширган. У кўпгина касалларнинг давосини топиб, кулларнинг ва америкалик-африкаликларнинг соғлиги масаласига жамиятда биринчилардан бўлиб

эйтибор қарата бошлаган. Боудичнинг «Preventive Medicine and the Physician of the Future» ва «Public Hygiene in America» номли асарларида у ўз ғоя ва қарашларини баён қилган.

Энтони Бенезет (Anthony Benezet, 1713-1784) америкалик дастлабки маърифатпарвар ва аболиционистлардан бири бўлган. Бенезет аслида Францияда туғилган, бироқ унинг оиласи бу мамлакатни ўзининг сиёсий қарашлари туфайли тарк этишга мажбур бўлган ва 1731 йили Бенезетлар оиласи Шимолий Америка, Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрига кўчиб ўтишади.

Энтони Бенезет ва унинг дўсти Джон Вулмен Американинг дастлабки аболиционистларидан ҳисобланишади. Филадельфияда Бенезет Христиан дини ва демократик қарашлар ҳукм сураётган жамиятда қулликка асло ўрин бўлмаслиги керак деган ғоя ва қарашларни илгари суриб, жамоат ва сиёсий ташкилотларда чиқишлар қилади. Бироқ унинг фаолияти биргина шу ишлар билан чегараланиб қолмайди. 1739 йилдан бошлаб, у мактабда дарс бера бошлайди ва 1750 йилда қора танли қуллар учун кечки мактаб ташкил этади. 1754 йилда эса Америка қитъасида биринчи қизлар мактабини очади, унинг битирувчилари орасида аёллар ва қора танлиларнинг тенг ҳуқуқли бўлишлари учун курашган Дебора Норрис ва Сэлли Уистерлар ҳам бўлган. 1770 йилда эса Филадельфияда қора танлилар мактабини ҳам очади.

Бенезет яна биринчилардан бўлиб, қулликка қарши жамият ташкил этиб, бу жамият «The Society for the Relief of Free Negroes Unlawfully Held in Bondage» деб номланган эди. Унинг ўлимидан сўнг Бенжамин Франклин ва Бенжамин Рушлар бу жамиятни «Қулликни бекор қилишни қўллаб-қувватловчи Пенсильвания Жамияти» («Pennsylvania Society for Promoting the Abolition of Slavery») деб қайта номлаб, унинг фаолиятига алоҳида эйтибор қаратадилар.

Унинг қулликка қарши ғояларни ўз ичига қамраб олган қуйидаги асарлари, кўплаб аболиционистлар учун дастурамал вазифасини бажарган. Буларга:

1. «A short account of that part of Africa inhabited by the Negroes», 1762.
2. «Caution and Warning to Great Britain and her Colonies, in a short representation of the calamitous state of the enslaved Negroes in the British Dominions. Collected from various authors, etc.», 1767.
3. «Some Historical Account of Guinea... With an inquire into the rise and progress of the slave-trade... Also a republication of the sentiments of several authors of note on this interesting subject; particularly an extract of a treatise by Granville Sharp», 1767.

1817 йилда эса Роберт Ваукс исмли аболиционист Энтони Бенезет биографиясини ёзади.

Питер Кларк (Peter Humphries Clark, 1829-1925) Фредерик Дугласнинг тарафдори бўлиб, Огайодаги энг таъсирли сўзловчи қора танли нотик ва аболиционист ёзувчилардан бири бўлган. У қора танлиларнинг биринчи мураббийи ва Огайода ташкил этилган дастлабки қора танлиларнинг олий ўқув юртининг асосчиси, ҳамда мазкур штатда қора танлиларнинг овоз бериш ҳуқуқларининг тан олинишига эришган жамоат арбоби сифатида тарих зарварақаларида ўзининг муносиб ўрнига эга.

Питер Цинциннати штатида кул оиласида дунёга келган бўлишига карамай, яхши таълим олади ва ҳаттоки олий ўқув юртида ҳам талаба сифатида таҳсил олишга эришади. 1853 йилда қора танлилар учун очилган қора танлилар мактабида биринчи ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинади. Кейинги фаолияти давомида аболиционист ёзувчи, нотик, муҳаррир ва нашриётчи сифатида шуҳрат қозонади. Амакиси билан биргаликда, ўзининг шахсий ҳафталик аболиционизм ғояларини тараннум этувчи «Озодлик хабарчиси» («Heralo of Freedom») деб номланган газетасига муҳаррирлик қилади ва нашр қилади. Бироқ кўплаб етакчи қора танли аболиционистлар Фредерик Дуглас ва бошқалар томонидан қўллаб-қувватланган бу газета тўрт ойдан сўнг ёпилади. Шундан сўнг 1856 йилда у Нью-Йоркка Дугласнинг «Шимолий Юлдуз» газетасининг муҳаррир ёрдамчиси сифатида ишга таклиф қилиниб, у ерга кўчиб ўтади.

1857 йилда Цинциннатига қайтган Кларк янги Республикачилар Партиясининг фаолларидан бирига айланади. Бу партия Алфонсо Трафт ва Джорж Ҳоадли исмли машҳур аболиционистлар ҳамда сиёсатчилар томонидан бошқарилган.

1867-1885 йиллар оралиғида эса Кларк ўзининг таълим, сиёсат ва меҳр-мурувват соҳасидаги фаолиятларига бағишланган ва уларни ёритувчи бир қатор мақолалар силсиласини мамлакатнинг турли нашриётларида мунтазам равишда чоп эттиради.

Элизабет Чандлер (Elizabeth M.Chandler, 1807-1834) ота-онасидан эрта етим қолган ва Филадельфиядаги қаттиққўл қариндошлари кўлида тарбияланган. У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ, кулликка қарши ғояларни қўллаб қувватлаган. У ўн саккиз ёшда бўлганида, кулликка қарши ёзилган шеъри «Қуллар Кемаси» («The Slave Ship») кўплаб мукофотларга сазовор бўлиб, аболиционистлар диққат эътиборини қозонган. Аболиционистлардан бири Бенжамин Лунди уни ўзининг кулликка қарши нашр этиладиган газетасида мақолалар ёзишга таклиф қилади. Шу орқали унинг қалами остида ёзилган нарсалар мазмун-моҳияти ва савияси ошиб

боради. Кейинчалик у ўзининг шахсий «Ladies Repository» номли газетасини чоп эттиради ва унда Америкалик Ҳиндуларга нисбатан муносабатни яхшилаш ва қулликни зудлик билан бекор қилишга қаратилган мақолалар ўз ўрнини топади.

1830 йилда Элизабет Чандлер аммаси ва укаси билан Мичиганга кўчиб ўтишади ва у ерда биринчи қулликка қарши жамият тузилишида фаол қатнашади. Бироқ, Элизабет айна адабий ва сиёсий фаолиятининг чўққисиди яъни қиғин даврида оғир хасталиқдан 1834 йилда вафот этади.

Унинг ҳаётлигида, қарийиб унинг барча ижод намуналари номаълум яъни исми шарифи ёзилмай чоп эттилган, бироқ унинг ўлимидан сўнг Лунди унинг барча ижод намуналари ва асарларини йиғиб, икки тўплам шаклида «Essays, Philanthropic and Moral» (1836) ва «Poetical Works by Elizabeth Margaret Chandler; with a Memoir of Her Life and Character» (1836) номлари билан чоп эттиради.

Америка Қўшма Штатлари XIX аср адабиётида аболиционист ёзувчилар ва улар яратган қулликка қарши асарлар асосий ўринни эгаллайди. Чунки, адабиёт бу ҳаёт кўзгусидир. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг энг долзарб сиёсий ва ижтимоий воқеа-ҳодисалари қулликни бекор қилишга қаратилгани учун ҳам, даврнинг барча зиёлилари ва ёзувчилари ҳамда ислохотчилари бу мавзуда қалам тебратишган. Бу даврда ёзувчилар ва адиблар асосан қулликнинг ёвуз ва салбий оқибатларини фош қилувчи мақолалар, эсселар ва шеърлар яратиб, АҚШдаги демократик жамиятда қуллик бу шармандали ҳолат деган ақидани илгари суриб, жамиятда у хоҳ оқ танли, хоҳ қора танли ёхуд аёл бўлмасин уларнинг барчасининг ҳақ-ҳуқуқлари тенг бўлиши учун курашишган.

Гарчи аболиционизм ёзувчилари қолдирган бой адабий мерос бадиий услуб, назм ва насрнинг бетакрорлиги жиҳатдан юксак савияда яратилган бўлмасин, аммо улар бўлажак етук ёзувчи ва шоирларнинг вояга етишида улкан таъсир кўрсатишган ва энг асосийси, улар яратган асарлар орқали нафақат Америка Қўшма Штатлари аҳолиси, балки бутун дунё халқлари қулларнинг аянчли тақдирларидан огоҳ бўлишган. Бундан ташқари, аболиционист ижодкорларнинг саъй-ҳаракатлари ва ўткир овози туфайли Америкада Фуқаролар Уруши бошланиб, қулдорлик тузуми бутунлай бекор қилинган ва барча қора танлилар озод қилиниб, АҚШ Конституциясига 13-ўзгартириш киритилиб, қора танлилар АҚШнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари деб эълон қилинган.

I Боб бўйича хулоса

1. XIX аср инсоният тарихида аболиционизм ҳаракати ва унинг вакиллари илгари сурган аболиционизм ғоялари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, чунки улар қулликка қарши чиқиб, инсонларнинг тенг-ҳуқуқлиги масаласини кўтариб чиқишган.

2. АҚШда аболиционизм ҳаракати XIX асрнинг биринчи ярмида дунёнинг бошқа давлатларига қараганда кенг ёйилган. Бунинг сабаби шундаки, у ерда қуллар бошқа мамлакатларга нисбатан кўп бўлган.

3. Аболиционистлар У.Гарриссон, Д.Броун, Х.Б.Стоу, Л.Чайльд, Ф.Купер, У.Уитмен, Лонгфелло кабилар бу курашда фаол қатнашишган, ва охир оқибат бу норозилик ҳаракатлари 1861-1865 йилларда АҚШ даги фуқаролар урушига олиб келган.

4. Мамлакатда эса қуллик 1865 йилнинг январида АҚШ Конституциясига 13 ўзгартириш киритилиши билан бекор қилинган ва қуллар озод қилинган.

II боб. Х.Б. Стоунинг романларида аболиционизм ғояларининг ёритилиши

1. Хэрриет Бичер Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романида аболиционизм ғояларининг тараннум этилиши

Хэрриет Бичер Стоу XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган Америка адабиётининг маҳоратли адибаларидан бири 1811 йилда Коннектикут штатининг Личфильд шаҳарчасида диний тақводор руҳоний Лаймен Бичер оиласида дунёга келади. Бўлажак ёзувчи диний анъаналар руҳида тарбияланган ва айнан бунинг таъсири унинг ижодида ҳам ўз аксини топган.

Хэрриет ўн уч ёшидан бошлаб, қизларга мактабда дарс бериш билан ўзининг мураббийлик фаолиятини бошлаган. Кундузлари болаларга таълим бериб, зиё нурини таратган бўлса, тунлари хорижий тилларни кунт билан ўрганган.

Унинг етита ака-укалари бўлиб, уларнинг барчаси оталарига тортиб домла бўлишди. Гэрриет йигирма беш ёшида, Цинциннатида турмушга чиқди. Унинг турмуш ўртоғи Кальвин Стоу ҳам барчага танилган ўқимишли Протестант руҳонийси ва ислохотчиси бўлиш билан бирга кулдорлик тузумига қарши курашган илғор америкаликлардан бири эди. Эри ҳам камбағал бўлиб, китоблардан бўлак ҳеч қандай мол-мулки йўқ эди. Хэрриетнинг бор-йўқ сепи баҳоси ўн бир доллардан ошмайдиган идиш-товоқдан иборат эди.

Меҳнат тўла оғир оилавий ҳаёт бошланди. Бу аёлда жуда зўр истеъдод яшириниб ётганини ва вақти келиб миллионларча кишиларни ҳаяжонга солажаклигини у чокда ҳеч ким ўйламаганди. Пул топиш учун у, майда-чуйда мақолачалар ёза бошлади. Бу мақолалар майда журналларда босилар эди.

1849 йилда Цинциннатида вабо бўлиб, унинг ўғли Чарли ўлди.

Хэрриет, ўғлини кўмгандан кейин, оиласи билан ватани Янги Англияга кўчиб кетди. Турмуш ўртоғи янги хизматга жойлашди. Мана шу ерда, Мон штатида, 1851 йилда еттинчи боласи энди туғилган кунларда ҳафтада бир марта чиқадиган «Миллий давр» («National Era») номли журналининг ношири унга негрлар ҳаётидан катта ҳикоя ёзишни таклиф қилди. Бу вақтда улар кулликда яшардилар ва улар ҳақида Америкада қора танлиларни кулликдан озод қилмоқ керакми ёки умрбод ўз хўжайинларининг асоратидан қолиб кетаверсинларми, деган мавзуда узундан-узок мунозаралар борар эди. Мунозаралар йилдан-йил қизғинлаша

борди. Кўпгина ёзувчилар каби Бичер Стоу ҳам бу мунозараларда фаол қатнашди, шунда у қора танлиларнинг ҳаддан зиёд оғир ҳаётларини тасвир этмоқни хоҳлади, мақсади – энг беғараз китобхонга ҳам қулдорликнинг жамиятда шармандали ва жинойий бир ҳол эканлигини англатмоқ эди.

Хэрриет бу қиссасига «Том тоғанинг кулбаси» деб ном қўйди ва даставвал Том тоғанинг фожиали ўлими акс эттирилган бобларни ёзди. У: «Қисса кичик бўлар ва журналнинг тўққиз ёки ўнинчи сониди тамом бўлар» деб ўйлаган эди. Аммо ёзган сайин унинг сюжети кенгая борди. Унинг қалбида қулликка қарши нафрат авж олаверди, натижада қиссанинг ҳажми кенгайиб, уни тугаллаш учун журналнинг қирқдан ортиқ сони талаб қилинди. Қиссани ишлаш, безаш учун Бичер-Стоунинг ҳеч қандай имконияти йўқ эди, чунки ҳар боб охирида «давоми келар сонда» деб ёзиб қўйилар эди, шунингу чун ҳам шошиб, давомини ёзиш керак эди. Ҳар ҳафта сайин у, бутун бир бобни ёзиб тугатар эди. Журналда бу қисса унча шов-шувга эга бўлмади ва муаллифга унинг учун жуда оз ҳақ бердилар.

Орадан икки-уч ой ўтгач, бир кашшоқ ношир шу ҳикояни алоҳида китоб қилиб босиб чиқарди. Мана шунда ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бир ҳол юз берди.

Бу китоб шу қадар зўр муваффақият қозондики, унғача ёзилган ҳеч бир китоб АҚШда бундай муваффақият қозонмаган эди. Китоб босиб чиққан куниёқ сотилиб бўлди.

Франция, Англия ва Американинг машҳур ёзувчилари бу китобни энг гўзал санъат асари деб баҳоладилар. Биргина Лондоннинг ўзида бу китоб ҳар кун ўн минг нусхадан сотилар эди. Бу китобни босиб чиқараётган нашриёт, китобхонларнинг талабини гарчи қисман бўлса ҳам қондириш мақсадида янгитдан бир мингта ишчи қабул қилишга мажбур бўлди. Китобни йигирма уч тилга: француз, немис, рус, швед, испан, арман, ўзбек, италян ва бошқа кўпгина тилларга таржима қилдилар. Ҳамма жойда бу китобдан завқланган янгидан-янги ўқувчилар сони кўпайиб бораверди.

Турли мамлакатларнинг драматурглари бу қисса асосида кўпгина пьессалар ва сахна асарлари ёздилар ва бу пьессалар Европанинг деярли ҳамма пойтахт шаҳарларида ва Американинг барча Шимолий Штатларида жуда кўп марта саҳнага қўйилди. 1853-1854 йил қишида Нью-Йоркдаги катта театрларнинг бирида «Кулба»ни бир ҳафтада ўн саккиз марта саҳнага қўйганлар ва ҳар сафар театр одамга тўла бўлган. Кишини шу нарса ҳайратда қолдирадими, бу пьесса Нью-Йоркда ҳанузгача қўйилади ва уни томошабин илгаригидек зўр хайрихоҳлик билан кутиб олади.

«Том тоғанинг кулбаси» пайдо бўлгандан буён бир юз олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтди. Бир вақтлар шуҳрат қозонган ўн мингларча китоблар бу

давр ичида эскириб, ўқувчининг ёдидан кўтарилиб кетди. Аммо «Том тоғанинг кулбаси» эса ҳозир ҳам миллионларча китобхоннинг диққатини ўзига тортди. Бу китоб жуда умрбоқий бўлиб чиқди, инсоният уни унутишни ҳеч ҳам истамайди. Бунинг ўзи китобнинг ўз замонида адабиётда қанчалик зўр ҳодиса бўлганидан далолат беради.

Киши назаридан узоқ жойда, фақиргина яшаган кўп болали қирқ яшар камтар аёл бутун дунёга машҳур ёзувчи бўлиб ном чиқарди.

1853 йилда у, ўзининг кўпдан буён дилида сақлаб юрган орзусига етиб, Европага саёҳат қилди. У, оғир меҳнат ва оилавий ташвишлар билан шундай, ҳолсизланган эдики, уни пароходга олиб келганларида оёғида зўрға турар эди.

Англияда уни шундай қизгин хурсандлик билан кутиб олдиларки, у чарчаганларини ҳам унутди. У қаерга борасмин, ҳар бир станция ва ҳар бир соҳилда уни минг-минглаб одам кутиб олар ва уни кўрган ҳар бир киши ўзини бахтиёр ҳис қиларди. Деҳқонлар, ишчилар, басавлат эркак ва аёл лордлар, олий табақа вакиллари, катта мансабдорлар, машҳур ёзувчилар, болалар уни самимий табриклар эдилар. Айрим кишилар ва ҳар хил жамиятлар қора танлиларни озод қилишга сарфлаш учун кўпгина пуллар ва маблағлар ажратдилар. Англиядан у Францияга, кейин Германия ва Швейцарияга борди. Бу ерларда ҳам унинг саёҳати катта тантанага айланиб кетди. Қамишдан тўқилган оддий шляпа ва кул ранг камзулча кийган, ранги қонсиз, озгин аёяни ҳамма бу ерда бутун инсониятнинг озодлиги ва бахти учун курашаётган буюк курашчини кутгандек кутиб олардилар. У, ўз китобида фақат қора танлиларнинг озодлиги учун курашса ҳам, бутун жаҳон китобхонига бу асар ҳар қанақа зулм ва қулликка қарши курашга чақириқ бўлиб кўринди.¹

1856 йилда адибанинг қулдорлик масаласига бағишланган иккинчи романи «Дред: лаънатланган бошқоқлик ҳақида қисса» («Dred: a Tale of the Great Dismal Swamp») Қулдорлик тузумини таг-туби билан йўқотиш бу асарнинг асосий муаммоси эди, чунки роман яратилган даврда АҚШда айнан шу воқеа-ҳодисалар барчанинг диққат-марказида эди. Қулдорлар шафқатсизлиги устидан ғалаба қозониш учун, у қулларнинг кўзғолон кўтаришини йўқлаб чиқади. Бу эса унинг дастлабки ва шох асари бўлган «Том тоғанинг кулбаси» романидан фарқланади. Романнинг бош қаҳрамони кўзғолончи Дред исмли қул бўлиб, Бичер Стоу унинг учун ўз даврининг машҳур қул-инқилобчилари Визей, Нат Тернер ва бошқа қулларнинг етакчиларини асос қилиб олган Эрксевар ва Жасур Дред, қулнинг аянчли тақдиридан кўра, хавф-хатарга тўла ботқоқ ва ўрмонларда яшашни афзал

кўради. Эпчил ва сирли Дред, кулдорларга ҳужум қилиб, бир тўда қочок куллар ва тарафдорлари билан бирга кулларнинг оммавий қўзғолонларини кўтаришга ҳаракат қилади. Куллар орасида у пайғамбар даражасига кўтарилиб, ўзининг нутқларида у кулларни итоаткорликка эмас, балки уларни курашга чорлайди ва золимларнинг куни тез орада битишини уларга уқтиради. Фақатгина тўсатдан отилган ўқ уни ҳаётдан эрта олиб кетади.

Бу романда ёзувчи дунёқарашидаги зиддият яққол кўринади. Бичер Стоунинг кулларнинг дарду азобларига чуқур ҳамдардлик ҳисси билан бундай саҳналарни тасвирлаши, унинг инсонпарварлиги ва 1776 йилда эълон қилинган «АҚШ мустақиллигининг Декларацияси»даги инсонларнинг тенг ҳуқуқлиги принципига содиқлигидан далолат беради. Бироқ унинг либерал иллюзияларидаги чекланганлик ва диний хурофатларнинг кучли таъсири туфайли, у қуролли кураш бу долзарб муаммонинг ечими эканлигини тан олишга жазм эта олмас эди, бироқ унинг китоблари китобхонга шундай хулосага келтиради.

Узоқ йиллар давомида мамлакатда давом этган сиёсий инқироз 1861 йилда Фуқаролар Уруши билан яқунланган бўлса, Бичер Стоу қатъий тарзда қуролли кураш тарафдорлари ёнини олиб, кўплаб ватанпарварлик ва кулларни озодликка чорлайдиган мақолалар ёзади.

1865 йилда Фуқаролар Уруши кулларнинг озод қилиниши билан яқун топгач, у қуролли ва сиёсий курашлар олиб борувчи гуруҳлар фаолитядан четга чиқиб, «Дред» романини нашр қилганидан сўнг 30 йил давомида кўплаб романлар, ҳикоялар ва мақолалар ёзади, бироқ уларнинг АҚШ адабиётига таъсири худди унинг дастлабки романларидек улкан бўлмайди.

Бичер-Стоунинг кейинги романларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга Янги Англиядаги XIX асрнинг биринчи ярмида фермерлар ва балиқчилларнинг турмуш тарзини тасвирловчи «Рухонийнинг совчилиги» («The Minister's Wooing», 1859), «Орп оролининг жавоҳири» («Pearl of Our's Island», 1862), «Олдтаун қариялари» («Oldtown Folk», 1869) ва бошқалар киради. Улар фермер ва денгизчиларнинг реалистик портретлари ва америкалик оддий аҳоли қатламининг турмуш тарзига хос хусусиятларни очиб бериши билан аҳамиятга молик.

Унинг иккинчи гуруҳ асарларига «Пушти ва оқ рангдаги шафқатсизлик» («Pink and White Tyranny», 1870), «Менинг рафиқам ва мен» («My Wife and I», 1871), «Биз ва бизнинг қўшниларимиз» («We and Our Neighbours», 1875) кабилар киради ва уларда Бичер Стоу ахлоқсизлик, худбинлик, иккиюзламачилик каби иллатларнинг АҚШ буржуа жамиятида тобора чуқур-сингиб бораётганини қоралайди. Аммо бу асарларда ҳам биз

¹ Г.Б. Стоу. Том тоғанинг кулбаси. Тошкент 1960. 5-8- бетлар.

унинг бу иллатларни танқидида қандайдир чегараланганликнинг гувоҳи бўламиз. Унинг сўнгги романлари унчалик омадли чиқмади, бироқ унинг дастлабки романи «Том тоғанинг кулбаси» бутун дунё бўйлаб севилиб мутолаа қилинар эди.

Бундай шоҳ асарни Х.Б. Стоу қандай яратди экан? Асар муваффақиятининг калити нималардан иборат? Чунки Бичер Стоу бу асарни ўзи яхши билган ва кенг қамровли маълумотларга асосланиб яратган. Унинг Цинциннати ва мамлакатнинг жанубига уюштирилган сафарида Бичер-Стоу кулликнинг турли томонлари билан танишиш имкониятига сазовор бўлган. Унинг шахсий кузатувларига, қариндошлари ва танишларининг билган воқеа-ҳодисалари, матбуотнинг хабарлари, кулликка қарши жамият ва ташкилотларнинг реал маълумотлари ҳамда қочоқ кулларнинг хотиралари қўшилган ва шу тариқа Бичер-Стоу мазкур романни ёзиш учун бой ахборот манбаига эга бўлган. Бундан ташқари «Миллий давр» газетасининг муҳаррири Бейлига юборган хатида Бичер-Стоу асарни кулликнинг турли хил томонларига бағишланган ва реал фактларга асосланган деб изоҳлайди.

Ҳақиқатдан, ҳам романнинг энг ёрқин эпизодлари тўқима эмас, балки ҳақиқий ҳаётдан олинган. Жасур ва кул Элизанинг прототиби боласини кул савдогаридан сақлаб ҳимоя қилиш учун Огайодаги музлаган дарёдан ўтган, Джордж Гаррисдек юзлаб қочоқ куллар уларни таъқиб қилувчилар билан мардона курашганлар, минглаб номаълум меҳнаткаш ва итоаткор куллар эса Томдек шакар ва пахта плантацияларида ҳалок-ҳодисалар америкаликларнинг қулоғига олдин ҳам чалинган, бироқ улар бунга ғайриоддий ҳолат, бўлиши мумкин бўлмаган воқеа деб қарашган. Аммо Х. Бичер Стоунинг китобида бу воқеалар акс эттирилгач, умуман бошқача, яъни Жанубдаги штатларга хос одатий қонун-қоида ва тартиблардек қаралган. Ҳаммага маълум далил ва фактларнинг бундай янгича жаранглаши, нафақат унинг замиридаги бой материалга, балки муалиф томонидан тўғри танланган баён қилиш услубига ҳам боғлиқ бўлган.

Композицион нуқтаи назардан романни таҳлил қиладиган бўлсак, унда бир-бирига зид бўлган иккита сюжет чизиғини кўришимиз мумкин: бир томондан ер ва плантациялар хўжайини Шелби томонидан қора танли кул Томнинг шафқатсиз кул савдогари Гейлига сотилиши ва охир-оқибат золим плантатор Легри томонидан унинг ўлдирилиши турса, иккинчи томондан Шелбилар хонадонидан ўғлини сотилишига йўл қўймай қочган Элиза исмли кулнинг озодлик йўлидаги хавф-хатарга тўла саргузаштлари ҳамда турмуш ўртоғи билан эсон-омон Канадага етиб олиб, эркин бўлишлари тасвирланган. Асар композициясининг бундай икки қарама-

қарши қутб орқали тузилиши, муаллифга Жанубий Штатлардаги ҳаётни кенгроқ ёритиш ва америкалик қулларнинг икки хил тоифасини маҳорат билан тасвирлаш имконини берди.

Асарнинг бошидан то унинг сўнгги саҳифаларигача «Том тоғанинг кулбаси» қулдорлик тузумининг нақадар жиноий ҳол эканлиги ғояси билан суғорилган.

Бу мавзу асарда Том ва қул савдогари Гейлининг Миссисипи дарёси бўйлаб қилган саёҳатлари тасвиридан пайдо бўла бошлайди. Х.Б. Стоу дарёнинг эркин оқимларини қулларнинг эркисиз тақдирларини моҳирлик билан қиёслайди. Муаллифни плантатор ва ер эгаларининг иккиюзламачилиги ва ххудбинлиги ғазабини келтиради, Х.Б. Стоу «зиёли», «мулозаматли», «меҳрибон» хўжайинларнинг давлатлари остида қулларнинг яхши кун кечириши ҳақидаги фикрларга қарши чиқади ва асарда уларнинг эрталабдан кечгача ўз ихтиёрлари билан меҳнат қилишлари ва бунинг эвазига ҳеч бир хохиш-истакларини баён эта олмай, доимо бир хил ва рангсиз ҳаёт тарзини олиб боришларига ачинади, чунки шунча меҳнат учун уларга атиги хароба бир кулба, юпун кийим бош ва фақатгина тирик қолишлари учун емиш берилишини у маҳорат билан қуйидагича тасвирлайди.

«It's all nonsense to talk to me about slaves enjoying all this! To this day I have no patience with the unutterable trash that some of your patronising Northerners have made up, as in their zeal to apologise for our sins. We all know better. Tell me that any man living wants to work all his days, from day-dawn till dark, under the constant eye of a master, without the power of putting forth one irresponsible volition, on the same dreary, monotonous, unchanging toil, and for two pairs of pantaloons and a pair of shoes – a year with enough food and shelter to keep him in working order!»¹

Сиёсий жиҳатдан мамлакатда қулдорлик тузумининг сақланиши муаллиф учун «АҚШ Мустақиллик Декларацияси»нинг асосини ташкил қилувчи принцип яъни инсонлар тенг-ҳуқуқли бўлиб туғилиши, яшаш, озод бўлиш ва бахтли бўлиш ҳуқуқига эга деган тамойилнинг бузилиши ва унга рияо қилинмаслигини эътироф этиб, Х.Б. Стоу тенг ҳуқуқлилик тамойили қора танлилар учун ҳам тегишли бўлишини йўқлаб чиқади ва бу фикрда қатъий туради. Бундай ғояларни тарғиб қилиш, ўша даврда жуда муҳим бўлиб ҳисобланган, чунки қора танлиларга нисбатан қўлланиладиган ирқий каситилиш ва ерга уриш нафақат Жанубий штатларда, балки Шимолда ҳам кучли бўлиб, чуқур из отган эди.

¹ H.B. Stowe. Uncle Tom's Cabin. Moscow. 1960. p.298.

Бичер Стоу «Том тоғанинг кулбаси» романи билан куллар ҳаётини фақатгина жисмоний меҳнат заҳарламаётганлигини исботлайди. Куллик тамғаси уларнинг инсоний фазилатлари ва кадриятларининг топталишига олиб келади. Бундай ҳолатни тасвирлаш учун, муаллиф асарда хўжайиннинг турли хил жонни тўйдирадиган инжиқликлари ва ножўя қилиқлари бечора жасур ва истеъдодли Джоржнинг ҳаётини кун сайин дўзахга айлантирувчи сахналарни мисол келтиради. Ёзувчи хўжайинларнинг кулларга нисбатан жорий қилган ирқий камситилишларини қаттиқ танқид остига олади. Шу йўл билан муаллиф шафқатсиз хўжайинларнинг кулларга нисбатан ноҳақ муомаласи ва муносабати, куллар юрагига қанчалар озор беришини китобхонга етказмоқчи бўлади. Хўжайинларнинг инсофсизлиги ва инсоний қиёфаларини йўқотганликлари сабаб бир кечаю кундуз давомида бор-будидан, уйи, турмуш ўртоғи ва гўдак боласидан жудо бўлган ёки қора танли кул Люсининг жондан тўйиб, ўз жонига қасд қилиш сахналари ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмаса керак. Ўша даврдаги куллик-шунчаки кулларни жисмоний яраламайди, балки уларнинг қалбларига оғир жароҳатларга лиммо-лим бўлишига олиб келади. Куллик психологияси оқсоч кварталонкалар Мери ва Дженни ўзларининг терилари бошқа кулларга нисбатан сал очик бўлганлиги учун бир оз ғурурланишга, эшик отаси мулат Адольфни эса такаббур, ман-ман ва енгилтак қилиб кўяди. Кул бўлган назоратчилар Самбо ва Квимболар эса ўз биродарларининг жаллодларига айланишади.

Плантациялар ва ер эгалари фожиага олиб боровчи кулдорлик тартиблари таъсирида шафқатсиз золимларга ва дангаса искиртларга айланишади. Уларнинг кулларга бўлган муносабатларида: қуйидаги нуқсонларни кузатишимиз мумкин. Мисол учун: инсоний қиёфасини йўқотган Саймон Легри кулни сотиб олганда, ҳам унинг танаси ва ҳам унинг қалбини харид қилишига ва у билан хоҳлаган ишини қила олишига ишонади, кулдорнинг энг кўп тарқалган қиёфаси Альфред Сен-Клер бўлиб, у кучлининг ҳаққи бўйича кулларни ўмариш тўғри деб ҳисоблайди. Огюстен Сен-Клер эса юқоридаги кулдорларнинг бутунлай акси бўлиб, ўз синфининг кулларга нисбатан қилинган ноҳақликларини ўзининг меҳрибончилиги билан ювмоқчи бўлади. Бироқ уч типдаги кулдорларнинг барчаси кулларнинг озод яшовчи инсонлар даражасида шаклланмаганлиги ва мослашмаганлигини эътироф этишади ва асар муаллифи бу ҳолатни фош қилиб, қаттиқ танқид остига олади.

Шундай қилиб, Х.Б.Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романида куллик мавзуи бутунлай ўзгача бўёқдорликда яъни миллионлаб кулларнинг

хам маънан ҳам жисмонан эзилишларига сабаб қилиб, хўжайинларининг хирсга берилиши ва ахлоқсизлиги кўрсатилган.

Асарда адиба кўплаб ҳолларда муаллиф нутқига мурожаат қилиб ўз фикр-мулоҳазаларини лирик чекинишлар мисолида баён қилган бўлишига қарамай, ёзувчининг асосий ғоялари қаҳрамонлар тақдири мисолида намоён бўлган. Бу эса БичерСтоуннинг маҳорати ўсганидан далолат беради, чунки асарда гавдаланган куллар, фермерлар, кулдорлар орасида шунчаки эпизодик образлар мавжудгина бўлмай, уларнинг бари сюжет чизиғида алоҳида аҳамиятга эга. Бу билан роман Хилдретнинг «Оқ танли кул» («The White Slave») асаридан тубдан фарқ қилади.

«Том тоғанинг кулбаси» романидаги қаҳрамонлар иккига куллар ва кулдорларга бўлинади. Аммо ўз навбатида бу гуруҳлар ҳам ички жиҳатдан бир-биридан фарқланади.

Кулдорлар орасида энг кўп бўёқдорликка Саймон Легри эгадир. Унинг асар саҳифаларида пайдо бўлиши биланок, китобхон унинг характери ва касби ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Бойликка хирс кўйиш туйғуси уни кул савдогари Гейли ва олийнасаб Мери Сен-Клер билан яқинлаштиради. Бироқ, Гейли ва Мери Сен-Клердан фарқли ўларок, Легри нафақат ўз кулларида кўп фойда олади, балки уларни қийнаб, ерга уриш орқали «маънавий озуқа» олувчи шафқатсиз ва ахлоқсиз қаҳрамондир. У кулни руҳан кул қилиб, уни эркин иродасини бўғиб ўлдиришга интилади.

«Who is your master? Who has paid for you, dog, one thousand two hundred dollars? You are now mine, with your body and soul, completely? – he said to Tom.»¹

Унинг Томни ўлдиришга қарор қилиши асарда чуқур психологик ёндашув орқали эришилган. Плантатор Том учун тўлаган пулига бир томондан ачинса, бироқ Томнинг ҳар томонлама хўжайин табиатига мос келмаслиги ва Легрининг Томни маънан ва руҳан буйсундира олмаганлиги, уни жисмонан йўқотишга яъни ўлдиришга олиб келади. Кулдорнинг муваффақиятсизлик ва омадсизлик туфайли ғазаб отига миниши ва мард бироқ ҳимоясиз кул билан тўқнашуви саҳнаси китобнинг энг ёрқин саҳналаридандир. Бироқ Томни ўлдиргач, виждонининг қийналиши туфайли эсидан оғган Легри тадбиркор кулдор қиёфасига бир оз мос келмайди.

Кулдор Легрига Джоржнинг хўжайини Гаррис кўп жиҳатлари билан ўхшаб кетади. Кул савдогарлари ва кулдорлар образлари Легри, Гейли, Мэркс, Артур Шелбиларга кулликни қораловчи жанубликлар образлари қарши қўйилган. Булар қочоқ Элизага ёрдам берган фермер Ван Тромп,

инсонпарвар Огюстен Сен-Клер, Джорж Шелби ва бошқалардир. Бу ўринда Сен-Клердан ташқари барча кулликка қарши жанубликлар юзаки тасвирланган. Уларнинг дунёқарашлари ва ишлари жанублик кулдорларга хос бўлмаганлиги учун, улар етарли даражада чуқур ва атрофлича таърифланмаган.

2. Х.Б.Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романидаги кулдорларнинг ички ва ташқи дунёси

Ўзининг ташқи ва ички кўриниши ва дунёси билан кулдорлар бири-бирдан қанчалик фарқланмасин, ёзувчи уларни уларнинг куллари тақдиридан келиб чиққан ҳолда баҳолайди. Шу нуқтаи назардан ёндошилса, уларнинг барчаси салбий қаҳрамонлар сирасига киради, чунки улар билвосита ва бевосита, ҳам ўз ихтиёрлари ҳам ўз ихтиёриларсиз кулларнинг азобланишларига ва фалокатли ўлимларига худди Огюстен Сен-Клер ва Артур Шелбилар каби сабаб бўлишган. Хэрриет Бичер-Стоу китобхонни куллик ҳолатида инсонларни сақлашнинг ўзи жинойий ҳол эканлигини тушуниб етишга ундайди, бунда кулдорнинг шахсий фазилатлари ҳеч қандай роль ўйнамайди.

Романда Ева Сен-Клер образи алоҳида ўрин эгаллайди. Бичер Стоу қизалоқнинг ғайритабиий характерини яъни болаларга хос бўлмаган жиддийлигини, ўта таъсирчанлигини, ҳар қандай шафқатсизлик ва адолатсизликка чидой олмаслик хусусиятларини реал бўёқларда тасвирлайди. Унинг бу «ғайриоддий хусусиятлари» унинг қалбидаги доимий туғённинг акс-садосдир. Унинг қалбидаги туғён – яъни отаси томонидан унда кулларга нисбатан раҳш-шафқат туйғулари, уларнинг азоб чекаётганларини кўргач, даҳшатга тушиши ва уларга ёрдам бера олмай ўзини ожиз ҳамда нотавон ҳис қилиши ҳиссиётлари билан боғлиқ. Ўта нозик қизалоқ доимий ҳаяжонланишлар ва бошқа бировнинг азобларини кўриш туфайли ҳалок бўлади. Еванинг ҳалокатни Бичер Стоу рамзий тарзда ифодалайди. Чунки муаллифнинг эътироф этишича куллик атмосфераси билан заҳарланган барча соф ва пок нарсалар ҳалок бўлиши лозим. Бироқ бу образнинг фақат бир томонидир. Балки, Бичер Стоу Евни баъзи бобларда кичкина фариштанинг фазилатларини сингдириб, уни яқин кишиларга ва Яратганга меҳр-муҳаббат тарқатувчи сифатида гавдалантиради.

Китобхон учун, шак-шубҳасизки, қора танли куллар образлари алоҳида қизиқишга лойиқдир. Итоаткор Том, эрксевар Джоржд Гаррис, чорасизликда қолган Прю, жаҳлдор ва ғазабли Касси, қувноқ Сэм, ўйинқароқ ва шаддод Глопси – каби образлар ўз халқларининг миллий

¹ Г.Б. Стоу. Хижина дяди Тома. 1958, стр. 357.

хусусиятларини намоён қилади. Биринчи марта бу халқ вақллари америкалик китобхоналар кўз ўнгида ўзига хос фазилатрага эга, чуқур ҳис қиладиган, идрок қила оладиган ва қатъий ҳамда тезкор қарорлар қабул қиладиган қиёфада пайдо бўладилар. XIX асрнинг ярмида яратилган бошқа америка адабиётининг романлари орасида Бичер-Стоунинг асари қора танлиларни тасвирлашда ҳаққонийлиги ва инсонпарварлиги билан ажралиб туради.

«Том тағонинг кулбаси» асаридаги кўплаб куллар ўзларининг мардликлари ва плантаторлар устидан устунлиги, яъни ғурур ҳиссиётлари билан ажралиб туради. Уларнинг орасида кул аёл ва кулдорнинг ўғли бўлган Джоржд Гаррис алоҳида аҳамиятга эга. Бу образ орқали Бичер Стоу америкалик куллар қалбида ҳеч қачон сўнмайдиган эрксеварлик ва курашувчанлик туйғуларини гавдалантиради. Биз асарда Джоржнинг эрксеварлик ва хурпарварлик фазилатларини асардан олинган қуйидаги парча мисолида кўришимиз мумкин:

«My master' and who made him my master? That's what I think of-what right has he to me? I'm a man as much as he is; I know more about business than he does; I am a better manager than he is; I can read better than he can; I can write a better hand; and I've learned it all myself, and no thanks to him – I've learned it in spite of him; and now what right has he to make a dray-horse of me? – to take me from things I can do and do better than he can, and put me to work that any horse can do? He tries to do it; he says he'll bring me down and humble me, and he puts me to just the hardest, meanest and dirtiest work, on purpose»¹

Юқоридаги парчада Джорж куллар ҳам оқ танли хўжайинлардан қолишмайди, илм олиш, тадбиркорлик ишларини юритишда ҳам қобилиятли эканликларини ўз ҳаёти мисолида исботламоқчи бўлади. Бироқ, афсуски, кулларнинг хўжайинлари буни кўра олмай, уларнинг илм олишларига тўсқинлик қилишади.

Джорж иккиюзламачи америкалик қонун-қоидалар ва тартибларга ҳам қрши чиқади, чунки айнан улар туфайли миллионлаб қора танли меҳнаткашлар кулдорлар кўлига топширилади ва азоб-уқубатларда қийналади:

«My country again! Mr Wilson, you have a counmtry; but what country have I, or any one like me, born of slave mothers? What laws are there for us? We don't make them- we don't consent to them – we have nothing to do with them; all they do for us is to crush us and keep us down»²

¹ H.B.Stowe. Uncle Tom's Cabin. p. 50.

² H.B.Stowe. Uncle Tom's Cabin. p. 160.

Мазкур парчадан шу нарса маълум бўладики, куллар Америка жамиятида ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлмай, фақат хўжайинларига хизмат қилишлари ва уларнинг тартибларига риоя қилишлари ва бунинг эвазига таҳқирланишлари ҳамда азоб чекишлари аён бўлади. Муаллиф бу парча орқали кулларнинг жамиятда тенг ҳуқуқлилик тамойилини илгари сурган.

Романда тасвирланган кўплаб кулларнинг тақдирлари шунчалик аянчлики, китобхон ва ўқувчиларни ларзага солади. Асосан қари кул Прюнинг ҳаёти жуда фожиалидир. У асарнинг фақатгина бир лавҳасида пайдо бўлади, бироқ унинг образи узоқ муддат китобхонлар онгида сақланиб қолади. Унинг барча болалари бирин-кетин сотилади, охириги боласи эса очликдан ўлади. Кўп йиллар давомида унинг аянчли чинқириғи Прюнинг қулоқлари остида жаранглаган ва бу даҳшатли хотирани яъни фарзанди ўлимани унутиш учун у ичкиликка муккасидан берилади. Бу қари ковоғидан қор ёғиладиган кул аёл барча азоблардан қутулиш учун ўлишни афзал кўриб, ўлишни орзу қилади. Унга дузах кўрқинчли эмас, чунки кулдорлар унга етказган азобданда оғирроқ дард бўлмаса керак, жаннат унга у дунё-ю бу дунё бегонадир:

”I looks like gwine to heaven”, said the woman; an’t than where white folks is gwine; S’pose they’d have me than? I’d rather go to torment and get away from mas’r and missis. I had so” – she said, as, with her usual groan, she got her basket on her head and walked sullenly away”¹

Романдаги кўзғолончи кулларга итоаткор ва вафодор куллар образлари қарши қўйилган. Буларга Том, Дина ва Мэмми кабилар киради. Бундай турдаги куллар образларини XIX аср америкалик ёзувчилар Джеймс Фенимор Купер, Эдгар По, Джон Кеннеди, Уильям Симмслар бажонидил киритишган. Уларнинг асарларида куллар жуда кулгили, ақлан заиф ва бирдан-бир фазилати яъни хўжайинларга садоқати туфайли тасвирланган. Бичер Стоу эса бу усулдан воз кечган. Унинг қаҳрамонлари ҳақиқий инсоний фазилатларга ва кучли ҳиссиётларга эга шахслар сифатида тасвирланади. Шундай хусусиятларга романнинг марказий образи Том эга. Айнан уни, адиба барча эзгу инсоний фазилатлар: ростгўйлик, жасурлик, меҳр-муҳаббатга тўла қалб ва пок-соф виждон билан сийпалаган. Бироқ Бичер Стоу ўта тақводор бўлганлиги учун ҳам ўзининг диний қарашларидан воз кеча олмаган. У Томни бутунлай христианларга хос итоаткорлик ва кечиримлилик тимсолига айлантирмоқчи бўлган. Бунинг амалий оқибатида Том ўта тақводор ва художўй бўлиб, бу эса ўз навбатида тақдирга тўла буйсунишига олиб келади. Унинг Жанубга сотилиши, турли хилдаги

айбловлар, хўжайинлар томонидан унинг ерга урилиши ва топталишиларга у матонат билан чидаб, бошқаларга ҳам шундай қилишни ўргатади ва чақиради.

Асар муаллифи аёл киши бўлгани учун ҳам у кўпроқ кулликнинг оилавий муносабатларга қанчалик зиён етказишини тасвирлаган.

“In some respects some of them are well off, I grant”, said the lady to whose remark she had answered. “The most dreadful part of slavery, to my mind, is its outrages on the feelings and affections – the separating of families, for example.”²

Бундай аянчли ҳолат яъни онанинг боладан ажратилиши ва бунинг оқибатида вужудга келадиган дарду аламлар ҳеч бир китобхонни бефарқ қолдирмай, уларни кулликка қарши курашга ундаса ажаб эмас. Бу ҳолат айниқса, Джорж Гаррисон ўтли нутқида ўзининг ифодасини топган.

“Well, Mr Wilson, hear what I can tell you. I had a father – one of your Kentucky gentlemen – who didn’t think enough of me to keep me from being sold with his dogs and horses, to satisfy the estate, when he died. I saw my mother put up at sheriff’s sale, with her seven children. They were sold before her eyes, one by one, all to different masters; and I was the youngest. She came and kneeled her away with his heavy boot. I saw him do it; and the last that I heard was her moans and screams when I was tied to his horse’s neck, to be carried off to his place.”

Юқоридаги парчада кулдорларнинг нақадар шафқатсизлиги ва куларнинг аянчли тақдири, уларнинг хўжайиннинг уй ҳайвонлари каби сотиш сахнаси бўлиб, кулларнинг таҳқирланиш воқеаларидан биридир. Чунки куллар ўша даврларда ким ошди савдоларида сотиб олиниб, сотилган ва улар бунга қарши ҳеч нарса қила олишмаган. Буни ўқиб туриб, ларзага тушади киши, ахир қандай қилиб инсон қора мол ёхуд эчкидек сотилса, ўзининг жигар гўшасидан ва жигарбандидан айрилиб, умрининг охиригача унинг тақдиридан воқиф бўлмаса?

Асарда кулларнинг ҳам ҳис-туйғулари борлиги, улар ҳам барча оқ танлилардек инсон эканлиги ва уларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари бўлиши лозимлиги ғояси қуйидаги парчаларда ўз аксини топган:

“Indeed Ma’am, you can know nothing of them, if you say so”, answered the first lady warmly. “I was born and brought up among them. I know they do feel, just as kneely – even more so perhaps – as we do.”

“And this by way of teaching Henriquel the first verse of a republican’s catechism, “All men are born free and equal!”

¹ H.B.Stowe. Uncle Tom’s Cabin. p. 284.

² H.B.Stowe. Uncle Tom’s Cabin. p. 284.

Бироқ асарда қулларнинг азоб чекишу ва топталиши сахналаридан ташқари уларни аллақачон озод қилиш вақти келганини кўрсатувчи лавҳалар йўқ эмас. Мисол учун:

«Oh, things that are done and done all the time. I feel sad for our poor people, they love me dearly, and they are all good and kind to me. I wish, papa, they were all free...»

“I’ve thought and thought about them. Papa, isn’t there any way to have all slaves made free?”

“That’s a difficult question, dearest. There is no doubt that this way is a very bad one, a great many people think so; I do myself. I heartily wish that there was not a slave in the land, but then I don’t know what is to be done about it”.

“I would do it if I could”

Юқоридаги парчада қулдорлик каби оғир ва шармандали иллатни йўқотиш кераклиги қаҳрамонлар томонидан тушунилган бўлса-да, буни қандай амалга ошириш мумкинлиги асарда ёритилмаган. Чунки адиба, бунинг чорасини ўзи ҳам билмаган.

Асар бош қаҳрамони Томнинг ёвуз золим қулдор Легри томонидан таҳқирланиш сахналарида Томнинг нақадар матонатли инсон эканлиги очиб берилган.

«No, no, no! My soul an’t yours, masir? You haven’t bought it – ye – can’t buyit. It’s been bought and paid for by one that’s able to keep it. No matter, no matter, you can’t harm me.»

“Mas’r Legree” said Tom, “I can’t do it. I did only what I thought was right. I shall do just so again, if ever the time comes. I never will do a cruel thing, come what may”.

Гарчи Том итоаткор образ сифатида гавдаланса, ҳам, унинг рухи эркин, уни буйсундириб бўлмайди.

“Don’t call me poor fellow!” said Tom. solemnly. “I have been poor fellow, but that’s all past and gone now. I’m right in the door, going into glory? Mas’r George! Heaven has come! I’ve got the victory! – the Lord Jesus has given it to me! Glory be to his name!”

Гарчи асар бош қаҳрамони адолатчизликлар ва шафқатсизликлар гирдобида ҳалок бўлган бўлса-да, ҳурлик ва эрк шамоли қуллар учун асар сўнггида эсади ва улар озодликка эришади.

“To the surprise of all, he appeared among them with a bundle of papers in his hand, containing a certificate of freedom to everyone on the place, which he read successively and presented, amid the sobs and tears and shouts of all present.”

II Боб бўйича хулоса

1.Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Том тоғанинг кулбаси» романида муаллиф америкалик қуллар олдида иккита йўлни: яъни озодлик учун фаол кураш олиб бориш ва христиан итоаткорлик туфайли тақдирга тан бериш лозимлигини кўндаланг қилиб кўяди. Бу йўлларнинг қарама-қаршилигини кўрсатиш учун, у Том ва Элиза тақдирларини кетма-кет келган икки бобда яқунлайди.

2.Хўш, муаллифнинг ўзи қайси бир йўлни афсал кўради. Бизнингча баъзи бир танқидчилар Бичер Стоу пассив йўлни танлаган деб уни танқид қилганлари хато, чунки Бичер Стоу бахтга элтувчи фаол кураш йўлини қўллаб-қувватлаган.

3.Асардаги жасур ва мард қулларнинг озодлик сари қўйиған қадамларида уларнинг омадга эришишлари бежизга эмас. Томнинг эса ўта тақводор ва христиан анъаналарига мувофиқ тарзда иш юритишидан мақсад, шу бўлганки, Бичер Стоу китобхон кўз ўнгида қора танли қул улардек ўта тақводор ва улар каби дарду аламлари борлигини кўрсатиб, уларни яқинлаштирмоқчи бўлган.

4.Гарчи асарнинг яратилганича қарайиб бир ярим асрдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай, асар ўз кадр-қииматини заррача ҳам йўқотмаган, чунки бу асар қулликка ва одам саводсига қарши қаратилган юксак ижод намунаси.

III боб

М.Рид романларида аболиционизм ғояларининг ёритилиши

1. М.Риднинг «Квартеронка» романида аболиционизм ғояларининг тараннум этилиши

Майн Рид XIX аср Америка адабиётининг машҳур адибларидан бири бўлиб, у ўз ижод намуналарида даврининг энг долзарб масалаларини ёритишга ҳаракат қилган. Майин Рид бўлажак авлодга ҳажм жиҳатдан йирик бўлган адабиёт меросни қолдирган Майн Риднинг ижодий мероси 60 томдан иборат бўлиб, улар даврларга бўлиниб ўрганилади.

Майн Рид нафақат бетакрор сюжетли роман ва асарларнинг мохир муаллифи, балки у истеъдодли журнаист ҳамдир. У ўзининг юздан ортиқ мақолаларида ва чиқишларида мамлакатда қулларга нисбатан ўта адолатсиз ва шафқатсиз ҳатти-ҳаракатлар қилинаётганлигини қоралаб, бу ҳолатга чек қўйиш, кераклигини узлуксиз равишда ёритиб боради. Майн Рид АҚШда тенг ҳуқуқли инсонлар жамияти барпо этилиши учун на ўзини ва на сўз қуролини аяйди.

Майн Рид асарлари орасида аболиционизм ҳатти-ҳаракатлари ва ғоялари акс эттирилган ва Америка Қўшма Штатларининг жанубидаги қулчилик давридаги ҳаёт тарзи ҳақида баён қилувчи ижод намунаси бу шакл-хубҳасиз, «Квартеронка» («The Quadroon»)дир.

Романда асар бош қаҳрамонлари Эдвард Рутерфорд ва квартерон қиз Аврораларнинг барча тўсиқларга қарамасдан, муҳаббат ва озодликка эришиш учун курашлари муаллиф томонидан жуда маҳорат билан акс эттирилган. Асарнинг номланиш ҳал ундаги бош қаҳрамонлардан бири Авроранинг миллати билан боғлиқ.

«Квартерон» сўзи аслида испанча «cuarteron», «cuarto» – «чорак» сўзидан олинган бўлиб, Америкада истиқомат қилувчи миллатлар билан Европоид ирқ вакиллари ўртасидаги никоҳ ёки алоқадан тарқалган авлод бўлиб, улар терисининг ранги муллатларга нисбатан анча оқшроқ бўлган.¹ Хусусан, XIX аср Америка ва Европа адабиётларида кўпчилик ёзувчилар қуллар ҳаёт тарзи ва уларнинг оғир шарт-шароитларини тасвирлаш учун асарларининг асосий қаҳрамонларини квартерон миллатидан олинган. Буларга мисол қилиб, Джеймс Феннимор Купернинг «Сўнгги Могиқан» («The Last of Mohicans») асаридаги бош қаҳрамон Кора Мунро квартеронка

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-сон. Давлат Илмий Нашриёти, - Тошкент, 2000-йил, 531 бет.

бўлган. Генри Вордсворт Лонгфеллонинг 1842 йилда ёзилган шеъри “Квартерон қизи”да плантация эгаси ўзининг квартерон қизини кул қилиб сотганлиги ёритилган бўлса, Уолт Уитманнинг 1855 йилда яратилган «Ўзимнинг қўшиғим» («Song of Myself») шеърида «квартерон қизи»нинг куллар аукционига яъни ким очди савдосида сотилиш саҳналари маҳорат билан тасвирланган.

Майн Рид томонидан эса «Квартеронка» («The Quadroon») 1856 йилда ёзилган. Бу рўйатни янада узоқроқ чўзиш мумкин. Аммо бизнинг магистрлик диссертациямиз, айнан Майн Риднинг «Квартеронка» романига бағишланганлиги туфайли, биз бутун диққат эътиборимизни мазкур романда тасвирланган аболиционистик ғояларга қаратишни лозим деб топдик.

Асардаги аболиционистик ғояларнинг ёритилиши масаласидан, олдин биз романнинг сюжети ва композицияси ҳақида бир оз маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Маълумки, бадий асар сюжети – бу образларнинг ўзаро муносабатларидан, курашларидан келиб чиқувчи, ирода йўналишини, характер хусусиятларини намоён қилувчи воқеалар силсиласига дейилади.¹

Сюжет ёзувчига асарнинг бутун материални бириктиришга, тугал картина яратишга имкон беради. У бадий асарнинг ғоясига нисбатан шакл ҳисобланса, образларнинг характери, фаолияти, ирода йўналишини ифодалаши жиҳатидан мазмунни ташкил этади.²

Бадий асарда сюжетни ташкил этувчи асосий босқичларга экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кульминацион нуқта ва ечим киради.

Майн Риднинг «Квартеронка» асарида ҳам сюжетни ташкил этувчи босқичларни кузатишимиз мумкин.

Асарнинг биричи «Сувлар отаси» деб номланган бобида китобнинг экспозициясини кўришимиз мумкин. Чунки унда Майн Рид китобхонга воқеалар силсиласи бўлиб ўтадиган ва бош қаҳрамонлар ҳаётида муҳим роль ўйновчи Луизиана штатини кесиб ўтувчи дарё Миссиссиппи ҳақида кенг ва бадий тарзда маълумот беради. Тугунга тайёрловчи воқеа II бобдан ўрин олган. Бу бобимиз «Олти ой Янги Орлеанда» деб номланган. Асар қаҳрамони Англиядаги ўрта табақага мансуб, дунёвий ва диний илмларни коллежда ўрганган, аммо зерикарли, бир маромда кечадиган ҳаётдан норози бўлган навқирон йигит яъни Эдвард Рутерфорднинг саргузашт излаш мақсадида Янги дунё, яъни Америкага келиши тасвиридан бошланади. Коллежни тугатгандан сўнг олти ой Янги Орлеанда ресторан, театр

¹ Шукуров Н. Адабиётшуносликка кириш. Ўқитувчи нашриёти. Т., 1979, 81-бет.

² Уша асар, 81-бет.

маскарад ва кечки базмларда бор пулини сарфлайди ва чўнтагида атиги 25 доллар пули билан янги саргузаштлар илинжида «Ғарб гўзали» ва «Магнолия» каби йирик ва тез юрар кемаларнинг мусобақаларида қатнашади. У «Ғарб гўзали» кемасининг йўловчиси бўлиб, бу ҳолатни кузатади. Кемада у асарнинг яна бир бош қаҳрамони Эжени Безансон Хонимни учратади. Бу хоним жуда ёш ва гўзал бўлишига қарамай, йирик плантациялар эгаси бўлади ва юкларининг хавфсизлигини таъминлаш учун, Эжени капитандан бу хавфли мусобақада қатнашмаслиги учун ундан сўз беришни сўрайди. Бироқ йўл давомида кўпчиликнинг норозилигини кўрган Эжени Безансон капитандан бу мусобақада қатнашиб, ютишни илтимос қилиб, бунинг учун ўзининг ёрдамани ҳам таклиф қилади. Аммо кема катта тезликда боргани учун ҳалокатга учрайди ва Эдвард ўзининг ҳимоя кийимини Эжени Безансонга беради. Эдвард эса қаттиқ жароҳатланганига қарамай, қирғоқ томон сузиб бориб, тирик қолади.

Романнинг тугуни асарнинг 14-боби «Мен қаердаман» деб номланган қисмидан бошланади. Эдвард хушига келиб, қаттиқ жароҳатланганлини англайди. Эдвард Бринджерда ўзининг дастлабки севгиси Аврорани учратади, аммо, афсуски, унинг ёри квартиронка бўлиб чиқади.

Романдаги воқеалар ривожига тўхталадиган бўлсак, Бринджерда Эдвард ўзига янги дўстлар орттиради. Улар Доктор Рейгарт ва қари Зип яъни Стипион бўлади. Доктор Рейгарт жуда билимдон ва хушмуомала инсон бўлиб чиқади, у Эдварднинг тезроқ соғайиб, оёққа туриши учун қўлидан келган барча даволаш жараёнларини ўтказди. Қари Зип яъни Стипион Безансонлар плантацияларининг қулларидан бири бўлиб, у Эдвардга шу ернинг барча одамлари, қуллари, Безансонлар оиласи ва албатта, қулларнинг оғир ҳаёти ва бу оиланинг муаммолари ҳақида айтиб беради. Эжени ва Аврора эса Эдварднинг аҳволдан ҳар куни хабар оладилар.

Китобнинг ўн олтинчи боби салбий қаҳрамонлардан бири Доминик Гайяр зақида бўлиб, бу инсон Эжени Безансоннинг отаси ҳаётлик давридаги дўсти бўлганлиги учун Эженининг отаси унга плантациялари ва бор мол-мулкни қизи балоғат ёшига етгунга қадар қолдирган. У Эженига ишларни юритишда ёрдам бериши керак эди, лекин шунга қарамай, Доминик Гайяр ўта нопок ва айёр кимса бўлиб, фақат ўзининг манфаатини кўзлайдиган Луизианалик адвокат ҳисобланар эди. Эдвард уни биринчи кўришдаёқ ёқтирмайди, унинг таъбири билан айтганда, унинг ташқи кўринишидан ички дунёсини билиб олиш мумкин.

Ана энди Эдварднинг севгилиси квартирон қизи Аврорага тўхталадиган бўлсак, у оддий қул бўлишига қарамай, хўжайини Мисс

Эжени сингари ўқишни, ёзишни, умуман олганда, бошқа оқ танлилардек жуда илмли ва мусиқа илмидан ҳам хабардор бўлган зиёли қиз эди. Аврора ёшлигидан Эжени хоним билан бирга катта бўлиб, улар деярли дугоналардек доимо бирга юрар эдилар. Эдварднинг Стипион билан бўлган суҳбатларидан, олдинлари бир нечта бой-бадавлат кишилар Арворани жуда қиммат нархга сотиб олмоқчи бўлганлари, аммо Эженининг марҳум отаси Огюсто Безансон уларнинг мақсадлари ёмон бўлганини билиб, уни сотмаганлиги ҳақидаги маълумотларни билиб олади. Шунинг учун, ҳам Аврора Безансонларнинг бошқа куллари орасидан ажралиб турган. Шундай қилиб, Эдвард жароҳати битгунча Безансонларнинг уйида қолади ва шу ерда бўлган пайтларини ўзининг кундалигига ёзиб боради, биз буни асарнинг «Менинг кундалигим» деб номланган 20-бобидан билиб олишимиз мумкин. У шу кунлар давомида доимо Аврорани кўришга, у билан учрашиб, суҳбатлашишга интилади. Аммо кунларнинг бирида Эдвард деярли соғайгандан сўнг Доминик Гайяр унинг хузурига келиб, унга Эдварднинг бу ерда яшаши ёқмаётганлигини айтади ва Бринджерс меҳмонхонасига уни жўнаб кетишини сўрайди. Меҳмонхонага жўнаб кетишдан олдин Эдвард Эжени хоним билан хайрлашгандан сўнг, чиқиб кетаётганда Аврора билан уларнинг нигоҳлари учрашиб, Эдвард унга севги изоҳ қилади. Айнан шу сахна муаллиф томонидан қуйидагича тасвирланган:

«”Aurore!” I said. “it is the first time we have met alone. I have longed for this interview. I have a word that can only be spoken to you alone.”

“To me alone, Monsieur! What is it?”

“Aurore, I love you!”

“Love me! Oh, Monsieur, it is not possible!”

“Ah! more than possible – it is true. Listen, Aurore! From the first hour I beheld you - ... that first hour I loved you – not with a villain’s love, such as you have this moment spurned, but with a pure and honest passion. And passion I may well call it, for it absorbs every other feeling of my soul. Morning and night, Aurore, I think but of you. You are in my dreams an equally the companion of my waking hours... I have said, Aurore that I love you. I repeat it again – with my heart and soul, I love you!”

“Love me! poor girl!”

Бундай воқеадан кейин у юрагида қувонч ва муҳаббат билан Бринджерс меҳмонхонасига жўнаб кетади. Қаҳрамон шу кунларда доимо Аврорани кўрган охирги учрашувини эслаб юради ва Аврора ҳам уни севишига амин бўлади. Бу ерда у бўш вақтини доктор Рейгарт билан ўтказиб, у билан янада яқинроқ танишиб, дўстлади. Шунингдек, Эдвард Аврорани кўриш ниятида Эженининг уйига тез-тез бориб туради. Аммо

Эженининг юзи ҳар доимгидан ҳам маюс ва нимадандир хафадек кўринар эди, яъни бу аслида кема ҳалокатга учрагандан буён давом этаётган эди. Энди Эженининг юзида Эдвард олдин кўрган қувноқлик ва хушчақчақлик руҳи йўқ эди. Эдвард бунинг сабаби, кема ҳалокати пайтида унинг собиқ ёрдамчиси Антуаннинг вафоти ёки Жаноб Гайярнинг ҳатти-ҳаракатлари деб ўйлаб, бу ҳол уни хавотирга солар эди.

Мазкур ҳолат асарнинг XX боби «Менинг кундалигим» қисмида куйидагича акс эттирилган.

«July 14th. – To-day, twice visited by Made-moiselle; who, as usual, was accompanied by Aurore.

Our conversation does not flow easily or freely, nor is it of long continuance. She (Mademoiselle) is still evidently suffering, and there is a tone of sadness in everything she says. At first I attributed this to her sorrow for Antoine, but it has now continued too long to be thus explained. Some other grief presses upon her spirit. I suffer from restraint. The presence of Aurore restrains me; and I can ill give utterance to those common places required in an ordinary conversation. She (Aurore) takes no part in the dialogue; but lingers by the door, or stands behind her mistress, respectfully listening. When I negard her stradfastly, her fringed eyelids droop, and shut out all communion with her soul oh that I could make her understand me.»¹

Эдвард доимо Аврора билан ёлғиз учрашининг интизорлик билан кутиб, у билан суҳбатлашиб, уни ҳақиқатдан ҳам севишини айтишни ва унинг хужайини Эжени хонимни кўндириб, уни сотиб олиб, унга айланишини айтишни истайди ва ниҳоят у бир куни Эжени Безансоннинг уйига боради, аммо от-аравада Мисс Эжени Безансон кетаётганини кўриб, Эдвард уй томон шошилади. Эшикка яқинлашганда эса Эдвард Доминик Гайярнинг Аврорага севги изҳор қилаётганини ва унга уйланишини ҳамда Аврора унинг таклифи ва илтимосларини рад этаётганини эшитиб, хурсанд бўлади. Сўнг Доминик Гайярнинг устидан кулиб, Аврора уни ҳайдайди. Ниҳоят, бу воқеадан сўнг Эдвард ва Аврора бир бирларини севгинларини айтадилар.

Асарнинг айнан шу еридан бошлаб, воқеалар ривожига чигалликлар яъни янги тугунлар пайдо бўлади.

Асарда севги, дўстлик, хоинлик каби мавзулар билан бир қаторда, кулларнинг аянчли тақдирига ҳам алоҳида эътибор берилиб, Майн Рид аболиционизм ғояларини акс эттиради.

Кунларда бир Эдвард қора танлилар яшайдиган ҳудуд орқали кетаётиб, кўлларнинг яшаш тарзи ва ўта оғир турмуш тарзини кузатади.

Муаллиф асарнинг айнан 27-бобида кулларнинг нақадар камситилиши ва азобланиши, ҳамда шафқатсизларча ва аёвсиз жазоланиш саҳнасини моҳирлик билан китобхон кўз ўнгида гавдалантиради:

“My patriarchal dreams vanished at the sight that met my eyes. Before me was a scene of tyranny, of torture – a scene from the tragedy of slave-life!

... A platform was raised a few feet above the ground, so as to enable the person working the pump to reach its handle.

To this spot my attention was directed by seeing that the negroes of the quarter were grouped around it, while the women and children, clinging along the fence, had their eyes bent in the same direction.

The faces of all-men, women, and children wore an ominous and gloomy expression; and the attitudes in which they stood betokened terror and alarm. Murmurs I could hear – now and then ejaculations – and sobs that bespoke sympathy with some one who suffered. I saw scowling brows, as if knit by thoughts of vengeance. But these last were few – the more general expression was one of terror and submission”²

Бизнинг қаҳрамонимиз Эдвард ҳам ноҳақ жазоланаётган дўсти Зипни кўриб, уни қутқаради. Бу воқеадан сўнг Эдвард уйга қайтади. Ниҳоят у эрталаб Эжени хонимнинг олдига бориб, Аврорани севиб қолганини айтиб беради, аммо уларнинг суҳбатлари давомида Эжени хушидан кетиб қолади. Кейин Аврора Эжени ҳам уни севиб қолганини Эдвардга баён қилади. Бу хабарни эшитган Эдвард боши гангиб, нима қиларини билмай, меҳмонхонага қайтади ва ўзига келгунга қадар, фақат 2 ёки 3 кундан сўнг, Эжени Безансон хонимини уйига боришга қарор қилади. Шу кунларда бир оз кўнгил ёзиш учун Эдвард ов қилгани ўрмонга боради ва уни у ерда захарли илон чақади. Ўрмонда Эдвард Гариэль исмли қочоқ қулни кўриб қолади ва айнан Габриэль уни захарга қарши турли доривор ва шифобахш ўсимликлар билан даволайди.

Габриэль куллар орасида энг кучли, мард ростгўй куллардан бири бўлиб, у ҳеч кимдан кўрқмаган. У Эжени хоним плантацияларидаги кузатувчи Ларкиннинг ноҳақ иши учун уни, Ларкинни уриб, ўзи ўрмонда қочиб юрган бўлади. У пайтда куллар хўжайинларига, умуман олганда, оқ танлиларга қўл кўтаришлари ва қочишлари мумкин бўлмаган, агар шундай бўлса, уларнинг бир қўллари кесиб ташланган, бир сўз билан айтганда улар шафқатсизларча жазоланганлар. Шундай қилиб, кечга яқин Эдвард меҳмонхонага қайтади ва Доктор Рейгарт келиб, унга ўз ёрдамини кўрсатади. Шунингдек, бу воқеадан сўнг эртасига Эдвардга бутун мол-

¹ www.google.com free on line books M.Reid. The Quadroon.

² www.google.com free on line books M.Reid. The Quadroon.

мулкидан махрум бўлишини, яъни улар ҳаммаси Доминик Гайярга ўтиши ва куллари мусодара қилинишини, Эжени эса ҳеч вақосиз қолишини айтади. Эдварднинг аҳволи ёмонлиги учун у эрталаб Безансонлар плантациясига боради, бироқ у ерда на Эжени хонимни ва на Аврорани учратади. Дўсти Зипдан улар ўтган кеча Янги Орлеанга жўнаб кетганларини эшитади.

Сўнгра Эдвард Янги Орлеанга борадиган кемага ўтиради ва Америкада ўша даврда машҳур бўлган Вист карта ўйинида деярли бор пулини ютқазиб қўяди. Унда кемада бир ёш йигит қиморбозлар даврасидан чиқиб кетишини ва уларнинг аслида ашаддий каллакесарлар ва қиморбозлар эканлигини айтиб огоҳлантиради. Буни эшитган Эдвард ёш йигитдан миннатдор бўлиб, уни Янги Орлеандан яшайдиган меҳмонхонасига кечкурун таклиф қилади. Бу йигит ўзини Эдвардга Эжени Д'отвил деб таништиради. Меҳмонхонага етиб келгандан сўнг у газетада «Йирик кулларнинг савдоси», «Қарз эвазига Безансонларнинг плантацияси ва мол-мулки сотиляпти» деган мақолаларни ва эълонларни ўқийди. Куллар рўйхатида у Авроранинг исмини топади ва бу савдо «Ротанда» эртаси куни соат 12⁰⁰ да бошланишини билиб олади. У пайтларда битта кулнинг нархи 1000 долларга баҳоланар эди. Аммо Эдварднинг пуллари ҳали ҳам етиб келмаганлиги сабабли, у ўзининг таниши Браун К.нинг олдига боради ва қарз сўрайди, аммо банк буни рад этади. Кейин чорасиз қолган Эдвард кечкурун Д'отвил билан учрашиб, кўпроқ пул топиш учун қиморхонага таваккал қилиб бордилар, аммо минг афсуслар бўлсин-ки, омад яна бир бор улардан юз ўтиради.

Ҳаттоки, Д'отвил ҳам ўзининг тилла тулларини, тилла соати ва узигини ўйинга ютқазиб қўяди. Чунки уларни алдашади. Асарнинг шу қисмида Америкада ўша пайтда қиморбозликнинг авж олгани тасвирланган. Бу кулдорлик каби АҚШ жамиятининг қора иллатларидан бўлган ва муаллиф ҳам XIX асрнинг бошларида алдоқчилик, ноҳақлик ва кулларни камситиш каби салбий иллатларни қаттиқ танқид остига олган. Аврорани сотиб олишга пули бўлмагач, Эдвард Квартерон қизини олиб қочади. Улар ўрмонда яшириниб паноҳ топишади, Аммо афсуски, уларнинг барча саъй-ҳаракатлари зое кетади, чунки уларни топишади.

Шу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, куллар хўжайинларининг далаларида ва плантацияларида оғир меҳнат қилиб, аянчли аҳволда бўлишлари билан бирга, уларнинг хўжайинлари уларни ким ошди савдосиларида шармандали тарзда худди бир буюм ёки ҳайвонни сотгандек уларни сотишган ва харид қилишган. Кулларнинг қора меҳнат ва итоат қилишдан бошқа ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаган. Айнан шу нарсалар XIX асрнинг бошларида жамиятнинг, илғор кишиларининг ғашига тегиб,

уларни бунга қарши курашишга яъни қулдорлик тузумини тагилдизи билан йўқотиш учун ҳаракатга келишга ундаган ва айнан шу ғояларни илгари сурган жамиятнинг фаоллари аболиционистлар деб номланган. «Квартеронка» романидаги бош қаҳрамон ҳам бошқа қулларга бундай адолатсизлик ва ноҳақликларга қарши бош кўтариб, ўз савгилиси бўлган қул квартерон қизини олиб қочади.

Бадиий асарнинг 77-боби «Линч суди» деб номланган бўлиб, бу романнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Бу бобда бош қаҳрамонлар Эдвард ва Квартерон қизи Аврораларнинг тақдирлари ҳал бўлади. Бу бобда муаллиф «Линч Суди»ни унинг барча тавсилотлари билан тасвирлаб берган. Бундай суд ҳеч қандай қонунни тан олмаган ва буйсунмаган, ўзининг ўн икки кишидан иборат таркиби билан бирга ўзи ҳукм чиқарган ва ҳукмни бажо келтириб, жазони қўллаган. Эдвардни ҳам ўрмондан бир тўда одамлар ушлаб, уни Линч судига этадилар ва Эдвардни айбдор деб ҳукм чиқариб, ўлим жазосини энди амалга ошироқчи бўлиб турганларида шериф, унинг одамлари, Доминик Гайяр ва Доктор Рейгартлар етиб келиб, уни у ердан Қонуний Олий Суд яъни Жаноб Клейборн ҳузурига олиб борадилар ва шу йўл билан Эдвард бир ўлимдан қолади.

Асар сюжетининг ечими 79-бобдан бошланиб, бу унинг якуни ҳисобланади. Мазкур бобда муаллиф Эжени томонидан Доминик Гайярдининг барча кирдикорларини очиб берганини, Авроранинг эса аслида озод қиз эканлигини, Антуаннинг тириклигини, Безансонларнинг барча пулларини Гайяр ўзлаштириб олганлигини исботлайли. Ундан ташқари Гайярнинг кирдикорларини аниқлаш учун Эжени ўзини ўсмир йигит кўринишида Эжени Д'отвил деб рганини ҳам айтиб маълум қилади.

Асарнинг эпилог яъни қаҳрамонларнинг кейинги ҳаётига назар соладиган бўлсак, Эдвард ва квартерон қизининг бахтли турмушлари, Эжени Базансоннинг солиқ ёрдамчиси Антуан билан бирга плантация ишларини олиб борганларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ундан ташқари Доктор Рейгартнинг юқори мансабга кўтарилиши каби воқеалар тасвирланган.

Шундай қилиб, «Квартеронка» романини ўқиб, биз унинг сюжет ва композициясини таҳлил қилдик. Асарда барча бадиий асарларга хос бўлган композицион элементларни: экспозиция, тугун, воқеалар ривож, кульминацион нуқта ва ечим кабиларни ўрганиб чиқдик. Шунинг учун ҳам биз бу асар ёшларнинг тафаккури, дунёқараши, инсонпарварлиги ва дунё ҳақидаги билимларини оширишга катта ёрдам беради. Инсонларни озодликка даъват этиш, эркинликни улуғлаш каби ғоялар илгари

сурилганлиги учун ҳам биз бу асарни аболиционизм ғояларини тараннум этувчи шоҳ асарлардан бири деб эътироф этамиз.

Кулдорлик ва кул савдоси борасида А.Наркевичнинг «Послесловие к роману Квартеронка» деб номланган ишида кўйидаги мисраларни ёзиб қолдирган:

«Тарихга назар соладиган бўлсак, Шимолий Американинг барча тарихий тараққиёти кул савдоси билан чамбарчас боғлиқ. 1619 йилда Голланд кемасида Шимолий Америкага биринчи марта 10 нафар қора танли куллар келтирилган бўлиб, 1860 йили Фуқаролар Урушининг арафасида уларнинг сони 4 миллионни ташкил этган».¹

1600 ва 1700 йилларда жанубий штатларда кўпчилик куллар плантацияларда асосан индиго, гуруч ва тамаки етиштирганлар. 1793 йилда эса Эли Уитни (Elee Whitney) томонидан пахтадан джин (ароқ тури) кашф этилгандан сўнг, бу махсулот кенг кўламда савдога чиқиб, иқтисодий жихатдан кўпгина фойда келтира бошлаган. Шунинг учун 1800 йилларда куллар плантацияларда пахта ўстириш ва териш ишларига мажбур қилинган.

2. М.Риднинг Квартеронка романи воқеалари ривожининг ёритилиши

Ана энди «Квартеронка» романи яратилган даврига келдиган бўлсак, мазкур асар мамлакатда жиддий сиёсий ўзгаришлар даврида яъни 1856 йилда Фуқаролар Уруши арафасида ёзилган. Гарчи адиб шахсан ўзи сиёсий ғаяваларда ва норозиликларда қатнашмаган бўлса-да, биз унинг асарларида кул савдосига қарши ғояларни кўришимиз мумкин.

«Квартеронка» романи марказида ўша даврда бораётган сиёсий кураш, яъни кулчилик муаммолари акс этирилган. Майн Рид маҳорати шундан иборатки, асарда бойлар билан бир қаторда, куллар ҳаёти, муаммолари, турмуш тарзи бир-бирига қарама-қарши тарзда тасвирланган. Агар бойлар ва плантация эгаларининг ҳаёти фақат кулларни бошқаришдан иборатлиги акс этирилган бўлса, куллар ер эгалари ва хўжайинларига тобелиги, ҳаётдаги уқубатлари ҳам турли саҳналарда муаллифнинг юксак маҳорати туфайли китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Мисол учун:

«Among the blacks I find existing an antipathy towards what they are pleased to call “poor white men” – individuals who do not possess slave or landed property. The phrase itself expresses this antipathy and when applied by a negro to a white man is regarded by the latter as a dire insult and usually procures for

¹ Наркевич А. Послесловие к роману Квартеронка. М. Государственное издательство. 1956. 758 стр.

the imprudent black a scoring with the “cowskin”, or a slight “rubbing down” with the “oil of hickory”»¹.

Муаллиф яна романда Америкадаги қора танли кулларнинг жамиятдаги ўрни ва уларнинг ўзларини қандай деб аташларига ҳам қуйидаги парчада алоҳида эътибор беради:

«Among the slaves there is a general impression that their most tyrannical “overseers” are from the New England’s states, or “Yankees” as they are called in the South. This term, which foreigners apply contemptuously to all Americans, in the United States has a restricted meaning; and when used reproachfully it is only applied to natives of New England. At other times it is used jocularly in a patriotic spirit; and in this sense every American is proud to call himself “Yankee.” Among the southern blacks, “Yankee” is a term of reproach, associated in their minds with poverty of fortune, meanness of spirit, wooden nutmegs, cypress hams and suchlike chicanes. Sad and strange to say, it is also associated with the Whip, the shackle and the cowhide. Strange, because these men are the natives of a land peculiarly distinguished for its Puritanism. A land where the purest religion and strictest morality are professed.»²

Асарда кулларнинг қуёш чиқмасдан кеч тушганга қадар тинимсиз меҳнатлари, ҳам жисмонан, ҳам маънан эзилганлари ҳамда хўрланганлари кучли оҳангларда баён этилган. Плантацияларда оғир меҳнат қилувчи кулларга иш ҳайвони сифати қаралган. Уларни одам ўрнида кўришмаган. Ушбу бадий асарда кулдорлар ва плантация эгаларининг кузатувчилари томонидан кулларга нисбатан жабр-зулми ҳамда кулларнинг шафқатсизларча ноҳақ жазоланишлари ҳам ёритилган. Бунга асарнинг 27-бобини мисол қилиб кетиришимиз мумкин. Бу бобда кулларнинг ҳаёти кенг акс эттирилган. Асар бош қаҳрамони Эдвард отдал бораётиб, узокдан қаттиқ бақираётган овозни эшитиб, ўша томонга югуриб боради.

Бу овоз хурсандчилик ёхуд кулги овози эмас, балки қора танли кулларнинг фарёд тўла азобдан қичқираётган ва нола қилаётган овози бўлади.

Ҳақиқатдан, Майин Рид романнинг шу бобида кулларнинг ачинарли ҳаётини қуйидагича ёритиб берган:

«My patriarchal dreams vanished at the sight that met my eyes. Before me was a scene of tyranny, of torture – a scene from the tragedy of slave life...»³

У ерда Эдвард қора танли Габриэль исмли кулнинг кузатувчи Ларкиннинг буйруғи билан кул Стипионни оқар сув остида устидан анча

¹ www.google.com free on line books M.Reid. The Quadroon.

² www.google.com free on line books M.Reid. The Quadroon.

³ www.google.com free on line books M.Reid. The Quadroon.

пайтгача босиб турганини кўради. Бу пайтларда кулларга жазо бир-бирлари орқали берилган. Масалан, бу ерда қора танли кул Габриэльдандан жазо берувчи кулол сифатида фойдаланганлар. Бу ерда биз яна шу нарсанинг, яъни кулларнинг нақадар чорасиз ва итоаткор бўлганларининг гувоҳи бўламиз.¹ Чунки улар ўз биродарларини ҳам биргина кузатувчи ёхуд хўжайин буйруғига биноан жазолашга ва ҳаттоки ўлдиришга ҳам мажбур эдилар, агарда улар буни амалга оширмасалар, ўзлари қаттиқ жазоланганлар. Ушбу парчада ҳам иложсиз қолган Габриэль биродари Стипионни қийнашга мажбур бўлган.

“This Gabriel was a Bambara negro, of huge size and strength, branded on both shoulders with the fleur-de-lis. He was a man of fierce aspect, and I had heard, of fierce and brutal habit-feared, not only by the other negroes, but by the whites with whom he came in contact. It was not he that was undergoing punishment. On the contrary, he was the instrument of torture.”¹

Юқорида таъкидланганидек, кузатувчининг буйруғи билан Габриэль Стипионнинг устига насос орқали сув куйиб турганлигини кўрган Эдвард унга раҳми келади ва бу саҳна асарда қуйидагича тасвирланган. And fortune it was – I knew the punishment well. The through or the squedent had been removed and the victim was placed at the bottem of the pump, directly under the spout. He was fast bound in a species of stocks and in such a position that he could not move his head, which received the continuous jet in the very centre of the crown.

Torture? No doubt, you are incredulous! You fancy there can be no great torture in that. A simple shock – a shower – bath nothing more!

You are right. For the first half minute or so it is but a shock, a shower bath, but then...

Believe me when I declare to you that a steam of molten lead – an axe continwally crashing through the skull – would not be more painful than the falling of this cold – water jet. It is torture beyond endurance – agony indescribable. Well, may it be called the “devil’s douche...”

“Again his cry of agony pealed upon my ears – deep and prolonged – as though it issued from the innermost recesses of his soul!...”²

Ўша жазоланаётган кулнинг яқинроғида эса қора танли аёл ва ёш қизнинг йиғлаётганини Эдвард кўради. Улар Стипионнинг хотини ва қизи Хио бўлади. Эдвард бундай даҳшатни кўриб, қадрдон дўсти Стипионни бориб оқар сувдан кутқаради, буни кўрган кузатувчи Ларкин эса ғазабланиб, Эдварднинг олдига келиб, милтиғидан ўқ отади, аммо ўқ нишонга

¹ www.google.com free on line books M.Reid. The Quadroon.

тегмайди. Эдвард эса ўз навбатида Ларкинни қамчини олиб бир неча бор савалайди. Бунинг оқибатида Ларкин ҳушидан кетади.

Кейин Эдвард кузатувчини уйга олиб боришни қулларга айтиб, дўсти Стипионнинг олдига шошади. Стипион бундай шавқатсиз жазодан кейин зўрға ўзига келиб, Эдвардга бунинг сабабларини баён қилади. Аслида Ларкин Стипионнинг қизи Хлони зўрламоқчи бўлган экан. Хло- чиройли, мафтункор, мулат қизи. Стипион қизининг ёнини олиб, Ларкинга қаршилик кўрсатган экан.

Таъкидлаб ўтганимиздек, оқ танлига қаршилик кўрсатган қора танли қулнинг қўли кесиб ташланган, лекин жаҳил ва зулмкор Ларкин бундай қилишнинг ўрнига жазонинг бошқа турини ўйлаб топади, чунки унинг нопок ишлари ҳақида бошқалар билиб қолиши мумкин эди. Буларни эшитган Эдварднинг қони қайнаб кетади, бу воқеаларни яъни Эдварднинг Стипиони қутқарганининг гувоҳи бўлган қуллар – Эдвардни “қулларнинг дўсти” деб номлайдилар.

Эдварднинг қул дўсти Стипиони жазо ва азобдан қутқарганлигини таҳлил қиладиган бўлсак, Майн Риднинг бу соҳна орқали қулларга бўлган муносабатини кўришимиз мумкин. Майн Рид бош қаҳрамон Эдвард орқали бошқаларни ҳам қулларга бўлган муносабатини ўзгартирмоқчи бўлиб, уларни бу разолат шавқатсизлик ва адолатсизликларга қарши бош кўтаришга ундамоқчи бўлади.

Юқорида қуллар ҳақида келтирилган мисоллардан асар бош қаҳрамони ва муаллифларнинг қулларга нисбатан меҳри, уларга дўстона муносабатда эканлигини кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, роман муаллифи ҳам ўша даврда ўз фаолиятини аболиционизм ҳаракати тарафдорлари илгари сурган ғоялар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борган ва у ҳам аболиционист ижодкорлар орасида ўзининг аболиционистик асарлари билан муносиб ўринга эга.

Унинг “Квартеронка” романини ўқир эканмиз, биз яна бир бор қуллар учун у пайтларда шавқатсиз қонунлар тизими амалга оширилганлигини, яъни уларга ўқиш ва ёзиш, оқ танли кишига қарши гувоҳлик бериш, хўжайиннинг рухсатсиз ит ёки бирон бир жониворни боқиш, қуролдан фойдаланиш, соябон олиб юриш, катта йўл бўйлаб ўтиш, кечқурунлари сайр қилиш, отда юриш, харид қилиш кабиларни қилишга рухсат берилмаган. Улар барча инсоний ҳақ ҳуқуқлардан маҳрум этилган. Бундан ташқари ҳар қандай оқ танли киши қочоқ қулларни ўлдириши мумкин бўлган ва бу жиноят саналмай, оддий бир ҳолат бўлган. Бироқ қора танли қулни олиб қочиш, ёки уни озод қилиш жиноят саналиб, уларни “Линч суди” билан айбдор топиб ўлимга ҳам ҳукм қилинган. Чунки қуллар

хўжайинларининг мол мулки ҳисобланиб, бу нарса бировнинг мулкига тажовуз қилиш билан баробар бўлган.

Мазкур ҳолат яъни қулни олиб қочиш саҳналарни “Квартеронка” романидан жой олган ва Майн Рид бу воқеаларни тасвирлашга реал фактларга асосланган. Мисол учун, асар бош қаҳрамони Эдварднинг кварталон қул қиз аврорани олиб қочиши қонунга ҳилоф саналган ва у бир тўда одамлар томонидан таъқиб қилинган. Бу саҳнани тасвирлаш билан муаллиф бир томонидан асар бош қаҳрамони Эдварднинг нақадар жасоратли ва ўз севгилисига бўлган садоқатини кўрсатмоқчи бўлган бўлса, иккинчи томондан, унинг қулларнинг камситилишига қарши бўлган ғоялари яъни аболиционистик ғоялар ўз аксини олган.

Қора танлиларнинг камситилиши ва уларнинг озод бўлгунларига қадар шундай ҳоллар бўлганки, азоб уқубатлардан зада бўлган қуллар тушкунликка тушиб, ўз жонларига қасд қилишган. Жумладан, расмий ҳужжатларда:

“Қуллар кўп ҳолларда ўзларини бўғиб ўлдиришган; бошқалари эса захар ичиб ўлишган; ёки қочиб кетиб, очлик ва қашшоқликда ўлиб кетишган. Плантацияларнинг бирида қора танли ота оналар болаларнинг қулликда азоб чекишларини истамасдан уларни қулликдан озод қилиш учун авал болаларни, кейин эса ўзларини ўлдиришган, яна бир қора танли она 13 та фарзандини қулликда азоб чекмасин дек ўз қуллари билан ўлдирган.”

Қулларнинг аҳволи шундай ачинарли бўлганки, улар бу дунё қийноқларидан кўра ўлимни афзал кўришган. Бироқ бу ҳолат яъни қулларнинг ўта итоаткорлиги узоққа чўзилмаган, уларнинг ҳам сабр косаси ҳам тўлиб борган. Қулларнинг ўз хўжайинларидан қочиб кетиши ёки уларга қул қутариши 19 асрнинг бошларига келиб тез тез учраб турган. “Квартеронка” асарда ҳам бу ҳолатларнинг тасвирига кенг жой ажратилган. Масалан, романнинг 33 боби “Қочоқ” ва 34 боби “Қора танли Габриэль” деб номланган бўлиб, уларда қулларнинг қочиб кетиш саҳналари ёритилган. Юқорида биз Габриэл исмли қул образини талқин қилиш жараёнида, унинг бошқа қуллардан жасурли ва тўғри сузлиги билан ажралиб турганини эътироф этган эдик. Биз унинг бу хусусиятларини унинг ҳатти ҳаракатларида кўришимиз мумкин. Кузатувчи Ларкин Габриэлга дўсти Стипионни яна икки марта жазолашни, яъни сув насоси остига боғлаб, унинг устига сув қуйишни буйирганида Габриэл унга бундай қилмасликни айтади, бундан ғазабланган Ларкин эса қамчиси билан уни уради. Ларкин жабр зулмларига чидаб келган Габриэл охири сабр косаси тулиб, узининг кузатувчисини алаmidан чиққунча роса уриб ўрмонга қочиб кетади ва у ерда яширинади. Айнан ўрмонда ҳаммадан бекиниб юрган

пайтларида у Эдвардни захарли илон чаканидан сунг, уни доривор ўтлар билан даволаб, умрини сақлаб қолади. Шунда бош қаҳрамон Эдвард Габриэл билан танишиб, Габриэлнинг танасидаги қуллик тамғаси ёнида қамчилар изини шундай аянчли ва таъсирли тасвирлаб берадики, ҳатто энг бағри тош китобхон ҳам бу ҳолатга ачинмаслан туролмайди. Унинг баданидан эски яралардан ташқари, қамчи ярасидан қонаган янги узун изларнинг борлиги, қоннинг кўйлагидан ўтиб кетгани, баданида ҳатто соғт жой ҳам қолмаганлиги нафақат унинг балки барча қулларнинг оғир ахволдан далолат берар эди. Бизнингча, Майн Риднинг қулларнинг оғир ва аянчли тақдирларини тасвирлашдан мақсади, бу ҳолатга китобхонларни бепарқ қолмаслигига ишониб, бу иллатга қарши курашиш вақти келганини ва бундай адолатсизларга чек қўйиш кераклигига даъват этмоқчи бўлган. Бу эса аболиционизм ғояларининг романда нақадар моҳирлик билан очиб берилганлигининг исботидир. Бундан ташқари биз Майн Риднинг “Квартеронка” асари орқали қулларнинг қулбалари ҳамда яшаш шароитлари умуман олганда, уларнинг кундалик ҳаётлари ҳақида ҳам билиб олишимиз мумкин. Мисол учун:

“On my soul, I hold that the slavery of the douisiana black is less degrading than that of the white pleb of England. True, this black man is a slave, and there are three millions of his race in the same condition. Painful thought! But less painful when accompanied by the reflection that the same broad land is trodden by twenty millions of free and sovereign men. Three millions of slaves to twenty millions of masters! In my ow land the proportion is exactly reversed! The truth may be obscure. For all that, I dare say there are some who will understand it.”

Юкорида келтирилган парчада муаллифнинг қора танлиларга жабр зулм ўтказилаётганлигига ва қулларнинг сони канчалик кетаётганлигига нисбатан афсус надомат ҳиссини ҳис қилаётганлигини сезиш мушкул эмас.

Асарда қулларнинг қулбалари кичкина кичкина эканлиги ва уларнинг бир бирига худди икки томчи сувдек ўхшаши ва ҳар бирининг олдида хитой дарахтлари, манголия ва ҳар хил гуллар ўсиб тургани тасвирланган. Уларнинг қулбалари плантацияларга яқин бўлиб, улар эртадан кечгача шу ерда меҳнат қилганлар, фақатгина уларнинг болакайлари кун бўйи қулбалари олдида ўйинчоқ ўрнида тарвузнинг уруғлари, шакарқамиш ва маккажўхори қисмларини ўйнар эдилар, чунки қора танлилар болаларига хўжайинларининг руҳсатисиз ҳеч нарса сотиб олиб беришлари мумкин бўлмаган.

Қулбаларининг деворларида улар худди гулчамбарлардек қизил қалампирлар, ҳар хил гиёҳли ўтларни осиб қўйганлар. Бундай нарсалар

безак учун эмас, балки қора танлиларга дори дармон сифатида хизмат қилган. Бу ишлар билан асосан кекса қуллар шуғулланишган. Деярли ҳар бир қора танли ўсимликлар олаמידан яхши хабардор бўлган. Бунга Габрэль ва Стипион исмларини мисол келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари қора танлилар моҳир овчи ҳам бўлишган. Улар қўлларига болға ёки иптидой даврдагидек ёғоч таёқлардан найзалар ясаб ов қилганлар. Қулларнинг ҳар бирининг кулбалари деворларида қуритиш учун осилган териларидан уларнинг қандай ҳайвон овлашларини билиб олиш мумкин. Улар хўжайинларининг рухсати билан асосан, қуён, кумуш рангли тулки, бўрсиқ, оппасума, ёввойи мушукларни ва шунга ўхшаш ҳайвонларни овлашган. Айрим қуллар эса плантация ишларидан ташқари балиқ овлаш билан шуғулланишган.

III Боб бўйича хулоса

1.Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, англиз адиби Майн Риднинг “Квартеронка” асарида аболиционизм ғоялари ўз аксини топган бўлиб, улар орқали адиб ўз замонасининг долзарб мавзулардан бирини кўрсатмоқчи бўлган.

2.Асарда қора танли куллар ҳаёти, турмуш тарзи тасвири, шунингдек, оқ танлиларнинг уларга салбий муносабатлари,кулларнинг камситилиши, қаттиқ меҳнатга мажбур қилинишларидан тортиб, то қора танлиларнинг оқ танлилардек ҳис-туйғулари, орзу-умидлари,яхши яшаш учун ҳақ ҳуқуқлари бор эканлиги ва уларнинг эркин ҳуқуқли бўлишлари учун курашларгача тасвирланган.

3.Асар бош қаҳрамони Эдвард образида ёзувчи ўз истиробларини, қора танлиларнинг ҳуқуқлари баймон бўлмаслиги учун интиладиган оқ танлилар бор эканлигини ҳам кўрсатиб, ўзининг аболиционист ёзувчилардан бири эканлигини исботлаган.

ХУЛОСА

1. XIX аср инсоният тарихида аболиционизм ҳаракати ва унинг вакиллари илгари сурган аболиционизм ғоялари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, чунки улар қулликка қарши чиқиб, инсонларнинг тенг-ҳуқуқлиги масаласини кўтариб чиқишган.

2. АҚШда аболиционизм ҳаракати XIX асрнинг биринчи ярмида дунёнинг бошқа давлатларига қараганда кенг ёйилган. Бунинг сабаби шундаки, у ерда қуллар бошқа мамлакатларга нисбатан кўп бўлган. Аболиционистлар У.Гарриссон, Д.Броун, Х.Б.Стоу, Л.Чайльд, Ф.Купер, У.Уитмен, Лонгфелло кабилар бу курашда фаол қатнашишган, ва охир оқибат бу норозилик ҳаракатлари 1861-1865 йилларда АҚШ даги фуқаролар урушига олиб келган. Мамлакатда эса қуллик 1865 йилнинг январида АҚШ Конституциясига 13 ўзгартириш киритилиши билан бекор қилинган ва қуллар озод қилинган.

3. Бундай воқеалар адабиётда ҳам ўз аксини топган. Бундай асарларга мазкур магистрлик диссертациясида таҳлил қилинган Х.Б.Стоунинг “Том тоғанинг қулбаси” ҳамда М.Риднинг “Квартеронка” асарлари мисол бўла олади. Чунки бу романлар қулдорлик тузумининг нафақат АҚШда балки бутун дунёда йўқ бўлишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшганлар.

4. Ҳар иккала асар ҳам Америка Қўшма Штатларида жиддий сиёсий кураш бораётган даврда яъни Фуқаролар Уруши арафасида дунёга келган. Гарчи Х.Б.Стоу ва М.Ридлар ўзлари шахсан сиёсий ғояларда қатнашмаган бўлсаларда, биз уларнинг асарларида қуллик ва қул савдосига қарши аболиционистик ғояларнинг тараннум этилишини кўришимиз мумкин. Чунки “Том тоғанинг қулбаси” ва “Квартеронка” асарларининг марказида даврнинг долзарб муаммоларидан бири қулчилик муаммоси кўтарилган. Ҳар иккала ёзувчининг маҳорати шундан иборатки, асарда бойлар билан бир қаторда қуллар ҳаёти, муаммолари, турмуш тарзи бир-бирига қарама-қарши тарзда тасвирланган. Агар бойлар ҳаёти фақат қулларни бошқаришдан иборатлиги акс эттирилган бўлса, қулларнинг эса уларга тобелиги, ҳаётдаги азоб-уқубатлари асарларнинг турли лавҳаларида усталик билан гавдаланади.

5. Романларда қулларнинг қуёш чиқмасдан кеч тушгунга қадар тинимсиз меҳнатлари, ҳам жисмонан, ҳам маънан эзилганлари ва хўрланганлари адиблар томонидан зўр маҳорат билан очиб берилган.

6. Х.Б.Стоунинг “Том тоғанинг қулбаси” романи бош қаҳрамони Том тоға итоатли ҳамда сабр-маҳоратли образдир.

7. Гарчи у асар бош қаҳрамони бўлса-да, у даҳшатли қулдорлик тузумига қарши чиқиб, курашиш кераклигини англамас эди. Шунинг учун

хам Том тоғанинг бир қатор ижобий хислатлари ҳақгўйлиги, софдиллиги, олийжаноблигига қарамай, замонавий китобхонларда унинг бу хатти-ҳаракатларига нисбатан қарздорлик ҳисси туғилади. Чунки инсон ҳаётга бир марта келади. Ҳаёт инсонга берилган инъомдир, шунинг учун ҳам барча уни қадрлаб, ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиши лозим. Аммо иккинчи томондан, Том тоғанинг ўз қарашларига содиқлиги, уни том маънодаги насроний жафокаш бўлиб, асар охиригача қолганлиги таҳсинга сазовордир. Бошқача қилиб айтганда, у сабр-матонатнинг юксак тимсолидир.

8.Инглиз адиби Майн Риднинг “Квартеронка” асарида аболиционизм ғоялари ўз аксини топган бўлиб, улар орқали адиб ўз замонасининг долзарб мавзуларидан бирини кўтариб, асар бош қаҳрамони Эдвард образида ёзувчи ўз изтиробларини, қора танлиларнинг ҳуқуқлари поймон бўлмаслиги учун интиладиган оқ танлилар бор эканлигини ҳам кўрсатиб, ўзининг аболиционист ёзувчилардан бири эканлигини исботлаган.

9.Хуллас, Х.Б.Стоунинг “Том тоғанинг кулбаси” ва М.Риднинг “Квартеронка” каби романлари бугунга қадар ҳам ўз мазмун - моҳияти ва долзарблигини йўқотмаган. Бугунги кун билан боғлайдиган бўлсак, макур асар ҳозирда одам савдоси билан шуғулланувчи ва инсон ҳуқуқларини поймол қилувчи бойлик қулларига қаратилган десак муболаға бўлмас. Майн Рид ва Х.Б.Стоунинг шоҳ асарлари буни яна бир бора инсониятнинг ёхуд ва қабих томонлари бўлмиш қуллик ҳамда одам савдосига қарши огоҳликка даъват этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Normative –huquqiy hujjatlar:

1. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.1998й.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. 1999й.

II. Darslik va o`quv qo`llanmalar:

3. .Alfred Whital Stern Collection of Lincolniana. We'll Sing to be Our Song. Sheet Music about Lincoln, Emancipation and the Givil War.
4. Anthology of American literature.
5. Батуринов С. Портреты американских писателей. М.1979 й.
6. Бобоев Р. Адабиётшуносликка кириш. Т.1979й.
7. Бобоев Р. Адабиётшунослик асослари. Т.2002й.
8. Богославский В.Н.Зарубежная литература XV века.Просвещение. 1972г.
9. Ванспенкерен К. Америка адабиёти асослари Т,2004й.
10. General Evening Post. Рўзнома 1772й, 21-23 июнь.
11. Голицинский Ю.Б. Страноведения Соединённые Штаты Америки. Издательство Каро Санкт-Петербург 2003г.
12. Голдман Эмма Документальная История Американских лет. 1987г.
13. David S. Reynolds John Brown abolitionist New York 1984y.
14. Девид Рейнолдс Джон Браун, аболиционист М, Выс. школа,1955г.
15. Девид Брион Девис Бесчеловечное Рабство. 2006г. стр.197,409.
16. Джексон Мартин Калифорниялик ёзувчилар. 1983й.
17. Дуглас А. Черные люди в Америке. 2008г.
18. Елезарова М.Е. Гиждеу С.П и др. История зарубежной литературы XIX века. М.1964г.
19. Жирмунский В.М. Вопросы теории литературы. Сб.статей Л.,Академия 1928г.
20. Засурский Я.Н. Американская литература XX века. М.1979г.
21. Засурский Я.Н. Зарубежная литература XX века переводом профессора Засурского.
22. Conrad E. Harriet Tubman Negro soldier and abolitionist New York 1942y.
23. Мак Кэй Негры в Америке. М, 1923г.
24. Mary Ellen Values in literature. New York 1965y.
25. Наркевич А. Послесловие к роману “Квартеронка”. М.Государственное издательство 1956г.
26. Осипова Э., Гаррисон У. Л. Писатели США Краткие творческие биографии. М, Радуга 1990г.
27. Outline of US.History [http // usinfo. Stage.gov](http://usinfo.Stage.gov). 2005y.
28. Oxford dictionary. Oxford University Press edited by Judgy Pearsall, 1999y.
29. Паррингтон В.Л. Основные течения американской мысли М,1962г. 30. Пуленев Ш. Фалсафа Т.1999й.
31. Султон Иззат Адабиёт назарияси.Т.1986й.
32. Стенли Гарольд Аболиционисты и Юг.1831 -1861г. стр.62 .

33. Файзулла Бойназаров Жаҳон адабиёти Т.2006й.
34. Форнер Эрик Рассказ Американской Свободы. 1998г.стр.66.
35. Feingold David Human Trafficking. 2010у.
36. Чертков В.Г. Краткая библиография У.Л. Гаррисон. М. 1983г.
37. Шукуров Н. Адабиётшуносликка кириш. Ўқитувчи нашриёти.Т.1979й.
38. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-сон. Давлат Илмий нашриёти. Т. 2000й
39. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги дастури.Т. 1997й.
40. Қаюмов О., Сулаймонова С.Чет эл адабиёти тарихи. 1989й.
41. Кўшжонов М.К Русча-ўзбекча луғат Т.1983й.
42. Henry M. All on fire: William Lloyd Garrison and he abolition of slavery. New York, 1999у.
- 43.Highlights of American literature. English language Programs Dunsion. Bureass of Educational and Cultural Affairs U.S. Information agency 1995у., Washington D.C.

III. Бадий адабиётлар.

44. Г.Б. Стоу. Том тоғанинг кулбаси. Тошкент,1960й.
45. Г.Б.Стоу. Хижина дядя Тома. М.,1958г
46. Н.В. Stowe. Uncle Tom's Cabin. Moscow, 1960 .

IV. Интернет сайтлар.

47. <http://www.goole.com>
48. <http://www.yahoo.com>
49. <http://www.literature.com>
50. <http://www.us.history.com>